

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.47.656*

НАСИМОВ ИКРОМ ХУСАНОВИЧ

**ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Ихтисослик: 08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор Қ.Ж.Мирзаев**

Самарқанд - 2019

МУНДАРИЖА

Бет

КИРИШ.....	3
I - БОБ. ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	11
1.1. Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва диверсификациялашнинг илмий – назарий асослари.....	11
1.2. Транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг методологик асослари ва усуллари.....	24
1.3.Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва оширишнинг илмий-амалий асослари.....	34
1.4. Транспорт хизматлари кўрсатишга доир хорижий тажрибалар ва улардан республикамиз иқтисодиётида фойдаланиш йўналишлари.....	39
1- боб бўйича хулосалар.....	46
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ АМАЛДАГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	49
2.1. Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳозирги ҳуқуқ-меъёрий асослари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари.....	49
2.2. Республика иқтисодиёт тармоқларига кўрсатилаётган транспорт хизматлари турларининг ўзига хос хусусиятлари ва самарадорлик даражасининг ҳозирги ҳолати	61
2.3. Транспорт хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва диверсификациялаш муаммолари ва ечимлари.....	76
2- боб бўйича хулосалар.....	89
III - БОБ. ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ - ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	91
3.1. Ўзбекистонда транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг ташкилий – иқтисодий механизмлари ва моделлари.....	91
3.2. Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини модернизациялаш ва диверсификациялаш самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ҳал этишнинг устувор йўналишлари.....	112
3.3. Транспорт соҳасини давлат томонидан қўллаб- қувватлаш ташкилий–иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва уларнинг транспорт хизматлари самарадорлигини оширишдаги аҳамияти.....	121
3-боб бўйича хулосалар.....	130
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	133
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	136

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг бугунги тараққиёти транспорт соҳаси ва транспорт хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантиришни тақозо этади. Бугунги кунда, “транспорт хизматлари кўрсатиши жаҳон меҳнат тақсимотида муҳим соҳа сифатида дунёдаги банд аҳолининг 8%ни, хўжалик харажатларининг 15%ни ҳамда яратилаётган ялпи маҳсулотнинг 6%ни ташкил этмоқда”¹. Бу эса транспорт хизматларини самарали ташкил этиш, янги ишчи ўринларини яратиш ва унга турдош тармоқлар фаолиятини ривожлантириш имкониятини беради.

Ривожланган давлатлар тажрибасида транспорт хизматларини ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, транспортда хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда транспорт хизматлари кўрсатишнинг иқтисодиётни ривожланишига таъсирини аниқлаш, транспорт хизматларини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш ҳамда унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда республикамиз иқтисодиётдаги транспорт хизматлари улушини ва хизмат кўрсатиш иқтисодиётига самарасини аниқлашни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида республикамизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, инновацион ривожлантиришга қаратилган ислохотлар натижасида транспорт хизматлари кўрсатиш соҳаси янги босқичга кўтарилди. Республикамизда транспорт хизматлари соҳасини, “...транспорт-логистика инфратузилмасини янада ривожлантириш,

¹<https://itf-oecd.org>. ITF Transport Outlook 2016.

кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш...”² вазифаси белгиланди. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши транспорт хизматларини кўрсатишни инновацион ривожлантириш учун қатор ташкилий-иқтисодий механизмларни, жумладан мавжуд транспорт хизматлари бозори конъюнктурасини иқтисодий асослаш, транспорт хизматлари ҳудудий кластерини шакллантириш, мазкур соҳанинг институционал асосларини ривожлантиришга асос яратадиган мукамал илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг илмий асослари тадқиқотига бағишланган мавзу долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-2724-сонли қарори, 2017 йил 2 декабрдаги “2018 – 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-3422-сонли қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

²Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга Мурожаатномаси”, Халқ сўзи 2017 йил 23 декабр, №258(6952).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш муаммолари Т.Д.Бурменко, М.А.Вахрушина, В.П.Бычков, Д.А.Дубровский, В.Е.Рыбалкин, М.Э.Немоляева, Г.Е.Савицкая,³ каби мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан атрофлича ўрганилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ушбу соҳа бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси муаммолари бўйича Ё.А.Абдуллаев, А.В.Вахобов, С.С.Ғуломов, М.Э.Пўлатов, Н.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, М.М.Мухаммедов, И.С.Тухлиев, Б.Ш.Сафаров, О.Х.Хамидовлар⁴нинг ишларида тадқиқ қилинган, аммо мазкур илмий ишларда хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги, айниқса транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муаммолари, транспорт хизматлари кўрсатишга таъсир этувчи омиллар таҳлили ва унинг истиқболлари етарлича ўз аксини топмаган. Бу ҳолат эса мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда.

³Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика. Учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н.Даниленко, Т.А.Туренко. – М.: КНОРУС, 2007. – 328 с.; Бухгалтерский учет в сфере услуг. Учебник. М.А.Вахрушина, Т.П.Карпова, А.М.Петров и др.- М.: Рид Групп, 2011. – 576 с.; Бычков В.П. Предпринимательская деятельность на автомобильном транспорте. – СПб.: Питер, 2004. – 448 с.; Дубровский Д.А. Прибыльный автосервис. Советы владельцам и управляющим. - СПб.: Питер, 2010. – 256 с.; Рыбалкин В.Е. Международные экономические отношения. Учебник / М.: Юнити, 2012. – 312 с.; М.Э.Немоляева Международный туризм: вчера, сегодня, завтра. - М.:, 1985. – 175 с.; Г.Е.Савицкая Аналог хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие / Минск ООО “Новое издание”, 2000 – 688 с.

⁴ Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари. – Т.: Мехнат, 2002. – 297 б.; Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси – Т.: Иқтисод-Молия, 2014. – 424 б.; Ғуломов С.С., Додобоев Ю.Т. Политика доходов и заработной платы: Учебное пособие. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. -230с.; Пўлатов М.Э. Бизнес фаолиятини баҳолаш интеграл мезонини ҳисоблаб чиқишнинг замонавий моделлари// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2011. - №4. - Б.23 -26.; Тухлиев Н. Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 424 с.; Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография.-Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2011. - Б. 19.; Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014.; Мухаммедов М. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.Тухлиев И., Қудратов Ф., Пардаев М. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: “Иқтисод ва молия” 2008.- 262 б.; Б.Ш.Сафаров Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016, 184 б.; О.Х.Хамидов “Транспорт сервисини ташкил этиш” фани бўйича таълим технологияси. Тошкент – “ТДНУ” – 2006.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари” 2016-2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодиётда транспорт хизматлари моддий-техника базасининг ривожланишини ва логистик бозор талабини ҳисобга оладиган “транспорт хизматлари кўрсатиш”, “хизматлар бозори”, “транспорт хизматлари бозори” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан асослаб бериш;

транспорт хизматлари таркибига кирувчи хизматлар турларининг хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали ўзига хос таснифларини ишлаб чиқиш;

транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва амал қилишининг миллий ва хориж тажрибасини ўрганиш асосида уни ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда ҳудудий транспорт хизматлари кластерини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

Ўзбекистонда транспорт хизматини кўрсатишни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича республикада 2019-2021 йилларга мўлжалланган илмий асосланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектисифатида Ўзбекистон Республикасидаги транспорт хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришда амалга оширилаётган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотишида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, мантиқий ёндашув, SWOT-таҳлил, омилли таҳлил, иқтисодий-математик ва статистик таҳлил, социологик сўровнома усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётда транспорт хизматлари моддий-техника базасининг ривожланишини ва логистик бозор талабини ҳисобга оладиган “транспорт хизматлари кўрсатиш” ва “транспорт хизматлари бозори” тушунчаларининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган;

республикада транспорт хизматлари кўрсатишнинг соҳага оид корхоналар ва давлат тузилмалари ўртасидаги самарали иқтисодий муносабатларини ҳисобга олган оптимал ҳудудий-ташкилий тузилмани шакллантириш, нархларни дифференциациялаш ҳамда транспорт рақамли иқтисодиёти асосида ташкилий-иқтисодий механизмлар таклиф этилган;

республикада юқори самара берувчи транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг узлуксиз фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий транспорт хизматлари кластери ишлаб чиқилган;

транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган илмий асосланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда транспорт хизматлари бозорининг муаллифлик таърифи шакллантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида иштирок этувчи турли мулк шаклидаги корхоналарнинг кластер усулида ташкилий-иқтисодий муносабатларининг афзалликлари асослаб берилган;

транспорт инфратузилмаси истеъмолчилари сонини ошириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламига имтиёзлар ёҳуд имтиёзли тарифлар ўрнатиш ва ушбу харажатларнинг қоплаш манбааларини аниқлаш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда илмий натижаларнинг ишончлилиги қўлланилган услубий ёндашув ва усуллар, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг апробациядан ўтказилгани, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилингани ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти диссертация натижалари республикада транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришга йўналтирилган аниқ тавсияларнинг назарий ва методик асосларини шакллантириш имконияти мавжудлигида ифодаланади. Бу тавсиялар мажмуаси транспорт корхоналар хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва шу асосда истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш шароитини туғдирувчи бошқарув тизимини жорий қилиш имкониятини яратади. Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус касб

таълими тизимида транспорт ва хизматлар соҳасида иқтисодчилар, менежерлар, маркетинглар, магистрларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг назарий-илмий хулосалари ва методик тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятида ва Самарқанд вилоятининг 2021 йилгача мўлжалланган транспорт соҳасини ривожлантириш дастури кўрсаткичларини амалга ошириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар амалиётда қўлланилиши асосида:

иқтисодиётда транспорт хизматлари моддий-техника базасининг ривожланишини ва логистик бозор талабини ҳисобга оладиган “транспорт хизматлари кўрсатиш” ва “транспорт хизматлари бозори” тушунчаларининг такомиллашган таърифлари олий таълим бакалаврият йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-002м-сон гувоҳномаси). Натижада транспорт хизматлари кўрсатишнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тизимли ва кенгроқ тушуниш орқали уни ташкил этишнинг истиқболли йўналишлари бўйича талабаларда назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳосил қилишга эришилган;

республикада транспорт хизматлари кўрсатишнинг соҳага оид корхоналар ва давлат тузилмалари ўртасидаги самарали иқтисодий муносабатларини ҳисобга олган оптимал ҳудудий-ташкилий тузилмани шакллантириш, нархларни дифференциациялаш ҳамда транспорт рақамли иқтисодиёти асосида ташкилий-иқтисодий механизмларга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 02-02/2112 сон

маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши транспорт хизматлари кўрсатишнинг самарали фаолият тизimini шакллантиришга имкон яратади;

республикада юқори самара берувчи транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг узлуксизфаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий транспорт хизматлари кластери Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 4 апрелдаги 02-30/1878 сон маълумотномаси). Ушбу кластерни амалиётга жорий қилиш турдош корхоналар фаолиятини ягона мақсадга йўналтиришга хизмат қилади;

транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган илмий асосланган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 02-02/2112 сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида республикада транспорт хизматлари ҳажмининг юқори суръатда ўсишига эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижасида олинган хулосалар ва илмий натижалар 8 та халқаро ҳамда 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий натижалари 18 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шулардан 5 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда, шунингдек халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза тезислари нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил қилади.

I - БОБ. ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва диверсификациялашнинг илмий – назарий асослари

Дунё миқёсида содир бўлаётган глобаллашув жараёни ишлаб чиқариш кучларининг барча таркибий элементларини, шу жумладан транспорт воситаларини улар томонидан амалга ошириладиган хизматларни сифат жиҳатдан замон талабларига мос ташкил этиш ва ривожлантириш нуқтаи назардан янги инновацион ёндашувларни объектив заруриятга айлантиришини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, экологик тоза ва юқори даражадаги иқтисодий самара берувчи транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ҳамда унинг инфратузилмасини шакллантирмасдан ва доимий равишда такомиллаштирмасдан туриб, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланган жамият негизини барпо этиш мураккаб кечади. Яъни, транспорт ҳар қандай ижтимоий тузумнинг жадал ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатувчи асосий восита сифатида ўз навбатида бошқа турдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг сон ва сифат жиҳатдан ўзгаришига чамбарчас боғлиқдир.

Иккинчи томондан эса, транспорт воситалари ва улар орқали бажариладиган хизматлар сифати ва натижадорлигининг ўзгариши бошқа ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига таъсир кўрсатади ва, демак, улар ўртасида доимий тарзда содир бўлиб турадиган ўзаро манфаатли янги муносабатлар шаклланиб ва ривожланиб боради. Зотан, агар транспорт воситаларининг нафақат сон, балки сифат жиҳатдан ўсиш тенденцияси умумий ривожланишдан орқада қолганда жамият ва иқтисодиёт ривожланишимос равишда секинлашади. Бу ҳолат эса ўз навбатида умумжамят ривожланишига транспорт хизматлари соҳасида тўсиқ бўлаётган муаммоларни тезкор ҳал этишни, бунинг учун, биринчи навбатда, инновацион маҳсулот ва ишланмаларга асосланган техник ва экологик такомиллашган юксак унумдорли

транспорт воситалари паркларини кенгайтиришни тақозо этади. Транспорт воситалари томонидан кўрсатиладиган турли хизматлар сифати ва самарадорлигини тўғри аниқлаш ўз навбатида ушбу соҳа фаолиятига боғлиқ бўлган атамаларни илмий-назарий асослашни тақозо этади.

Умуман олганда, “транспорт хизмати хизматлар тизимида ўзига хос ўринга ва аҳамиятга эга... Транспорт сервиси дейилганда инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг йўловчи ва юк ташиш билан боғлиқ эҳтиёжини сифатли хизмат кўрсатиш йўллари билан қондиришга қаратилган транспорт ходимларининг нафли фаолияти тушунилади.”⁵

Бу жараёнда илмий-назарий жиҳатдан транспорт соҳасининг фаолиятини ифодалови тамойилларни чуқур билиш муҳим аҳамиятга эга. Улардан энг асосийларидан бири, фикримизча, транспорт воситаларитомонидан бажариладиган йўловчи ва юк ташиш хизматларининг доимий мавжудлиги ва мунтазамлигидир. Зеро, зарур барча ресурсларни истеъмолчиларга ўз вақтида ва мунтазам етказиб бериш иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг энг асосий шартидир. Бинобарин, агар замонавий транспорт воситалари ва ривожланган йўллар бўлмаса, табиат бойликларидан унумли фойдаланиш қийин бўлади.

Бу муаммо ҳозирги кунда республикамиз ва унинг ҳудудлари кесимида, жумладан, туризм соҳасида изчил олиб борилаётган ислоҳотларга ҳам тегишли бўлиб, уларнинг манзилли ва мақсадли ечимларини топишда транспорт хизматларининг ўрни ва аҳамияти янада ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан “...туристларга транспорт хизматлари кўрсатишни туристларни ва уларнинг юкларини бир жойдан иккинчи жойга мумкин қадар тез ва қулай шароитларда ташиш учун мўлжалланган хизматлар мажмуи деб таърифлаш мумкин.”⁶

⁵ М.Қ.Пардаев, Ё.Ж.Исроилов “Автомобиль транспорти хизматини кўрсатувчи корхоналар таҳлилининг айрим жиҳатлари”, Тошкент “NOSHIRLIK YOG’DUSI” нашриёти, 2011 йил.

⁶ О.Х.Ҳамидов “Транспорт сервисини ташкил этиш” фани бўйича таълим технологияси. Тошкент – “ТДИУ” – 2006.

Транспорт хизмати фақатгина хўжалик вазифаларини ҳал этишдагина муҳим бўлмай, балки йўл-транспорт тармоғини ривожлантириш, қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш, маҳаллий кадрларнинг доимий ишлашига кўмаклашиш ҳамда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳам ёрдам беради. Шунини алоҳида таъқдлаш лозимки, транспорт хизмати айниқса давлат мудофаа қудратини ошириш, унинг жанговор ҳолатини мустаҳкамлаш ва тегишли контингентни мўлжалланган манзилга тезкор етказиб бориш каби йўналешларда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу соҳада темир йўл ва автомобиль транспорти тармоқларининг ўрни айниқса беқиёсдир, зотан ҳарбий қисмлар ва асосий мудофаа воситаларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, асо-сан, транспортнинг шу икки тури ёрдамида бажарилади.

Умуман олганда, транспорт хизмати умумхизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим йўналишларидан бири сифатида турли тармоқларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ўзига хос тамойил ва хусусиятларга эга бўлиб, унга, бизнинг фикримизча, қуйидаги таъриф мос келади. Яъни, *транспорт хизматлари бу - уларнинг барча турларини амалга оширувчи субъектлар томонидан фойда олиш мақсадида транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, йўловчиларни ташиш ва манзилига етказиб қўйиш, юк ортиш, ташиш, тушириш ва жойлаштириш каби транспорт сервисини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуидир.*⁷

Маълумки, илмий-назарий жиҳатдан транспорт хизматлари кўрсатиш тизими муайян қонуният ва тамойилларга асосланган ҳолда ривожланади. Шу нуқтаи назардан ушбу тизимнинг энг асосий қонуниятлари бўлиб, бу а) транспорт хизматларининг доимий равишда мавжудлиги, б) уларга бўлган эҳтиёжларнинг муттасил ўсиб бориши, в) уларнинг тўхтовсиз давом этиши ва г) узлуксиз такомиллашиб бориши объектив зарурият эканлиги каби йўналишларда ўз ифодаларини намоён этади. Шунингдек, транспорт хизматларининг энг муҳим тамойилларидан бири бу ҳар бир ишлаб чиқариш ва

⁷ Мазкур таъриф муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хизмат кўрсатиш жараёнини ниҳоясига етказиш бўлиб ҳисобланади ва бу тамойил транспорт соҳасидаги барча иштирокчилар ўртасидаги алоқалар тизимини яқиний босқичгача амалга ошириш нуқтаи назардан ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Бундан ташқари транспорт хизматлари кўрсатиш жараёнида вужудга келадиган муомалалар доирасида тайёр маҳсулотни ташиш, иқтисодиётнинг барча реал тармоқларида моддий неъматларни ва номоддий соҳаларда хизматларни такрор ишлаб чиқаришнинг давомийлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларини бир-бирига боғловчи воситачи ролини бажариш билан боғлиқ тамойиллар ҳам ўз ўрнида алоҳида аҳамиятга эга.

Транспорт тармоғида кўрсатиладиган хизматлар ҳам инсон меҳнати ва ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланиш орқали амалга оширилади ванатижадамуайян бир маҳсулот ёки юкни ортиш, ташиш ва тушириш, шунингдек, йўловчи ташиш билан боғлиқ хизматлар янги қийматнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Демак, транспорт хизматлари ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳасининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Лекин, транспорт қуйидаги ўзига хос хусусиятларига кўра бошқа ишлаб чиқариш тармоқларидан жиддий фарққилади. Транспорт соҳасидаги ишлаб чиқариш жараёнида моддий неъматлар ишлаб чиқарилмасада, бироқ, бошқа тармоқлар фаолияти натижасида яратилган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар бир ердан иккинчи ерга ташилиши асносида улар транспортнинг меҳнат предмети бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, транспорт хизматлари иштирокисиз бирорта ҳам ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиши мумкин эмас ва шунинг учун транспорт ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми эканлиги тўғрисидаги илмий-назарий хулосага келиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳа учун характерли бўлган қуйидаги уч таркибий қисми транспортдаги ишлаб чиқаришга ҳам тааллуқлидир, буларга: меҳнат ёки транспорт воситалари, меҳнат ашёлари ёки транспортдаги юк

ва йўловчилар ҳамда кишиларнинг мақсадли фаолияти, яъни меҳнат киради.

Модомики, транспортда моддий шаклдаги янги маҳсулот (истеъмол қиймати) яратилмас экан, транспорт маҳсулотини сотиш учун ҳам қўшимча маблағ талаб қилинмайди. Транспорт маҳсулини истеъмол қилиш ишлаб чиқариш жараёни билан бир вақтда амалга ошади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, транспорт ҳар қандай истеъмол маҳсулоти яратувчи ишлаб чиқариш соҳаларига нисбатан анча мураккаб соҳадир.

Транспорт хизматларининг яна бир ўзига хос хусусиятимуайян бир хизматни амалга оширишда ишлаб чиқариш воситаларининг доимий ҳаракатда бўлишидир. Буни қуйидаги таққослаш усули орқали асослаш мумкин. Масалан, ҳар қандай саноат соҳасининг асосий ишлаб чиқариш воситалари бир ерда доимий ўрнатилган бўлиб, ўз маҳсулотларини корхона ичида ишлаб чиқаради. Транспортда эса ишлаб чиқариш жараёнининг асосий қисми бўлган ҳаракатланувчи воситалар ҳар доим юк ва йўловчиларни жўнатиш жойидан етказиб бориш жойига ташиш шарт, ваҳоланки, ташиш жараёни тугаллангандан сўнг транспортнинг шу жой учун кераги ҳам бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда транспортнинг бу хусусияти кўпинча янги муаммоларни туғдириши мумкин.

Юқорида айтилганидек, юк ва йўловчиларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш транспорт хизмат кўрсатишнинг асосий “маҳсули”дир. Юк ва йўловчи ташишдаги транспорт хизматларида асосий ишлар қуйидаги уч таркибий қисмга бўлинади:

1. Транспорт воситаларига юк ортиш ёки йўловчилар чиқариш.
2. Юк ва йўловчиларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш.
3. Транспорт воситаларидан юк ёки йўловчиларни тушириш.

Демак, юк ва йўловчиларга кўрсатилаётган транспорт хизматлари ҳам ишлаб чиқариш, ҳам муомала доирасига тааллуқлидир. Жумладан, корхона ичидаги транспорт ёрдамида бажариладиган иш шу корхона ишлаб чиқаришининг таркибий қисми ҳисобланади. Муомала

доирасидаэса, транспорт турли корхона ва тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатувчи восита ҳисобланади. Транспорт хизматларининг қай ҳолатда эканлиги ва унинг иш бажариш қуввати муомала вақти ва харажатига жиддий таъсир этади. Масалан, юкнинг йўлда кам ёки узоқ вақт давомида бўлиши транспорт воситасининг иш тезлигига боғлиқ бўлиб, у муомала харажатларининг кўп ёки оз бўлишига таъсир кўрсатади.

Транспорт хизматлари кўрсатишни тадқиқ қилиш жараёнида бир қатор олимларнинг транспорт хизматлари кўрсатишга берган таърифлари ўрганиб чиқилди. Жумладан, иқтисод фанлари доктори, профессор М.Қ.Пардаев, “Йўловчи ташиш хизматлари дейилганда махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари орқали тижорат асосида йўловчилар ва улар юкларининг ҳаракатларини таъминлашга қаратилган хизматлар тушунилади”⁸ – деб таъкидлайди.

Транспорт маҳсулотининг қиймати ҳам моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларига хос бўлган иқтисодий қонунлар билан таъминланади. Юк ташиш учун транспорт воситаларидан моддийлаштирилган меҳнат ва транспортда сарф қилинган ижтимоий меҳнат қиймат ҳосил қилади. Юк ташиш натижасида ҳосил бўлган қиймат ташилган буюм қийматига қўшилади. Демак, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган жойидаги қийматига нисбатан истеъмол қилинадиган жойидаги қиймати кўпроқ бўлади. Бу икки қиймат ўртасидаги фарқнинг (бошқа харажатларни ҳисобга олмаганда) бир қисми муомала доирасидаги чиқимга тенг, иккинчи қисми эса транспорт хўжаликларининг соф даромадини ташкил этади. Транспортда қилинадиган харажатларнинг миқдори, баъзи сабабларга кўра, унинг тегишли воситалар билан қай даражада жиҳозланганлигига ҳам боғлиқ. Ҳозирги замон транспорт воситалари киши меҳнатини ортиқча сарф қилишни талабқилмайди, чунки улар

⁸ Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014.

юк сак техник фойдаланиш кўрсаткичларига эгадирлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юк ва йўловчилар ташиладиган масофанинг узоқ-яқинлиги, юклар хажми, тузилиши ва вазни қилинадиган харажатнинг ошиши ёки камайишининг объектив сабаблари ҳисобланади. Юк миқдори ва ишчилар сони қанча кўп ва ташиладиган масофа қанча узоқ бўлса, ташиш учун шунча кўп меҳнат ва маблағ сарф қилинади. Бунда ишлаб чиқарувчи кучларнинг мамлакат ҳудудида режали жойлаштирилиши транспорт харажатларига бевосита таъсир этади. Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг ривожланиб бориши, меҳнат предметлари ва ишчи кучларининг республикамиз ҳудуди бўйича тўғри тақсимланиши иқтисодий районлараро ҳамда ҳар қайси иқтисодий район ичида янги алоқалар пайдо бўлишига олиб келади ва ўз навбатида транспорт турлари ва хизматларини ривожлантиришни тақозо қилади.

Транспорт жараёни тушунчаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қабул қилинган ишлаб чиқариш жараёни маъносида тушунилади. Умуман, транспорт жараёни транспортнинг юк ва йўловчилар ташиш билан боғлиқ бўлган зарурий фаолиятидир. Кўп ҳолларда транспорт жараёнининг сифати унда ишлаётган такомиллашган техника билан бир қаторда бажарилаётган иш технологияси, уни ташкил қилиш ва бажариш ишлари қай даражада (тарзда) йўлга қуйилганлигига боғлиқ бўлади.

Ҳозир ҳар қандай транспорт тури унинг олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун такомиллашган мураккаб иккиламчи жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак. Чунки, транспорт хизмати кўрсатиш тизими ҳаракатланмайдиган воситалар: автомобиль ва темир йўллари, қўзғалмас жиҳозлар (кўприк, тоннель, йўл ўтказгичлар)га ҳамда ҳаракатланувчи воситаларга: автомобиль, тягач, локомотив, вагон, кема, самолёт ва ҳоказоларга бўлинади. Ҳаракатланувчи таркиблар ўз навбатида актив (автомобиль, локомотив, кема, самолёт) ёки пасив (вагон, тиркама ва яримтиркамалар) бўлиши мумкин.

Транспорт корхоналарининг катта - кичиклиги ва ундаги техникаларнинг ривожланганлик даражаси шу корхонанинг потенциал қувватини билдиради. Лекин, транспорт олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилиши учун корхона потенциал қувватидан ташқари иш жараёнлари технологияси, уни ташкил этиш ва бошқариш, яъни менежмент яхши йўлга қўйилган бўлиши зарур. Темир йўл станциялари, денгиз ва дарё портлари, аэропортлар ва транспортга тааллуқли бошқа корхоналарда бажарилган транспорт жараёнлари технологияси, одатда, илгаридан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган расмий ҳужжатларга биноан олиб борилади. Бундай ҳужжатлар, асосан, корхонада бажариладиган айрим технологиялар мажмуини ифодалайди.

Шундай қилиб, транспорт жараёни технологияси яхлит тушунча бўлиб, юк ва йўловчилар ташишда аниқ регламент билан иш бажариш тартибларини англатади. Умумий тарзда транспорт хизматлари жараёнини ташкил қилиш дейилганда корхоналар ишлаётган (фаолият кўрсатаётган) регион иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда юк ҳажмини ўрганиш, ортиш, тушириш ва йўловчиларни ташиш билан боғлиқ жараёнларни ташкил қилишга қаратилган фаолият тушунилади. Яъни, юк ва йўловчилар транспорт ишининг асосий меҳнат объектларидир.

Буюмлар жўнатиш учун қилинадиган махсус жойлар юк ҳосил қилувчи (ёки юк жўнатувчи) пунктлар ва юклар келтирилиб тушириладиган махсус жойлар юк қабул қилувчи пунктлар деб аталади. Йўловчиларнинг транспорт воситаларига чиқиш ва улардан тушиш жойлари йўловчиларни жўнатиш ва қабул қилиш пунктлари бўлиб ҳисобланади. Шунга мувофиқ, маълум бир вақт бирлигида тонна ҳисобида қабул қилинган ва жўнатилган юклар ҳажми шу пунктларнинг юк обороти, маълум бир вақт бирлигида жўнатилган ва қабул қилинган одамлар сони эса ана шу пунктларнинг йўловчи обороти дейилади. Транспорт турлари бўйича бажарилган юк ва йўловчилар обороти айтиш билан транспортнинг иши ҳисобланади. У тонна километр ва йўловчи километр кўрсаткичи билан ўлчанади. Юк ва йўловчилар обороти ташилган юк

ҳажми йўловчилар сони ҳамда ташиш масофаларига боғлиқдир.

Юк жўнатиш пунктларидан қабул қилиш пунктларига маҳсулот юбориш натижасида юк оқими, йўловчилар жўнатишда йўловчилар оқими ҳосил бўлади. Бирор йўналишдаги барча юклар миқдори ёки ҳаракатдаги умумий йўловчилар сони шу йўналишдаги юк ёки йўловчилар оқими ҳисобланади. Юк ва йўловчилар оқими ўз йўналишлари бўйича бир томонлама ёки икки томонлама бўлади. Ташиш миқдори жиҳатидан катта бўлган йўналиш асосий йўналиш ва ташиш миқдори жиҳатидан кичик бўлган йўналиш орқа томонга қайтиш йўналиши деб қабул қилинган. Ташиш миқдори жиҳатдан улар ўрта-сидаги мавжуд тафовут юк ва йўловчилар оқимининг йўналишлар бўйича нотекислиги деб аталади.

Ҳозирги кунда республикамиз транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида маълум бир маънода муаммо ва қийинчиликларнинг мавжудлиги айрим жиҳатлардан ҳаракатдаги ташкилий – иқтисодий механизмларнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги билан изоҳланади. Ушбу ҳолат ўз навбатида республикамиз ва унинг ҳудудларида транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасидаги мавжуд ташкилий – иқтисодий механизм унсурларини янги сифат даражасига кўтаришни, уларнинг модификациялашган асосларини яратишни ва, энг муҳими, таъсирчанлигини оширишни тақозо қилади. Шу боисдан қуйидаги 1.1-чизмада транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, жумладан иқтисодий ваташкилий механизм унсурлари бўйича муаллифлик ишланмалари ифода этилган.




1.1-чизма. Транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг ташкилий – иқтисодий механизмлари⁹

Транспорт хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда оптимал ҳудудий - территориал ташкилий тузилмани шакллантириш муҳим ҳисобланиб, биз уни қуйидагича шакллантирдик(1.2-чизма):


⁹ Муаллиф ишланмаси.

ОПТИМАЛ ҲУДУДИЙ ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИ ТУЗИЛМАСИ



1.2-чизма. Оптимал ҳудудий транспорт бошқармаси тузилмаси.

Транспорт хизматлари кўрсатишнинг муҳим хусусиятлари эса қуйидаги 1.3-чизмада келтирилган асосий йўналишлар бўйича таснифланади. Транспорт хизматлари кўрсатишни тадқиқ қилишда уларни бажаришнинг зарурияти ва хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Транспорт хизматлари кўрсатишнинг зарурияти унинг моҳиятидан келиб чиқиб, у қуйидагиларда ўз аксини топади, яъни:



1.3-чизма. Транспорт хизматлари кўрсатишнинг муҳим хусусиятлари

1. Кўрсатилаётган транспорт хизматининг муддатлилиги, транспорт воситасининг русуми, техник қулайлигига алоҳида эътибор бериш зарурлиги.

2. Кўрсатилаётган транспорт хизматларининг техник хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги.

3. Транспорт хизматларини амалга оширишда техник созлигининг доимий назоратда бўлиши ва барча техник меъёрларга амал қилиш зарурлиги.

4. Транспорт хизмати кўрсатувчиларининг доимий равишда тиббий кўриқдан ўтиб туриши зарурлиги.

1.2. Транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг методологик асослари ва усуллари

Транспорт хизмати кўрсатиш самарадорлигини аниқлашда бошқа тармоқ корхоналарида амал қилаётган моддий ва меҳнат меъёрномалар, уларни таҳлил қилиш натижалари транспорт хизмати кўрсатиш соҳасининг ҳисоб-китоб ишларида бошланғич база бўлиб ҳисобланади. Унга материал, ёқилғи, энергия сарфлаш, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва меҳнат, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш меъёрнома ва меъёрлари ва ҳоказолар киради. Корхонада меҳнатни ташкил қилиш айрим иш ўринларини ташкил қилишга асосланади. Шунинг учун иш ўринларини ташкил қилиш самарадорлиги ташкилий-техник, технологик-ижтимоий тадбирлар тизими, меҳнатни ташкил қилишнинг технологик асослари ва усуллари, иш ўрнини режалаштириш ва жиҳозлаш, иш ўринларида меҳнат қилиш шароитларини такомиллаштиришга боғлиқ.

Транспорт хизмати кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари куйида келтирилган формулалар асосида ҳисобланади. Жумладан, транспорт хизмати кўрсатиш ҳажмининг ўсиш суръати билан боғлиқ самарадорлик даражаси(% да):

$$T_{Cm\ddot{y}} = \frac{TPp}{TPб} * 100\% \quad (1.1)$$

бунда: TPp , $TPб$ — мос равишда режалаштирилган ва базис даврларда транспорт хизматлари ҳажми (сўм).

Транспортдан фойдаланиш фаолиятидаги умумий даромад ҳажмининг ўсиш суръатига боғлиқ самарадорлик даражаси(% да):

$$T_{Cm\delta} = \frac{TДp}{TДб} * 100\% \quad (1.2)$$

бунда: $TДp$, $TДб$ - мос равишда режалаштирилган ва базис даврларидаги умумий даромадларнинг ҳажми (сўм).

Транспорт маҳсулотларини яратишда қатнашадиган ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги асосий ишлаб чиқариш фондлари, меъёрлашти-

рилган айланма маблағлар, меҳнатга тўланадиган иш ҳақи ва моддий сарфлар бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида автомобиль транспорти ўрни ва хизматлари ҳажмини ошириб боришнинг жуда катта имкониятлари мавжуд. Шу боисдан ҳам, автомобиль транспорти соҳасини янада ривожлантиришда автомобиль транспорти хизматлари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга ва уни индекс усулида қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқ:

$$TC_x = \frac{T\Phi_x}{TX_x} \quad (1.3)$$

TC_x – транспорт хизматлари самарадорлик даражаси, коэффициентда;

$T\Phi_x$ – транспорт хизматларини кўрсатишдан олинган фойда, сўмда;

TX_x – транспорт хизматларини кўрсатиш харажатлари, сўмда.

Агар коэффициент 0,1 дан юқори бўлса самарали, акс ҳолда самарасиз ҳисобланади. Автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш иқтисодий самарадорлиги одатда автомобиль транспорти хизматларини кўрсатишда харажатлар натижавийлигини тавсифлайди.

Транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлил қилишдан мақсад корхона ходимлари томонидан бажариладиган барча ишлардан тушган пулнинг ҳажми, ТХК(техник хизмат кўрсатиш) ва ЖТ(жорий таъмирлаш)нинг номенклатураси, сифати ва меъёри бўйича режанинг бажарилиш даражасини белгилашдан, шунингдек, ишлаб чиқариш захираларини ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари аниқлашдан иборат. Бунда мавжуд фойдаланилмаётган имкониятлар миқдорини аниқлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири транспорт хизматлари кўрсатишнинг умумий ҳажмидир. У эса фуқароларга тегишли автомобилларга ТХК ва ЖТ бўйича транспорт хизматлари ҳажми, ташкилот ва корхоналарнинг буюртмаларини бажаришдан тушган пул, харид қилиш жараёнидан тушган пул ва бошқа

воситаларни сақлашдан тушган пуллар ҳажми билан аниқланади.

Таҳлил, одатда, режанинг бажарилишини умумий баҳолашдан бошланади. Бунда транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича топшириққандай бажарилганлиги, ўтган даврдагига нисбатан ишлаб чиқариш даражасида ўсиш бўлган бўлмаганлиги, тугалланмаган иш қолдиқларидаги ўзгаришлар режани бажаришга қандай таъсир кўрсатганлиги, меҳнат унумдорлиги ва ҳоказолар аниқланади.

Кўрсаткичларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш учун транспорт хизматлари кўрсатиш умумий ҳажмининг мутлоқ ўсиши (MU), ўсиш суръати (US), мутлоқ ўсишнинг 1 та хизмат кўрсатиш объектига тўғри келадиган қиймати ҳисобланади.

Мутлоқ ўсиш (MU) — бу ўтган (UI) ва режалаштирилаётган йиллардаги (RI) хизматнинг умумий харид ҳажмининг айирмасидир ва у сўмда қуйидаги тартибда аниқланади;

$$MU = UI - RI \quad (1.4)$$

Ўсиш суръати (US) режалаштирилаётган йилдаги ҳажмни ўтган йилдаги ҳажмга бўлиш йўли билан топилади, яъни:

$$US = \frac{RI}{UI} * 100 \quad (1.5)$$

Нисбатан ўсиш (Tnp) эришилган мутлоқ нисбий ўсиш қиймати (Anp) ни ўтган йилдаги қиймат даражаси (Yo) га бўлиш асосида ҳисобланади, яъни:

$$Tnp = (Anp : Yo) \times 100 \quad (1.6)$$

Мутлоқ ўсишнинг 1 бирликка тўғри келадиган қиймати мутлоқ нисбий ўсиш (Anp) ни нисбатан ўсиш (Tnp) га бўлиш билан топилади, яъни

$$A1 = Anp : Tnp, \text{ сўм} \quad (1.7)$$

Ушбу иқтисодий таҳлил қилиш усуллари орқали корхонанинг молиявий натижалари аниқланади ва баҳоланади, ресурслардан фойдаланиш имкониятлари белгиланади ҳамда истиқболли ечимлар қабул қилиш учун дастлабки маълумотлар тайёрланади. Бу эса корхона жамоасини бошқариш ва рағбат-

лантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар қандай хўжалик юритиш субъектининг асосий мақсади кам харажат эвазига кўпроқ фойда олиш, яъни ўз фаолиятида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдиган ички молия манбасини яратиш ҳисобланади. Бинобарин, фойда транспорт соҳасида ҳамхизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг ички кафолатланган манбаи ва унинг самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Чунки, фойда самаранинг интеграл кўрсаткичи бўлиб, у хизмат кўрсатиш ҳажми ва нархи, турлари, таркиби ҳамда таннарх даражасига боғлиқдир.

Фойда - корхонада кўрсатилган хизматдан олингантушум суммаси, яъни умумий даромад билан шу хизмат харажатлариўртасидаги фарқни акс эттириб, у сўмда қуйидаги формула билан аниқланади:

$$T\Phi = TД - TT - ТА \quad (1.8)$$

бу ерда: $T\Phi$ – транспорт корхонаси фойдаси;

$TД$ – транспорт корхонаси даромади;

TT – транспортхизматининг жами харажати;

$ТА$ – йўлжамгармасига ажратма.

Рентабеллик бутун ижтимоий ишлаб чиқариш субъектлари, шу жумладан транспорт корхонасининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичдир. У ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, корхона жамоасининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги хизмат кўрсатиш сарфларини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутди. Транспорт соҳасида рентабеллик кўрсаткичи муайян хизмат тури, шунингдек умумкорхона кесимида аниқланади.

Жумладан, кўрсатилган хизмат тури рентабеллик кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$TR = \frac{T\Phi}{TT_n} * 100 \quad (1.9)$$

бу ерда: TR – транспорт хизмати кўрсатиш тури рентабеллиги, %;

$T\Phi$ – муайян хизмат турини кўрсатишдан олинган фойда, (сўм);

$ТТн$ – хизматкўрсатиш харажатлари, (сўм).

Транспорт корхонасининг меъёрий рентабеллик даражасимавжуд асосий восита ва айланма маблағлардан фойдаланиш даражасини баҳоловчи кўрсаткич бўлиб, у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$TRy = \frac{T\Phi_{ум}}{T\Phi_a - T\Delta\phi} * 100 \quad (1.10)$$

бу ерда: TRy - умумий меъёрий рентабеллик даражаси (фоиз);

$T\Phi_{ум}$ - умумий фойда (сўм);

$T\Phi_a$ - асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати (сўм);

$T\Delta\phi$ - меъёрлаштирилган айланма фондлар (сўм).

Ҳозирги пайтда транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасига киритилаётган капитал маблағлар иқтисодий самарасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бу масалани ечишда икки хил кўрсаткичдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, яъни, транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасига йўналтирилган капитал маблағлар умумий самарадорлиги ва транспорт хизматлари кўрсатиш учун жалб этилган капитал маблағларнинг таққослама самарадорлиги. Транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида умумий иқтисодий самарадорлик киритилган капитал маблағлар самарадорлигини, таққослама иқтисодий самарадорлик эса капитал маблағни қаерга йўналтириш мақсадга мувофиқлигини, яъни уни мақбул соҳага жалб этиш йўналишини топишга ёрдам беради. Шунингдек, транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида умумий иқтисодий самарани баҳолаш учун асосан иккита кўрсаткичдан, яъни умумий киритилган капитал маблағлардан фойдаланиш коэффициенти ва киритилган капитал маблағларнинг ўзини ўзи қоплаш муддати.

Масалан, алоҳида транспорт корхонаси учун умумий жалб этилган капитал маблағларнинг самарадорлик коэффициенти қуйидаги формула асосида аниқланади, яъни:

$$TM_k = \frac{(TD - TT)}{TK} \quad (1.11)$$

бу ерда: $ТМк$ – сарфланган капитал маблағнинг самарадорлик коэффициенти; $ТД$ – автокорхона даромадининг бир йилда ошган массаси (сўм); $ТТ$ – бажарилган хизмат харажатлари (сўм); $ТК$ - сарфланган жами капитал маблағ (сўм). Бу коэффициент корхона бўйича олинган фойданинг киритилган капитал маблағларнинг бир сўмига тўғри келишини кўрсатади.

Умумий иқтисодий самаранинг иккинчи кўрсаткичи, яъни умумий киритилган капитал маблағларнинг ўзини ўзи қоплаш муддатиалоҳида корхона учун қуйидагича, яъни 1.11. формуланинг тескари кўринишида ҳисобланади:

$$ТКм = \frac{ТК}{ТД - ТТ} \quad (1.12)$$

Кўрсатилган транспорт хизматларининг таққослама иқтисодий самара кўрсаткичи ўзига хос аҳамият касб этади, зеро у барча хўжалик масалаларининг ечимини ҳал қилишда, яъни корхоналарни мақбул ҳудудларда жойлаштириш, янги техника киритиш ёхуд янги корхона қуриш, амалдагиларни қайта реконструкция қилиш каби асосий масалаларини ечишда ишлатилади.

Транспорт хизматлари кўрсатишда келтирилган харажатлар таркиб жиҳатдан жорий сарфлар, яъни маҳсулот таннархи ва шу билан боғлиқ киритилган капитал маблағлар йиғиндисидан ташкил топади. Капитал маблағ иқтисодий самарадорлиги меъёрий коэффициент ($Ем$) орқали аниқланади.

Келтирилган харажатлар ($ТЭкел$)нинг минимал даражасисамаралидебҳисобланади ва уқуйидаги формула кўринишида ифодаланади:

$$ТЭкел = ТЭж + Ем \cdot ТКм \rightarrow \min \quad (1.13)$$

бу ерда: $ТЭж$ — жорий харажатлар (сўм);

$ТКм$ — киритилган капитал маблағлар (сўм);

$Ем$ — иқтисодий самарадорликнинг меъёрий коэффициенти ($Ем=0,15$).

Ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш самараси мутлоқ кўрсаткичларда ифодаланиб, пировард иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳи-

соблашда асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий самара корхонада яратилган истеъмол қиймати ва сарфланган харажатлар ўртасидаги фарқни англатади.

Транспорт корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар нархларининг муттасил ўсиб бориши шароитида кўрсатилган хизматлар самарадорлигини аниқлашда (айниқса йиллар бўйича таҳлил қилганда) фақат қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш ҳаққоний ҳолатни аниқлаш имконини бермайди. Шу боисдан ҳам кўпроқ натурал кўрсаткичлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда транспорт хизматлари кўрсатишнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида кўрсаткичларни бир тизимга келтириш хизматлар самарадорлигини объектив баҳолаш имконини беради. Транспорт хизматлари кўрсатишни баҳолаш масаласига бағишланган илмий-тадқиқот натижалари таҳлилива муаллиф ишланмалари асосидатransпорт корхоналари кўрсатадиган хизматларни баҳолашда қуйидаги тизимлаштирилган кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (1.1-жадвал).

Бизнингча, транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолашда уларни истеъмол қилувчи мижозлар томонидан транспорт корхонаси хизматларидан қониқиш даражасини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, баҳолаш натижаларини таҳлил қилишда транспорт корхоналари томонидан бажарилган иш ва хизматларнинг қай даражада иқтисодий сама-

1.1-жадвал.

Транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими¹⁰

Кўрсаткичлар гуруҳи	Кўрсаткичларнинг баҳолаш даражаси
<i>Транспорт хизматлари</i>	Бир иш бирлигини бажариш учун кўрсатилган транспорт хизматлари миқдори: км., тн., минг киши
	Бир кун давомида кўрсатилган транспорт хизматлари ҳажми: маршрут сони, тн., км., минг киши

¹⁰ Манба: Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

кўрсатишда миқдоркўрсаткичлар	Юк ташиш хизмати ҳажми: тн., км.
	Транспортда йўловчи айланмаси миқдори:млрд.(млн.)йўловчи-км.
	Транспорт хизматлари кўрсатиш кўлами: маршрут (радиус)
Транспорт хизматлари кўрсатишда қиймат кўрсаткичлар	Транспорт хизматлари кўрсатишда хизмат бирлиги ҳисобига яратилган қўшимча қиймати: сўм.
	Транспорт хизматлари кўрсатиш ҳисобига олинган ялпи (соф даромад): сўм
	Транспорт хизматлари кўрсатиш ҳисобига олинган фойда (соф фойда): сўм
	Транспорт хизматлари кўрсатиш фаолиятига инвестицияларни жалб қилиш даражаси қиймати: сўм
	Бир бирлик ресурс (транспорттехникаси, меҳнат ва х.к.) ҳисобига бажарилган транспорт хизматлари кўрсатиш қиймати: сўм
Транспорт хизматлари кўрсатишда нисбий кўрсаткичлар	Транспорт хизматлари кўрсатиш сифати даражаси: %
	Транспорт хизматларининг белгиланган муддатларда бажарилиши даражаси: %
	Транспорт хизматлари кўрсатишнинг кафолатланганлик даражаси: %
	Транспорт хизматларида илғортехнологиялардан(ноанъанавий услублардан) фойдаланиш даражаси: %
	Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг белгиланган меъёр ва талабларга мувофиқлиги даражаси: %
	Транспорт хизматлари кўрсатишнинг экологик мувозанатинисақлаш даражаси: балл,%
	Транспорт хизматлари кўрсатувчи ходимлар малакаси даражаси: балл
	Транспорт хизматлари кўрсатиш рентабеллиги даражаси: %

радорликни таъминлашга кўрсатган таъсирига боғлиқ бўлишини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Транспорт хизматлари кўрсатиш нархларининг тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида уларнинг самарадорлигини баҳолашда, айниқса, йиллар бўйича таҳлил қилганда, натурал кўрсаткичлардан фойдаланиш билан бир қаторда тегишли аниқликлар киритиш асосида қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш тежамкорлик нуқтаи назаридан бир қатор ташкилий-иқтисодий чоратадбирлар белгилаш ва уларни оқилона амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам, бизнинг фикримизча, республикамиз транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи

сифатида хизмат кўрсатиш рентабеллигини қабул қилиш ўринлидир. Зотан, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик ҳисобини юритиш том маънода хўжа-кўрсин ва борини асраб қолишга ҳаракат қилиш каби ёндашувларни инкор қилади. Чунки, ички хўжалик ҳисоби имкониятларидан тўла фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Умумий самарадорлик кўрсаткичларининг асосий унсурлари. Умумий кўрсаткичлар хизмат харидининг ўсиш суръати (барча чора-тадбир ва омиллар бўйича); хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиш суръати; корхона фаолиятидаги умумий даромад ҳажмининг ўсиш суръати; умумий даромаднинг нисбий ўсиш кўрсаткичлари; асосий ишлаб чиқариш фондларидан режалаштирилган йилдаги нисбий тежалган маблағ; моддий сарфларнинг нисбий тежалган суммаси; асосий фаолиятдаги ишчиларга тўланадган иш ҳақи жамгармасидан нисбийтежалган маблағ; умумий рентабеллик ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши каби натижалар умумий самарадорлик кўрсаткичларини ифодаловчи унсурлар сифатида таҳлил этиш мақсадгамувофиқ.

Республикамизда транспорт хизматлари самарадорлигини баҳолаш ва ошириш учун унинг бир қатор хусусиятлари ва таъсир этувчи омилларини ўзаро таъсир этиш ҳолатларини эътиборга олиш зарур, яъни:

Биринчидан, республикамизда пассажир ва юк ташишда транспорт хизматлари кўрсатиш етакчи мавқега эга ҳисобланади. Иккинчидан, транспорт хизматларини ривожлантириш, минглаб йўловчиларни манзилларига тез ва арзон етказиш(айниқса, қишлоқ жойларида), саноат ишлаб чиқариш учун зарурий ресурсларни ташиб келтириш ва мамлакатда илмий асосланган чуқур меҳнат тақсимотини шакллантиришни тақозо этади. Учинчидан, транспорт хизматларини кўрсатишни ривожлантириш иқтисодиёт тармоқларида саноат кооперацияларини кенгайтиришимкониятини яратиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Ва, ниҳоят, тўртинчидан, транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг ри-

вожланиши аҳолининг бандлигини таъминловчи хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш имконини беради.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, республикамизда иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида транспорт хизматларини кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш ва оширишга қуйидаги омиллар таъсир этади:

1. Рақобатбардош автомобиль транспорти хизматини кўрсатиш тизимини яратиш, ташиш тезлиги ва пассажирларга кўрсатиладиган хизмат сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш баҳосини арзонлаштириш асосида аҳолининг шу транспорт хизматларидан кўпроқ фойдаланишларига эришиш.

2. Логистик автомобиль транспорти тизимини шакллантириш асосида арзон ва сифатли хизмат кўрсатиш.

3. Транспорт хизматлари кўрсатиш харажатларини камайтириш. Бу борада алоҳида эътироф этиш зарурки, "...тадқиқотларнинг кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатларда автомобилларда ташиш таннархи ривожланган мамлакатларга нисбатан 1,5 баробар юқори экан. Йўл ҳолати таъсирида ташиш тезлигининг пасайиши оқибатида ташиш таннархи 1,5-1,6 марта, автомобилларнинг эксплуатацион харажатлари 1,6-2 баробарга ошар экан"¹¹.

4. Республикамизда алоҳида олинган транспорт хизматлари бозорини шакллантириш асосида хизматлар бозорининг янги сегментларини кенгайтириш, тармоқнинг узоқ муддатли стратегияси ва уни амалга ошириш "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш.

5. Республикада транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантириш учун мазкур соҳага ташқи ва ички инвестицияларни киритишни рағбатлантириш.

Умуман, юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, автомобиль транспорти хизматлари самарадорлигини баҳолаш ва оши-

¹¹ Т.Қодиров "Автомобиль транспортининг иқтисодий рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрнини баҳолашга ёндашув", "Бозор, пул ва кредит" журнали, 2013 йил №11, 38-бет.

ришистикболларини илмий асосда белгилаш учун иқтисодий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, улардан ҳар бир ҳолат учун манзилли ва мақсадли фойдаланишни тақозо этади.

1.3. Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва оширишнинг илмий-амалий асослари

Транспорт корхонаси фаолиятини оқилона ташкил қилиш ва самарадорлигини оширишда бошқариш тизимини модернизациялаш муҳим ўрин эгаллайди. Гарчи бошқарув ўзида жамоа манфаати ва хизмат кўрсатишнинг алоҳидатаркибий қисмини ифодаласа ҳам, бошқарув фаолиятининг пировард кўрсаткичлари тегишли хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш бўғинлари хўжалик юритишининг пировард натижаларига бориб тақалади. Шунинг учун, корхона фаолиятини бошқаришнинг пировард натижалари турли тавсифга эга бўлганлиги сабабли яхлит ва ўзаро алоқадор бўлган иқтисодий, ижтимоий - сиёсий самара ва самарадорлик мезон ва кўрсаткичлари тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлиш муҳимдир.

Корхонани самарали бошқариш учун унинг таркибий тузилма объект ва субъектлари, уларнинг функционал вазифалари ва алоқадорлик жиҳатларини тўлиқ эътиборга олган ҳолда маъмурий ислохотларнинг ҳар бир босқичи талабларига мос равишда модернизация қилиш тақозо этилади. Бунда биринчи навбатда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни:

- бошқарувчи тизим билан бошқарилувчи кичик тизимлар, шунингдек жамоа аъзолари (раҳбар-мутахассислар ва ходимлар) ўртасидаги муносабатларни ва функционал вазифаларни илмий асосда ташкил қилиш;

- ишлаб чиқаришни бошқариш авваломбор ходимларни бошқаришдир, зотан, улар ўз навбатида корхона фаолияти самарадорлигини таъминловчи меҳнат воситаларини бошқарадилар;

- ишлаб чиқаришни бошқариш тизими меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини руёбга чиқариш мақсадларини амалга

оширувчи вазифаларини бажарувчи бир-бири билан ўзаро боғланган турли бошқарув органлари ва бўғинларини ўз ичига олади. Унинг асосини, аввало, ишлаб чиқариш таркибий тузилишининг ўзи ташкил этади, чунки, бошқариш объектлари бўлмаса, унинг субъектлари ҳам бўлмайди.

Демак, биринчидан, бошқарувчи кичик тизим асосида бошқарилувчи кичик тизим ётади, иккинчидан, бошқариш мақсади ва вазифалари бошқариладиган объектнинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолияти турлари ва йўналишларига монанд равишда белгилаболинади ва, ниҳоят учинчидан, корхонани бошқаришнинг таркибий тузилмаси ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) турлари, уларни амалга ошириш босқичлари, ҳажми ва жойларини эътиборга олган ҳолда корхонанинг самарали ишлаштини таъминлайдиган ўзаро боғлиқ бошқарув органлари ташкил этилади.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришларга қараб бошқариш функциялари ва таркиби ҳамсинхрон тарзда доим такомиллашиб боради. Яъни, ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнини инновацион диверсификациялаш асосида ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот (хизмат) турларининг ўзгариши ўз навбатида бошқариш бўғинлари фаолиятини модернизациялашни кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айлантиради. Бошқариш жараёнларини ташкил этишнинг асосий мезонлари, уларнинг элементларини танлаш ва шакллантириш ҳам самарали бошқаришни ташкил этишда муҳим рол ўйнайди.

Бинобарин, корхонанинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бошқаришнинг кўпгина механизм ва омилларидан бир вақтнинг ўзида уларнинг ўзаро алоқаларини эътиборга олган ҳолда фойдаланишни тақозо қилади. Масалан, корхона ихтиёридаги маблағлардан, хўжалик ва тижорат ҳисоби усулларидан унумли фойдаланиш, янги ғоялар ва технологияларни жорий этиш, раҳбарнинг билим, малака ва бошқариш маданиятини ошириш, молия воситаларини оқилона бошқариш, бошқарув меҳнатини такомиллаштириш каби қатор асосий йўналиш ва омиллар корхонани самарали бошқа-

риш асосларини ташкил этади.

Бошқаришни ташкил этишнинг асосий мезонлари: стратегик ишлаб чиқаришни оптимал ташкил этиш ва чуқур ихтисослаштириш; жуда майда бир хил ишлаб чиқаришни тугатиш; ишлаб чиқаришни бошқариш технологияларини автоматлаштириш, яъни замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жорий қилиш; бошқариш таркибида буғунларнинг кўп бўлмаслигини таъминлаш, мажбурият ва ҳуқуқларни аниқ чегаралаш, бошқаришнинг оддий, пухта ва тежамли бўлишини таъминловчи ҳужжатлар шаклларини соддалаштириш (унификация) қилишдан иборат.

Юқоридаги тавсияларга асосланган ҳолда корхона ўз фаолиятини самарали бошқариш учун илмий асосланган қандай йўналишларга эътибор қаратиши лозимлиги масаласини тадқиқ этиш, фикримизча, муҳим аҳамиятга эга. Авваломбор шунини қайд этиш лозимки, корхона ихтиёридаги инвестиция манбаларидан қанчалик яхши фойдаланилса, жамоа аъзоларининг манфаатлари корxonанинг пировард натижалари билан қатъий тартибда уйғунлаштирилса бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги шунча юқори бўлади. Жумладан, мавжуд молиявий характердаги инвестиция манбаларидан фойдаланиш жараёнларини илмий-амалий асосланган ҳолда самарали бошқариш ўз навбатида хўжалик ва тижорат ҳисобларини тўғри юритишга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам, корхона раҳбари бирон-бир автомобил транспорти, асбоб-ускуна, инновацион техника ва технология, хом ашёни харид қилишидан олдин бу маблағлардан корхонада қанчалик самарали фойдаланиш мумкин-лигини аниқ ҳисоблаб чиқишга мажбур.

Корхонада янги инновацион ғоялар ва технологияларни амалда жорий қилишни бошқариш етарли даражада мураккаб бўлиб, у инновация фойда келтиргунга қадар тегишли илмий – тадқиқот ишларини амалга ошириш, ихтиро этиш, тажриба-синов ишларини ўтказиш, техник жиҳатдан саноатлаштириш, реклама-маркетинг тадбирларини ташкил этиш, амалиётга татбиқ этиш, халқаро бозор конъюктурасини ўрганиб бориш каби босқичларни

Ўтади. Уларнинг тараққиёти ва бошқарилишида корхонанинг барча ташкилий тузилмалари иштирок этади.

Кўрсатиладиган янги хизмат, буюм ва илғор технологияни яратиш илмий-тадқиқот ишларига, режалаш, конструкторлик-технологик ишларга, цех ва жиҳозларни қайта қуриш ва таъмирлаш, янги ускуналар сотиб олиш, механизациялаш ва автоматлаштиришвоситаларини, янги мосламаларни, асбобларни тайёрлаш, уларни тузатиш ва ишлаб чиқаришга тушириш, шунингдек, ходимларни ўқитишга маълум миқдорда маблағ сарфлашни талаб қилади. Янги ғояни режалаштириб, у ишга туширилгандан кейин олинishi мумкин бўлган самарани, уни олиш учун қилиниши лозим бўлган сарфлар билан таққослаш янги ғоянинг иқтисодий самарадорлиги, уни яратиш ва жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида тасаввур беради.

Янги илғор ғояни амалда жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ҳал этишда нафақат бевосита иқтисодий натижалар, балки бошқариш тизимининг тезкор қарор қабул қилиш салоҳияти, меҳнат жамоаси учун қўлай ишлаш ва дам олиш шароитини яратиш, техника ва технологияларнинг таъсири, шунингдек, бозор механизм ва муносабатларининг ривожланганлик ва татбиқ этилганлик даражалари, ишга солинмаган мавжуд имкониятларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Умуман олганда, бозор иқтисодиёти ва муносабатлари шароитида нархи паст ва сифати юқори маҳсулот, хизмат ва ишларгина рақобатбардош бўла олади. Кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш энг муҳим иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифалардан бири бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Бу борада раҳбарнинг билим даражаси, малакаси, касбий маҳорати, бошқаришнинг барча усуллари ва механизмларини чуқур билиши, самарали бошқариш тизимини таъминлаши асосий талаблардан ҳисобланади. Айниқса, раҳбарнинг бошқариш маданиятида ижтимоий масалалар муҳим ўрин тутди, зеро, аслини олгандау корхонани эмас, балки корхона фаолияти билан ўз тақдирини боғлаган одамларни ва уларнинг меҳ-

нат жараёнларини бошқаради. Уларнинг ижтимоий муносабатларини шакллантириш, ишга бўлган ижобий ёндашишларини рағбатлантириш, ҳаттоки ҳар бир ходимнинг оилавий шароитларидан бохабар бўлишдек вазифалар раҳбарнинг кунлик иш режаларининг асосини ташкил этиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги иқтисодийни модернизациялаш шароитида транспорт корхоналарида ҳам интенсив бошқариш усулларини замон талабларига мос такомиллаштириш борасида инновацион ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш нафақат бошқаришнинг мақбул қарорларини тезкор қабул қилиш, балки корхона фаолиятида халқаро аренада яратилаётган илм-фан ва техник-технологик янгиликларни самарали татбиқ этишда асосий талаблардан бўлиб ҳисобланади. Жумладан, корхонани бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини (КБАТ) қўллаш энг катта самара келтиради. Унинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш мазкур тизимни жорий этишдан олинган самарани унга сарфланган харажатлар билан таққослашга асосланади. Умуман, бошқаришнинг иқтисодий самарадорлигини шакллантириш ва оширишга куйидаги асосий омиллар кучлироқ таъсир кўрсатади, яъни:

- ишлаб чиқаришни бошқариш органларининг мақбул таркибий тузилмасини шакллантириш;
- қабул қилинаётган бошқарув ечимларининг тезкорлигини ошириш;
- мутахассис ва ходимларнинг функционал вазифаларини аниқ белгилаш ва уларни такомиллаштириш тадбирлари негизида мақбул иш ўринларини сақлаб қолиш ва ортиқчларини қисқартириш, шунингдек ишчи-ходимлар учун қўлай ишлаш ва дам олиш шароитини ташкил қилиш;
- бошқариш ходимларининг меҳнат интизомини назорат қилиш, уларнинг билим ва малакаларини, яъни интеллектуал салоҳитини ошириш тадбирларини ташкил қилиш ва молиялаштириш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш чора-тадбирларини оптимал режалаштириш ва илмий асосланган прогнозлаштириш усуллари асосида олинган

натижалар асосида ишга солинмаган захиралардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ва ҳоказо.

Бугунги кунда, транспорт соҳасида фаолият юритувчи автокорхоналар сонининг ортиб бориши ва улар хизмат кўрсатадиган маршрутлар ва масофаларнинг бир-биридан фарқ қилиши, шунингдек аксарият транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналарда ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисоботнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, реал ҳолатни акс эттирувчи маълумотларнинг камлиги ёки етишмаслиги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимидан бирдек фойдаланиш имкониятини чеклаб қўйишини эътироф этиш лозим. Шу боисдан ҳам, хўжалик-тижорат ҳисоблари ва маълумотлари иқтисодиётни бошқариш усулларида мақсадли ва манзилли фойдаланиш, уни самарали амалга ошириш борасида муҳим аҳамиятга эга.

1.4. Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, иқтисодиётни инновацион модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари ўз навбатида ижтимоий меҳнат тақсимооти тизимида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси реал ишлаб чиқариш тармоқларига нисбатан тезкор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқдаки, бу маълум бир маънода кишилиқ жамиятининг ривожланиш қонуниятларидан бири эканлигини ифодалайди. Зеро, нафақат индустриал ривожланган, балки паст ва ўрта суръатда ривожланаётган давлатларда ҳам хизмат кўрсатиш объектлари ва субъектларини барча йўналишларда ташкил этишга, яъни хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, “АҚШнинг иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 80 фоизи, Европа Иттифоқи мамлакатларида 50-60 фоизи айнан хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилмоқда. АҚШ, Франция, Дания, Буюк Британия, Япония, Швеция, Германия, Австрия каби мамлакатлар ялпи мил-

лий маҳсулоти таркибида хизматлар улуши 70-78 фоизга етган”¹². Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, транспорт хизматлари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларда инновацион характердаги чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш устувор аҳамият касб этади, яъни: ташиш (йўловчи, юк) транспортини сақлаш билан боғлиқ сарфланадиган харажатларни камайтириш; йўл-кира ҳақини пасайтириш асосида транспорт хизматларига бўлган талабни янада ошириш ва уни тўлиқ қондириш; транспорт паркларини янгилаш ва тармоқ ишчи-ходимлари учун қулай шароит яратиш билан боғлиқ маблағлардан самарали фойдаланиш; маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бериладиган имтиёзлар ва қабул қилинадиган қарорларни ҳисобга олган ҳолда (йўл қира ҳақини ошириш, имтиёзларни бекор қилиш ва ш.ў.) ички имкониятларни кенгайтириш.

Олиб борилган таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳозирги вақтда жамоат транспортини ташкил этиш усуллари кўпгина ривожланган мамлакатлар, айниқса шаҳарларда бир-биридан тубдан фарқ қилади.¹³ Улар миллий ва маҳаллий ҳокимият томонидан транспорт тизимини тартибга солиш, хизматларни молиялаштириш, ташиш ишларини сифатли амалга ошириш ва бунда мулкчилик шакли ва турларини ҳисобга олиб, рақобат ёки бошқа механизмлардан қай даражада фойдаланилаётганлиги билан фарқланади (1.2-жадвал).

Транспорт хизмати кўрсатиш бўйича шаҳар транспорти фаолиятини ташкил этишнинг турли шакллари мавжудлигига қарамасдан, хорижий давлатлар транспорт соҳасида ислохотлар асосан учта моделдан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.¹⁴ Улар, жумладан, соҳани тартибга солиш ва транспорт хизмати кўрсатишда бозор ва маъмурий механизмлар ўртасидаги муносабатлар орқали фарқланади, яъни:

¹² Т.Қодиров “Автомобиль транспортининг иқтисодий рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрнини баҳолашга ёндашув”, “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2013 йил №11, 38-бет.

¹³ В.А.Персианов ва бошқ. “Экономика пассажирского транспорта” ўқув қўлланма: – М.: КНОРУС, 2012 йил. – 400 бет.

¹⁴ В.А. Персианов “Зарубежный и отечественный опыт управления городским пассажирским транспортом в рыночных условиях”, ўқув қўлланма, ГУУ. – М., 2006 йил. – 63 бет.

- бошқарувнинг маъмурий модели (АҚШ, Канада, Париж);
- чегараланган рақобат модели (Лондон, қатор Скандинавия мамлакатлари пойтахтлари);
- давлат назоратидан холис модел (Буюк Британия, Лондондан ташқари, Сантьяго-Чили).

Францияда, жумладан, Парижда транспорт хизматлари кўрсатиш маҳаллий ҳокимият корхонаси томонидан амалга оширилганлиги учун бу соҳада транспорт хизматлари турлари ўртасида ҳам, ичида ҳам деярли рақобат мавжуд эмас. Бунга сабаб, транспорт корхонаси хизматлари учун тўлов икки манбадан амалга оширилади: йўл-кира ҳақлари ва бюджет субсидиялари.

1.2-жадвал.

Хорижий давлатларда шаҳар йўловчи транспортини тартибга солиш усуллари амалга ошириш.¹⁵

Сиёсат йўналиши	Чора-тадбирлар	Мамлакат
Давлат мулкига асосланган транспорт хизматларини бажариш	Давлат мулки устунлигига асосланган транспорт хизматларини амалга ошириш жараёнини ташкил этиш	Аксарият Европа давлатлари, АҚШ, Россия, Ўзбекистон
Тариф ўрнатиш	Тарифни ташувчи ўрнатади	Буюк Британия, Лондондан ташқари
	Тарифни буюртмачи ўрнатади	Стокгольм, Копенгаген, Лондон
Солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларига асосланиш	Шаҳар йўловчи транспорти эҳтиёжларига хос шаҳар солиғини жорий қилиш	Франция
	Тротуар ва тўхташ жойларини ёритиш учун транспорт корхоналардан маҳаллий бюджетга солиқ ундириш	Греция
	Жамоат транспортдан фойдаланишда ишчиларни имтиёзли солиққа тортиш	АҚШ
	Метро станцияси қурилаётган ҳудуддан 800 метр радиусдаги жойлашган тижорат ташкилотлари, офислар, бино ва иншоотларни солиққа тортиш	АҚШ (Лос-Анжелес), Канада, Италия, Испания
	Тижорат тузилмалари ёнида тўхтаб ўтишлари учун улар томонидан шаҳар йўловчи транспортини тўғридан-тўғри молиялаштириш	Япония, Канада, Австралия, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатлар
	Транспорт департаменти бюджетини ҳар	АҚШ, Россия,

¹⁵ Ерихов, М.М. "Российская практика управления и финансирования городского пассажирского транспорта в свете зарубежного опыта." Хабаровск : ДВГУПС, 2011 йил. – 22 – 27 бетлар.

Бюджетдан молиялаштириш хусусиятларининг хисобга олинганлиги	йил тасдиқлаш	Ўзбекистон
	Ҳаракатланувчи состав(таркиб)ларни федерал маблағлар ҳисобига сотиб олмақ	АҚШ
	Давлат томонидан шаҳар йўловчи транспортини инвестициялашга қўмаклашиш	Европа
	Шаҳар йўловчи транспортини бюджетдан субсидиялаш	Люксембург, Рим, Берлин, Вена, Хельсинки, Стокгольм, Лион, Афина, Париж, Мадрид, Лиссабон, Копенгаген, Берн
Ўзгарувчан тариф сиёсатига асосланиш	Бир неча соат, кун, сафарга, гуруҳга амал килувчи билетлар	Европа, АҚШ, Ўзбекистон
	Трансфер тизими	АҚШ
	Билетсиз сафар учун катта миқдорда жарима тўлаш	АҚШ, Европа

Аммо, тариф таркибига инвестицион сарфлар киритилгани учун транспорт корхонаси зарурий жиҳозларни ўзининг ҳисобидан сотиб олади ва транспорт хизматларини шартнома асосида амалга оширади. Улар 5 йиллик муддатга тузилиб, бунда бюджет субсидияларидан ташқари транспорт хизмати кўрсатишга ўрнатилган шартларнинг бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги учун мукофот ёки жарима санкцияларини қўллашни назарда тутди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, транспорт тизимида бошқарувнинг маъмурий моделидан чегараланган рақобат ва давлат назоратидан ҳолис моделларга ўтишда ҳам ижобий, ҳам салбий томонлар мавжудлиги билан характерланади. Жумладан, ижобий натижаларга ҳар бир шаҳарда танланган ўз моделининг бюджетдан олинган субсидиялар ҳажмини камайтиришга олиб келишини киритиш мумкин. Масалан, Лондонда субсидиялаш бўйича 80%, Буюк Британиянинг бошқа шаҳарларида - 100%, Копенгаген ва Стокгольмда - 30% тежамкорликка эришилган. Бугунги кунда ушбу шаҳарларда Европадаги йўл кира ҳақи тушумидан харажатларни қоплашнинг энг юқори даражаси кузатилмоқда (Буюк Британияда 80%дан ортиқ ва Скандинавия мамлакатларида 50% атрофида). Салбий жиҳати эса, айтилган пайтда Париж(бошқарувнинг маъмурий модели)да ундан олинган натижа тескари

бўлиб, 30%ни ташкил этиб, Европада энг кам кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.¹⁶

Транспорт фаолиятини ташкил этиш бутун жаҳонда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг функциясига асосланади. Маҳаллий ҳукумат органлари аҳолига транспорт хизматлари кўрсатишга жавобгар ва сафарлар буюртмачиси ҳисобланади. Шунингдек, хорижий давлатлар амалиётида аренда, лизинг, концессиялардан ёки акционерлик жамиятларини яратиш каби шакл ва механизмлардан фойдаланилади ҳамда уларга аниқ белгиланган схема бўйича автобус маршрутларини конкурс(тендер)лар ташкил этиш орқали бириктирилади. Умуман олганда, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, транспорт фаолиятини ташкил этишнинг асосий тўртта шаклини ажратиш мумкин: а) жамоат транспортида транспорт хизматлари кўрсатишга ҳуқуқи мавжуд ички(коммунал) ташувчилар институти; б) тендер шартномалари асосидамаршрутга хизмат кўрсатиш ва, в) тендер шартномалари асосида маршрут тармоғини бошқариш субъектлари ҳамда г) эркин бозор шартнома шартларининг уйғунлашувига асосланган шакллар.

Кўпгина Европа мамлакатларида транспорт фаолиятини ташкил этишнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бу ички ташувчилар институти ҳисобланади. Улар коммунал мулк ҳисобланиб, бозорда етакчи ўринни эгаллайди ва ушбу шаклларнинг ҳуқуқий асослари турли йўналишларда алоҳида тарзда эътиборга олинади.

Транспорт(жамоат транспорти) тўғрисидаги Франция қонуни ҳукумат органларининг ташаббускорлигига устунлик бериш тамойилларига асосланади ва коммунал ташувларни амалга оширувчиларга йўловчи ташиш транспорти хизматларини кўрсатишда устунлик ҳуқуқи берилади. Ҳукумат ушбу хизматларни кўрсатишни бевосита ички ташувчилар, яъни шахсий транспорт

¹⁶ Чурилов А.Г. Организационно-экономические основы формирования конкурентной среды при реализации муниципального заказа на городские пассажирские автобусные перевозки : автореф. дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05 / Чурилов А.Г.; [Место защиты: Моск. гос. автомобил.-дорож. ин-т (техн. ун-т)]. – М., 2004. – 22 с.

хўжалиги тузилмаси ёки коммунал компанияга юклатиш борасидаги ҳуқуқдан мустақил тарзда фойдаланади. Бунда шартномани бажарилиш тартиби бошқа транспорт хизмати кўрсатувчиларга ваколатни ўтказиш йўли билан амалга ошириш асосида олиб борилади.

Транспорт(жамоат транспорти) тўғрисидаги Германия давлати қонуни бозорнинг ташаббускорлигига устуңлик бериш тамойилларига асосланади ва транспорт хизматлари бозоридаги ҳар қандай ташувчига транспорт хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини тақдим этади. Бу ҳуқуқ руҳсат бериш тартибидан бошлаб, тизим доирасидаги барча босқичларга тегишли тартиб-қоидаларни қамраб олади ва белгиланган транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини тартибга солиб туради.

Россия тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, шунини таъкидлаш жоизки, транспорт соҳасига инвестицияларни жалб қилиш орқали давлат ва хусусий шерикчилик муносабатлари асосида шаҳар маршрути тармоғида транспорт хизмати кўрсатишни назарда тутлади. Замонавий талқинда давлат ва хусусий шерикчилик бу – давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий бирлашма бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий жиҳатдан ушбу лойиҳа ўзида ўзаро манфаатли ижара фаолияти шартномаси, яъни аралаш шартномани акс эттириб, таркибида ижара, пудрат ҳамда хизмат кўрсатиш шартномаларини мужассамлаштирган. Шартнома молиявий ижара(лизинг) ҳисобланмайди, чунки унда олди-сотди шартномаси унсурлари мавжуд эмас.

Мамлакатимиз автомобиль транспорти томонидан кўрсатилаётган юк ташиш хизматлари таннархи таркиби ривожланган мамлакатлар кўрсаткичлар тизимидан анча фарқ қилади. Айниқса таннарх таркибида ёқилғи, амортизация харажатлари, солиқ ва йиғимлар улуши бир неча маротаба юқори бўлиб, рағбатлантиришнинг энг асосий манбаи ҳисобланувчи ҳайдовчилар иш ҳақи улуши 3 баробардан ҳам камроқ экан (1.3-жадвал).

Транспортда(автомобиль) юк ташиш хизматлари таннархининг таркибий тузилиши¹⁷

№	Харажатлар тури	Ташиш хизматлари таннархидаги улуши,%	
		Ўзбекистон	Европа Иттифоқи
1.	Ёқилғи	37-40	16-20
2.	Мойлаш материаллари	2-2,2	3
3.	Ҳайдовчиларнинг иш ҳақи	15-16	52-55
4.	Шина харажатлари	2-2,5	1-1,1
5.	Амортизация ажратмалари	10-12	5-6
6.	Солиқ ва йиғимлар	6-7	2
7.	Бошқа харажатлар	20-21	16

1.3-жадвал маълумотларига кўра, ташиш харажатларининг асосий моддалари транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва ёқилғи-мойлаш материаллари ҳисобига тўғри келади. Тармоқда ҳаракат воситалари таркибининг асосий камчиликларидан бири уларнинг номутаносиб тузилмаси ва ўртача юқори ёшидир. Республика ҳудудий автомобиль транспорти бирлашмаларида ишлатилаётган транспорт воситаларининг эскириш даражаси уларнинг автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш бозоридаги рақобатга бардош бера олмаслигининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.¹⁸ Маълумотларга кўра, бугунги кунда юк автомобилларининг 85 фоизининг эскириш даражаси юқори бўлиб, 15 йилдан ортиқ эксплуатация қилинмоқда. Автомобилларнинг жисмонан ва маънан эскириши техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ёнилғи харажатларининг меъёридан ортиб кетишига олиб келади. Юк кўтариш қобилияти 16 тоннада юқори бўлган тиркамали ва ярим тиркамали автомобилларнинг улуши 10 фоизга етмай, айниқса,

¹⁷ Т.Қодиров. “Транспорт тизимининг ривожланиш ҳолати таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил. www.iqtisodiyot.uz

¹⁸ Т.Қодиров. “Транспорт тизимининг ривожланиш ҳолати таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил. www.iqtisodiyot.uz

шаҳарлараро ва халқаро ташувларда миллий транспорт компанияларининг рақобатдошлигини пасайтириб қўймоқда.

I - БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Транспорт хизмати умумижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у моддий-техника базасининг таркиби ва ўзиги хос иқтисодий хусусиятлари билан бошқа тармоқлардан жиддий фарқ қилади. Шунинг учун муаллифнинг таърифига кўра, *транспорт хизматлари бу - уларнинг барча турларини амалга оширувчи субъектлар томонидан фойда олиш мақсадида транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, йўловчиларни ташиш ва манзилига етказиб қўйиш, юк ортиш, ташиш, тушириш ва жойлаштириш каби транспорт сервисини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуидир.*

Саноат ва кишлок хўжалик тармоқларида яратилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида истеъмол қилинадиган маҳсулотлардан ажралиб туради. Ушбу тармоқлар маҳсулотлари сотилгунга қадар жамғарилиб борилиши ва омборларда сақланиб турилиши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнини тугаллаш учун тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш ва сотиш лозим. Бу эса, асосан, муомала доирасида амалга оширилади. Транспорт ишлаб чиқаришнинг муомала соҳасидаги инъоми бўлиб, у ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнини ниҳоясига етказди.

2. Транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ўзига хос тизимга эга бўлиб, у асосан бошқа соҳа самарадорлик кўрсаткичларидан фарқли равишда транспорт хизматлари истеъмолчиларининг ушбу хизматларни кўрсатувчилар томонидан бажарилган транспорт хизматларидан қай даражада қониқишини ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши лозим.

3. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, транспорт фаолиятини ташкил этишнинг асосий тўртта шакли мавжуд бўлиб, уларга жамоат транспортида транспорт хизматлари кўрсатишга ҳуқуқи мавжуд ички (коммунал) ташув-

чилар институти;маршрутга хизмат кўрсатиш бўйича тендер шартномалари,маршрут тармоғини бошқариш бўйича тендер шартномалари ваэркин бозор талаби асосида тузиладиган уйғнлашган шартнома шартларига мувофиқ фаолият юритадигантранспорт хизмати кўрсатувчи субъектлар киради.

4. Республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида автомобиль транспорти хизматларини кўрсатиш самарадорлигини баҳолашга қуйидаги омиллар таъсир этади, яъни:рақобатбардош автомобиль транспорти хизматини кўрсатиш тизимини яратиш. Айниқса, бунда автомобиль транспорти хизматларини кўрсатишда ташиш тезлигини ва пассажирларга кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш ҳажминини кўпайтириш ҳисобига хизматлар баҳосини арзонлаштириб, аҳолининг шу транспорт хизматларидан кўпроқ фойдаланишларига эришиш;алоҳида олинган ҳудудлар бўйича автомобиль транспорти хизматларини кўрсатиш бўйича логистик марказларни шакллантириш;автомобиль транспорти харажатларини камайтириш ва хизматлари сифатини оширишга қаратилган инновацион чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга самарали жорий этиш учун молиялаштириш манбаларини давлат – хусусий шерикчилик муносабатлариасосидаташқил қилиш ва кенгайтириш;республикамиз автомобилсозлик тармоғида асосий эътиборни истиқболда маҳаллий олим-мутахассислар ва инженер-техник ходимлар ҳамкорлигида ўзимизда яратиладиган миллий ресурстежамкор автомобил русумларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;республикамиз ҳудудидаги барча тоифалардаги йўлларни замон талабларига мос таъмирлаш ва янгилариниқуриш, уларнинг ҳар бирига мос келадиган тезликларни ривожланган давлат тажрибасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш асосида йўловчилар ва юк ташиш тезлиги, ҳажми ва сифатини мақбул даражага етказиш.

5. Республикамизда алоҳида олинган автомобиль транспорти хизматлари бозорини шакллантириш ва натижада бозор конъюнктурасининг янги сег-

ментларини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш имкониятларини кенгайтириш. Айниқса, автомобиль транспорти хизмати бозори ҳолатини баҳолаш, унинг ўзгариш истиқболлари ва тенденцияларини таҳлил этиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш ва улар натижасида олинган инновацион ишланма ва маҳсулотларни ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этиш истиқболда тармоқни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш, мазкур соҳанинг молия, ишчи кучи ва моддий – техника ресурсларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш, энг муҳими эса аҳолига транспорт хизматлари билан боғлиқ қўлай шароитлар барпо этиш учун мустаҳкам замин яратади.

II - БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ АМАЛДАГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

2.1. Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳозирги ҳуқуқий – меъёрий асослари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари

Республикада транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантириш тенденциясини чуқур тадқиқ этиш, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва ҳуқуқий-меъёрий асосларини иқтисодий модернизацциялаш ва диверсификациялаш талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш объектив зарурат ҳисобланади. Зотан, мазкур соҳани Ўзбекистон Республикасининг қонунларива қонун ости ҳуқуқий - меъёрий актлар асосида ривожлантириш, жумладан автомобилларда йўловчиларга транспорт хизматларини амалга оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқилган ва улар ўз навбатида транспорт хизматларини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларининг институционал асоси бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли «Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги 118-сонли «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги 3422-сонли “2018 - 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари корхоналар ва аҳолига кафолат-

ланган ва сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Юқоридаги қонун ва қарорларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ҳам бир қанча истиқболли йўриқнома ва Низомлар ишлаб чиққанлигини таъкидлаш лозим. Мазкур агентликнинг 2002 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида шаҳарда, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда умумий фойдаланишдаги автомобиль ва электр транспортида ҳамда соатбай ташишларда ташилган йўловчилар сонини ва йўловчилар айланишини аниқлаш тўғрисида»ги 97-сон буйруғи билан тасдиқланган йўриқнома¹⁹ ҳамда «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида»ги 2006 йил 6 сентябрдаги 98-сон буйруғи билан тасдиқланган низом²⁰ каби бир қанча меъерий ҳужжатлар шулар жумласига киради.

Юқорида қайд этилган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъерий ҳужжатлар автомобиль транспорти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб олиш ва уларни тизимлаштириш имконини берди. Натижада транспорт(автомобиль)да йўловчи ташиш хизматларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари тизимлаштирилди ва улар, бизнинг фикримизча, қуйидаги йўналишларда ўз аксини топган:

- транспорт(автомобиль) ва улар томонидан бажариладиган ташиш хизматларининг турларини белгилаш билан боғлиқ сиёсат;
- транспорт(автомобиль)да ташиш хизматларини бошқариш ва уларни тартибга солиш билан боғлиқ сиёсат;

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон билан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1164, 2002 йил 10 август).

²⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 403-модда (рўйхат рақами 1626, 2006 йил 5 октябрь).

- транспорт воситаларини стандартлаш, метрология жиҳатидан таъминлаш, сертификатлаш ва лицензиялаш билан боғлиқ сиёсат;
- ташувчилар ва мижозларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ва уларнинг назоратини олиб бориш билан боғлиқ сиёсат;
- ташувчининг юк ташиш учун транспорт(автотранспорт) воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида бермаганлиги, кечиктирилганлиги, юкнинг бир қисми ёки бутунлай йўқолганлиги учун жавобгарликни белгилаш билан боғлиқ сиёсат;
- транспорти(автомобиль)да йўловчиларнинг хавфсизлик масалаларининг таъминланганлиги, уларнинг саломатлигини асраш масаласи ва экология нормаларини таъминлаш билан боғлиқ сиёсат каби йўналишларни кириштириш мумкин.

Автомобил транспорти, унда йўловчи ва юк ташиш қоидалари “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур қонун ва меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудида амал қилади. Қорақалпоғистон Республикасида эса улар билан бир қаторда автомобиль транспорти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳарларида йўловчиларини ташиш соҳасидаги муносабатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг алоҳида «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»²¹ги Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу жараён кўп жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга.

Амалдаги тартиб бўйича йўловчилар, багаж ва юклар ташиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли “Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари”²² тўғрисидаги Қарори билан тас-

²¹ “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель Қонуни.

²² “Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган.

диқланган ҳамда шу даврдан бошлаб автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш амалиётига татбиқ этилган.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бошқача қоидалар мавжуд бўлган тақдирда халқаро муносабатларда амал қиладиган шартнома қоидалари қўлланади. Чунки, одатда ҳар бир мамлакатнинг транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи ўзига хос ва мос ички тартиб-қоидалари мавжуд бўлиб, уларнинг айрим жиҳатлари мазкур соҳа учун белгиланган халқаро стандарт ва талабларга жавоб бермаслиги мумкин.

Мамлакатимизда автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш билан шуғулланувчи субъектларнинг мулк шаклидан қатъий назар, уларнинг фаолияти бир хил механизм ва ёндашувлар асосида давлат томонидан тартибга солинади ва бошқарилади. Автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш сертификатлаш, лицензиялаш, солиқ солиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташишлар учун тарифларни шакллантириш, ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади. Бундай тартиблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан автомобиль транспортини бошқариш бўйича ваколат берган давлат органи орқали амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш билан шуғулланувчи субъектлар тадбиркорлик тамойилига асосланган ҳолда иш кўрадилар. Шу туфайли давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларига транспорт хизматлари кўрсатувчиларнинг хўжалик фаолиятига аралаштиришга, шунингдек уларнинг эксплуатация хизмати ходимларини бошқа ишларга жалб этишга ҳақли эмас деб белгиланган.

Ҳозирги пайтда автомобиль транспорт хизматларини кўрсатишда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, ушбу соҳани бошқарувчи давлат

органининг асосий ваколатларини қонун ҳужжатлари билан белгилашдан иборат. Бу борада мамлакатимизда тегишли тартиблар белгилаб қўйилган²³.

Транспорти хизматлари кўрсатишни бошқаришда давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг асосий ваколатларини белгилашдан иборатдир. Амалдаги қонунчилик бўйича давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг автомобиль транспорти хизматларини кўрсатиш соҳасидаги асосий ваколатлари давлат сиёсати доирасида белгилаб қўйилган. Бу ваколатлар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда автомобиль транспорти хизматларини ривожлантириш, айниқса уларнинг йўловчиларга транспорт хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятлари самарадорлиги ва сифатини оширишнинг комплекс минтакавий дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш чораларини кўриш. Иккинчидан, транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда эркин рақобат муҳитини яратиш ва барча ташувчиларнинг фаолияти учун тенг шароитларнинг шаклланишига қўмаклашиш. Учинчидан, транспорт хизматлари кўрсатишнинг, шу билан бирга йўловчиларга транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг моддий-техника базасини ва ижтимоий-иқтисодий аҳолини мустаҳкамлашга қўмаклашиш.

Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳудуд эҳтиёжлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, юк ташиш билан боғлиқ барча турдаги автомобиль транспорти хизматларини кўрсатиш, шунингдек, йўловчиларга транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бу ваколатлар ҳам умумий қонунлар ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Мамлакатимизда транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири автомобил тран-

²³ "Автомобиль транспорти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 10-моддаси. 1998 йил 29 август.

спорти воситаларини ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматларни стандартлаш, метрология жиҳатидан таъминлаш ва сертификатлаш ҳисобланади. Автомобиль транспорти томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларни амалга оширадиган автотранспорт воситалари хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стандартлар ва техник шартларга, тиббий-санитария ва ёнғинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим. Бу тадбирларкўрсатиладиган транспорт хизматларини стандартлаш, метрология ва сертификатлаш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази ҳамда бошқа давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Сертификатлашдан ўтмаган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланишга, яъни йўловчи ёки юкларни ташишга йўл қўйилмайди. Ушбу ҳолат давлат органлари томонидан назорат қилиб борилади. Чунки, йўловчиларва уларнинг мулкларини ташиш хизматларини кўрсатиш жараёнида хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стандартлар ва техник шартларга, тиббий-санитария ва ёнғин хавфсизлигига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Транспорт хизматлари кўрсатишни лицензиялаш масаласи ҳам, юқорида таъкидланганидек, йўловчиларга транспорт хизматлари кўрсатиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Маълумки, амалдаги қонун бўйича, автомобилда транспорт хизматлари кўрсатиш уларни кўрсатувчилари томонидан махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади. Бу масала билан ҳам, яъни автомобилда ташишлар учун лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва тегишли давлат органи томонидан берилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, автомобиль транспорти воситасини бошқариш, йўловчи ва юкларни ташиш ҳуқуқи ҳаммага берилмайди. Ушбу

хизмат билан шуғулланиш, яъни автомобиль транспорти воситасини бошқариш ҳуқуқи, тегишли малакага эга бўлган ва тиббий текширувдан ўтган жисмоний шахсга берилади. Саломатлигига кўра автотранспорт воситасини бошқаришга яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқловчи тегишли мезон ишлаб чиқилган ва у Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган. Автотранспорт воситаларини бошқаришга доир малака талаблари қонун ҳужжатлари билан белгиланади ва улар ҳам тегишли тарзда давлат органлари томонидан назорат қилиб борилади.

Йўловчилар, багаж ва юклар ташиш бўйича давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ташувчилар билан улар ўртасидаги шартнома ва унга амал қилиш тартиб-қоидалари бўлиб ҳисобланади. Мазкур шартнома йўловчилар, багаж ва юкларни ташиганлик учун белгиланган ҳақни олиш учун ҳам ҳужжат ҳисобланади. Чунки, шартномада амалдаги тартиб ва тарифлар асосида йўл ҳақи келишилган ва унда кўрсатилган бўлади. Ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, томонлар амалдаги қонун дирасида жавобгар бўладилар. Шунини қайд этиш керакки, агар томонлар қонунда белгилаб қўйилган жавобгарликни чеклаш ёки бартавраф этиш ҳақидаги битим тузган бўлса, бундай битимлар ҳақиқий эмас, деб топилади. Қонунда кўрсатилган ҳолатни инкор қилувчи бирорта ҳам битим ёки бошқа ҳаракат бўлмаслиги керак.

Бугунги кунда автомобилда ташишларнинг айрим турлари учун давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солувчи тарифлар белгиланиши мумкин. Бунда айрим маҳаллий аҳамиятга молик ижтимоий характерга эга бўлган ташиш хизматлари кўзда тутилади. Бундай тартибга солувчи тарифлар бўйича ташишлар муносабати билан ташувчиларнинг харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бундай харажатлар тегишли тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда йўловчи ва юкларни ташувчиларга қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлари ҳам берилган, шу жумладан бепул юриш ҳуқуқи берилган фуқароларнинг айрим тоифаларини ташиш билан боғлиқ харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади. Мазкур масала бўйича давлат сиёсатининг яна бир нозик йўналиши автомобиль транспортида йўловчилар, багаж ва юкларни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш амалга ошириладиган пайтда юзага келадиган муносабатлар ташувчилар ўртасидаги битим билан тартибга солинади. Ушбу битимнинг ягона номунавий нусхаси жорий қилинган ва унга амал қилиш барча иштирокчилар учун мажбурдир. Аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатувчи автовокзаллар ва йўловчилар бекатларини қуриш ташувчилар, давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар (ҳомийлар) ҳисобидан амалга оширилади ва бу ташиш хизматларини молиялаштиришда кенг ҳуқуқий имкониятлар яратади.

Жамият ҳаётида турли форс-мажор ҳолатлар, масалан, zilзила, сув тошқини, ёнғин, эпидемия ва бошқа табиий офатлар юз бериши мумкин. Ушбу ҳолатларда автомобиль транспортдан фойдаланиш масаласи ўта нозик ҳисобланади. Чунки, барча кучлар шу офатларни тугатишга сафарбар қилиниши мумкин. У ҳолда ташувчилар ва мижозлар ўртасидаги шартнома муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорига биноан табиий офатлар оқибатларини тугатиш даврида вақтинча тўхтатиб турилиши мумкин.

Маълумки, ташувчи субъектлар ўз фаолиятини тадбиркорлик асосида амалга оширади. Шу туфайли ташувчилар фавқулодда ҳолатларда, шунингдек сафарбарлик ҳолатида, фуқаро мудофааси ва авария-қутқарув ишларига оид тадбирларни таъминлаш билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга доир харажатлари давлат бюджети томонидан қопланади. Бу масалалар ҳам

фавкулотдаги вазиятларда кўзда тутилган сафарбарлик тадбирлари асосида алоҳида тартиблар бўйича амалга оширилади.

Автомобилларда ташув хизматларини амалга оширишдаги давлат сиёсатининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ йўналишларига ташувчининг ҳуқуқлари, ташувчининг мажбуриятлари, мижознинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш билан боғлиқ сиёсатни киритиш мумкин. “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида ташувчиларнинг бир қанча ҳуқуқлари эътироф этилган. Буларга қуйидагилар киритилган: “умумий фойдаланишдаги барча автомобиль йўллари, шунингдек идораларга қарашли умумий фойдаланиш учун очиқ автомобиль йўллари орқали ўтиш; жўнатилаётган юк ўз сертификатиغا мувофиқ эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш; фуқаролар ҳаётига, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи, экология ва санитария нормалари бузилишига ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларга сабаб бўлувчи ҳолатларда ташишдан воз кечиш каби қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин”²⁴.

Кўриниб турибдики, мижозга хизмат кўрсатиш чоғида ташувчининг бир қанча ҳуқуқлари белгилаб қўйилган экан. Аммо тадқиқотларимиз кўрсатдики, барча ташувчилар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини тўлиқ ўзлаштириб олмаганлар. Ташувчи мижозга хизмат кўрсатиш чоғида бир қанча мажбуриятларга ҳам эга. Бу мажбуриятлар ташувчилар томонидан ташиш хизматларининг хавфсизлигини таъминлашга, ташиш хизматлари сифатини кафолатлашга, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, экологик ҳалокатга олиб келмаслик чораларини кўришга, ташувчи ташишни давом эттиришдан бош тортган тақдирда мижоз кўрган зарарни қоплаши каби муҳим жиҳатларга қаратилгандир.

²⁴ “Автомобиль транспорти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 17-моддаси. 1998 йил 29 август.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, ташиш хизматларидан фойдаланувчи асосий субъект бўлган миждознинг ҳам бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан белгиаб қўйилган. Миждозлар қонунга кўра қўйидаги ҳуқуқларга эга: “ташувчи тўғрисида зарур бўлган ахборотни олиш; ташувчини эркин танлаш ва ташиш учун шартнома тузиш; қоидаларда ёки ташиш шартномасида белгиланган тарзда ташувчи томонидан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишидан баҳраманд бўлиш; ташиш туфайли етказилган зиённи ва маънавий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлаттириш ва қоплаттириш; ташиш шартномасида кўрсатиб ўтилган шартлар ташувчи томонидан бузилган тақдирда хизматлар кўрсатилишидан воз кечиш; ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга муурожаат қилиш; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш”²⁵.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 19-моддаси иккинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида берилган имтиёزلарни татбиқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, деб кўрсатилган. Бундан маълум бўлмоқдаки, ушбу ҳолатда ҳам давлатимиз қонунчилигида ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламининг манфаатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган.

Юқоридаги қонуннинг 20-моддасида миждозларнинг мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Буларга қўйидагилар киритилган:

- ✚ ташиш шартномаси шартларига риоя қилиши;
- ✚ ташиш қоидаларида ўзига қўйилган талабларни бажариши;
- ✚ ташилаётган юкнинг ташиш шартномасига мувофиқлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни ташувчининг талабига биноан тақдим этиши;

²⁵ Автомобиль транспорти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 18-моддаси. 1998 йил 29 август.

✚ автотранспорт воситаларининг ташилиши лозим бўлган юк ёки багаж ёнига бемалол ва хавфсиз кириб бора олишини таъминлаши;

✚ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт”²⁶.

Ташувчи ташиш учун мулкни қабул қилиб олгандан сўнг унинг сақланиши ва бутлиги учун тўлиқ жавобгар бўлади. Ташувчи буюртмачининг юки ёки багажини йўқотган бўлса, унинг бир қисми кам чиққан ёки шикастланган (бузилган) бўлса, бундай ҳолларда асосий жавобгарлик ташувчининг зиммасида бўлади. Зотан, давлатнинг ташиш хизматларини амалга оширишдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири мижоз ҳуқуқининг устуворлигини таъминлашга қаратилгандир. Агарда мижознинг юкини ташиш учун ташувчи автотранспорт воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида бермаганлиги учун жавобгардир. Агар автотранспорт воситасини бермаганлик ёки ўз вақтида бермаганлик энгиб бўлмас куч, ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишда юк ташиш тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, ташувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликдан озод қилинади. Шу билан бирга юк ташиш учун ташувчи томонидан берилган автотранспорт воситасидан фойдаланмаганлик учун амалдаги тартиб бўйича мижознинг ўзи жавобгар бўлади. Агар бу ҳодиса энгиб бўлмас куч, ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишда юк ташиш тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, мижоз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликдан озод қилинади.

Мамлакатимизда амалда бўлган бир қанча қонунлар (“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Автомобиль транспорти тўғрисида”) билан йўловчини жўнатиб юбориш кечиктирилгани ёки манзилга кеч етиб келганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги белгиланган. Жумладан, йўлов-

²⁶ “Автомобиль транспорти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 20-моддаси. 1998 йил 29 август.

чиларни ташиш учун автотранспорт воситасини жўнатиш кечиктирилган ёки у белгиланган манзилга кечикиб келган тақдирда (шаҳар ва шаҳар атрофида ташишлар бундан мустасно), ташувчи, агар кечиктириш ёки кеч етиб бориш ташувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли юз берганлигини исботлай олмаса, унга нисбатан жарима миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, йўловчиларни кечиктириш кўп учрамоқда, аммо ушбу ҳолат учун йўловчига жарима тариқасида неустойка тўлаш масаласи ҳаётда ўз ечимини топмаяпти.

Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, автотранспорт воситаси кечиктирилганлиги сабабли йўловчи унда жўнашдан воз кечган тақдирда, ташувчи йўловчига кира ҳақини ва у қилган бошқа харажатларни қайтариши амалда қўлланилмоқда. Ташувчи амалдаги қонун ҳужжатларига асосан йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун жавобгарлиги белгиланган. Ташувчи ташиш пайтида йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги унинг қасди ёки енгиб бўлмас кучи туфайли юз берганлигини исботлай олмаса қонун олдида жавобгар бўлади. Мижоз эса ўзининг айби билан бошқа шахсларга, ташувчининг ва бошқа шахсларнинг мол-мулкига етказган зарари учун жавобгар бўлади. Юк жўнатувчи транспорт ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги, ноаниқлиги ёки тўлиқ эмаслиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган барча зарарлар учун ташувчи ва учинчи шахс олдида жавобгар бўлади.

Ҳозирги пайтда ушбу масала бўйича давлат сиёсатининг яна бир йўналиши йўловчилар, багаж ва юкларни суғурта қилишдан иборат. Амалдаги қонун бўйича йўловчилар халқаро ва шаҳарлараро автомобиль транспортдан фойдаланганда мажбурий шахсий суғурта қилинишлари шарт. Бу жараёни амалга ошириш қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Бундан ташқари йўловчилар ҳаётини, соғлигини, шунингдек багаж ва юкларни суғурта қилиш тегишли суғурта шартномалари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ихтиёрий суғурта қилиниши ҳам мумкин.

Давлат сиёсатининг ҳуқуқий-меъёрий асосларидан яни бири, бу автомобиль транспортида хавфсизлик ва экология нормаларини таъминлашга қаратилган. Бунга бир вақтнинг ўзида ҳам ташувчилар, ҳам йўловчилар масъулдир. Улар багаж ва юкларни ташиш жараёнида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, ҳаракат хавфсизлигини ҳамда атроф муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Ушбу талабларга риоя қилмаган ҳар қандай шахс қонун олдида жавоб берадилар.

Автотранспорт корхоналари, автовокзаллар, автобекатларнинг транспорт воситалари ҳаракати ва юк ортиш-тушириш ишлари амалга оширилдиган ҳудудлари ўта хавфли бўлган ҳолатларда уларда ишларни амалга ошириш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Чунки ташиш жараёнида турли заҳарловчи, портловчи, алангаланувчи, радиоактив, заҳарли ва бошқа хавфли юклар бўлиши мумкин. Бундай юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ, уларни қўриқлаш ва кузатиб бориш юкни жўнатувчилар ёки олувчилар томонидан бутун йўл давомида таъминланиши лозим. Мижоз ва ташувчи уларнинг беҳатар ташилиши, ортилиши ва тушириб олинишини таъминлашлари шарт. Хавфли юклар рўйхати ва уларни ташиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2.2. Республика иқтисодиёт тармоқларига кўрсатилаётган транспорт хизматлари ҳажми ва самарадорлик даражасининг ҳолати ва ўзгариш тенденцияси

Ўзбекистон Республикасида транспорт миллий иқтисодиётнинг муҳим соҳаси сифатида, унинг ишлаб чиқаришдаги асосий вазифаси саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар мафаатларини бирлаштириш ва ўзаро уйғунлаштиришдан иборатдир. Транспорт соҳаси фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичи, бир томондан, сифатли ва муддатли турли хизматлар кўрсатиш, жумладан, ташиш ҳажми, юк оқимлари йўналишлари, транспорт воситалари ва хизматлари инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси, миллий иқти-

2.1-жадвал.


Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва транспорт хизматларининг ривожланиш динамикаси²⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар:											2017 й. 2007 й.га нисбатан ўзгариш марта, % да
	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	
Ялли ички маҳсулот жорий нархларда, млрд. сўм	28186,2	36839,4	48097,0	61831,2	77750,6	96589,8	118986,9	144867,9	171369,0	199325,1	246925,4	8,8 марта
Хизматлар кўрсатиш жами, млрд. сўм	14058,8	19292	25472,7	32749,8	40951,5	51121,1	65524,2	81901	89326,3	90991,7	116795,7	8,3 марта
Транспорт хизматлари кўрсатиш жами, млрд. сўм	4618,2	6691,3	8373,4	10031,3	12350,3	15253,3	18127,2	22163,3	23816,2	26465,7	36217,2	7,8 марта
Транспортда ташилган йўловчиларнинг умумий сони (млн.киши), шунингдек, йўловчилар ташиш:	4631,6	5260,0	5697,3	6045,3	6341,8	6744,3	6988,0	7335,3	7598,2	5560,4	5679,0	122,6%
Темирйўл транспортида	12,6	13,0	14,0	14,6	14,9	16,0	17,4	19,1	20,1	20,5	21,1	167,5 %
Автомобиль транспортида	4485,9	5122,4	5575,7	5935,8	6244,9	6645,1	6893,9	7244,4	7511,4	5480,8	5591,3	124,6 %
Ҳаво транспортида	1,3	1,5	1,5	1,9	2,2	2,5	2,4	2,3	2,2	2,1	2,2	169,2 %
Шаҳар электр транспортида	131,8	123,1	106,1	93,0	79,8	80,7	74,3	69,5	64,5	57,0	64,4	48,9 %

²⁷ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


содиёт тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдори, уларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жойларининг республикамиз ҳудуди бўйлаб жойлашганлигига, иккинчи томондан эса, мавжуд йўлларнинг ўткази олиш қобилияти, ишлаб чиқариладиган ва ташиладиган маҳсулотлар ҳажми, уларнинг қаерда жойлашганлиги ва улар етказиб бериладиган манзил ва масофага боғлиқдир. Шунингдек, транспорт ўз навбатида ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида улкан истеъмолчи сифатида иштирок этиб, унинг роли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва таркибига ўтказадиган таъсирида ўз аксини топади.

Авваломбор, олиб борилган тадқиқот ва таҳлил натижаларига таянган ҳолда умумий хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда кейинги ўн йиллик давр мобайнида транспорт соҳаси ва унинг асосий субъектлари томонидан иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига кўрсатилган хизматларнинг, шунингдек уларнинг жами хизматлар таркибидаги улуши изчил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу ўзгаришлар юқоридаги 2.1-жадвал ва қуйидаги 2.1-чизмада аксини топган.



2.1-чизма. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот, хизматлар кўрсатиш ва транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажмининг ўсиш суръатлари

Таҳлилларнинг кўрсатишича, бугунги кунда, йўловчиларга транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажми нуқтаи назардан автомобиль транспорти ҳиссаси 98,46%, темирйўл транспорти - 0,37%, ҳаво транспорти - 0,04% ва шаҳар электр транспорти ҳиссаси 1,13% ни ташкил этмоқда (2.1-расм).



2.1-расм. Ўзбекистон Республикасида транспорт турлари бўйича йўловчилар ташувининг таркиби(2017 йил).

Мамлакатимизда транспорт хизматлари ҳажмида автомобиль транспорти улушининг салмоқли ўринга эгаллигини қатор омиллар билан, яъни автомобиль транспорти харажатларининг камлиги, муайян тур хизмат таннархининг пастлиги, хизмат кўрсатиш муддатларининг қисқалиги ва қулайлиги, миқдорлар эҳтиёжларини эътиборга олиб, қўшимча хизматларни ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги, хизмат нархларини ўзаро манфаатли келишув йўли билан белгилаш мумкинлиги кабилар орқали асослаш мумкин. Бундан ташқари шуни қайд этиш ўринлики, охириги йилларда автомобиль транспортида корхона ва аҳолига тегишли хизматлар кўрсатиш

ҳажмини ошириш ва харажатларини камайтириш мақсадида юқори унумдор техника воситаларидан фойдаланишга катта этибор қаратилмоқда.

Шу жумладан, конструктив жиҳатлари ва қай мақсадларда фойдаланишига кўра юк автотранспорти воситалари умумий ва махсус транспорт воситаларига бўлинади. Умумий транспорт воситаларига барча юкларни ташишга мўлжалланган турли русумдаги автомобилларни киритиш мумкин. Махсус автотранспорт воситалари жумласига турли махсус ишларни, кўпроқ нотранспорт ишларини бажаришга мўлжалланган автомобиллар, тиркамалар ва ярим тиркамалар киради. Булар жумласига ўт ўчириш автомобиллари, компрессор қурилмали автомобиллар, автокранлар, супуриш-сидириш ҳамда чиқинди ташиш автомобиллари ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Махсус автомобиллар асосан шу соҳа билан боғлиқ хизматлар билан шуғулланувчи корхоналарга берилади.

Умуман шуни алоҳида урғу бериб қайд этиш лозимки, транспорт соҳасини ислоҳ қилиш, логистика марказларини ташкил қилиш ва ривожлантириш, нафақат шаҳарлар кесимида, балки истиқболда республикамизнинг энг чекка ва узоқ қишлоқларида яшаётган аҳоли учун транспорт хизматларини етарли даражада амалга ошириш мақсадида “2017-2021 йилларда 303 та янги йўловчи ташиш йўналиши, улардан 240 таси (79,2%) шаҳар атрофида ва қишлоқ жойлардан ўтадиган шаҳарлараро қатновларда очиш назарда тутилмоқда. Янги йўналишлар очиш билан биргаликда, асосан, автобуслар етишмаслиги туфайли қатнов тўхтатилган йўналишлар тикланди. Келгуси 5 йилда 8,6 мингта йўловчи ташиш автомобили, шу жумладан, 5,7 мингта умумий фойдаланишга қулай микроавтобус сотиб олинади”.

Автомобилда транспорт хизматлари кўрсатиш турлари ҳам бир қанча гуруҳларга бўлинади. Булар жумласига шаҳар доирасидаги, шаҳар атрофидаги, шаҳарлараро ва халқаро транспорт хизматлари кўрсатишни киритиш мумкин.

Шаҳар доирасида транспорт хизматлари кўрсатиши ўзига хос бўлиб, фақат шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасида амалга ошириладиган транспорт хизматларини ўз ичига олади. Бундай транспорт хизматларига йўловчиларни ва уларнинг юкларини фақат шаҳар худуди бўйлаб ташиш билан боғлиқ транспорт хизматларини киритиш мумкин.

Шаҳар атрофидаги транспорт хизматлари кўрсатиши ҳам ўзига хос чегара ва диапазонга эга. Мазкур транспорт хизматлари жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасидан 50 (эллик) километргача ташқарида амалга ошириладиган транспорт хизматлари киради. Бунда ҳам йўловчилар ва юк ташишлар кўзда тутилган.

Шаҳарлараро транспорт хизматлари кўрсатиши ҳам мамлакатимизда кенг ривожланган. Булар жумласига шаҳар ёки шаҳар посёлкаси чегаралари доирасидан эллик километрдан ошиқ масофада амалга ошириладиган ташишлар, шунингдек йўналиш масофасидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ёки ундан ортиқ вилояти худудида амалга ошириладиган транспорт хизматлари киради. Бунда иккита вилоятда жойлашган иккита шаҳар оралиғи ва битта худуддаги иккита шаҳар оралиқларидаги масофалар кўзда тутилган.

Халқаро транспорт хизматлари кўрсатиши мамлакатимизда сезиларли ўринга эга ва, аввал таъкидлаб ўтганимиздек, мунтазам ўсиш тенденциясига монанд равишда ривожланиб бормоқда. Булар жумласига йўналиш масофасидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегараси ташқарисидан мамлакатимизга жалб этилган транспорт хизматларини киритиш мумкин. Бундай хизматларга албатта мамлакатимиз чегарасидан у ёки бу томонга ўтиши билан амалга ошириладиган транспорт хизматлари киради. Йўловчилар ва юкларни ташишда халқаро транспорт хизматларини кўрсатишда транзит алоқаларнинг ҳам борлигини инобатга олиш лозимдир. Мамлакатимизда транзит транспорт хизматлари кўрсатиш халқаро ҳамда транзит алоқа учун очиқ автомобиль йўллари орқали амалга

оширилади. Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Йўловчилар ва юкларни автомобилда халқаро транспорт хизматлари кўрсатиш учун мамлакатимиз қулай ҳудудда жойлашган. Бизнинг ҳудуд ғарб билан шарқни, жануб билан шимолни боғлайдиган кўприк вазифасини ўтайди. Бу ҳолат маълум даражада мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради²⁸. Умуман олганда республика даражасида транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда ва бунинг тасдиғини қуйидаги 2.2-жадвал маълумотлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

2.2-жадвал.


Республика транспорт ва алоқа тармоқларида кўрсатилган хизматлар бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар (2009 й. – 2014 й.)²⁹

№	Кўрсаткичлар	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.
1.	Транспорт ва алоқа тармоқларининг ялпи қўшилган қиймати, <i>млрд. сўм</i>	5721,9	7181,9	9223,7	11624,7	14202,4	16488,7
2.	Асосий фондлар (йил бошига бошланғич қайта тиклаш) қиймати, <i>млрд. сўм</i>	7513,3	10397,9	15569,4	19278,8	23801,3	27454,8
3.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, <i>млрд. сўм</i>	3470,1	3529,6	2851,0	3385,1	4351,8	4196,4
4.	Пуллик хизматлар ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	1525,9	2090,3	2687,3	3475,7	4733,1	5686,7
5.	Корхона ва ташкилотлар ходимларининг ўртача йиллик сони, <i>минг киши</i>	165,3	164,0	163,7	159,1	162,5	150,2

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари туғрисида”ги қарорига шарҳ. Халқ сўзи, 2017 йил 12 январь №8.

³⁷ ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шунинг учун ҳам давлатимиз ҳукумати томонидан транспорт тармоқларини қўллаб-қувватлаш йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли чора-тадбирлар нафақат мамлакат ЯИМ ҳажмини, шу билан бир қаторда транспорт хизматларининг миқдор жиҳатдан ўсишига хизмат қилмоқда (2.2-расм).



2.2 -раем. Ўзбекистон транспорт хизматлари(логистика хизматларини қўшган ҳолда) кўрсатиш ҳажмининг ўсиш динамикаси (2007-2017 йилларда, млрд сўм ҳисобида)

Масалан, тадқиқот ишимизда таҳлилга тортилган 2007 йилга нисбатан 2017 йилда транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажми 7,8 мартадан зиёд ошган. Бироқ, шу ўринда қайд этиш ўринлики, республика миқёсида кўрсатилаётган жами транспорт хизматларининг қиймати мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибидаги улуши маълум даражада пасайган бўлсада, бу ҳолни ижобий деб қабул қилиш мумкин, чунки кўрсатилаётган транспорт хизматлари харажатлари тайёр халқ истеъмоли маҳсулотлари харажатларига нисбатанпасайиб бораётганини эътироф этиш лозим (2.3-жадвал).

Шу жумладан бу тенденцияни график кўринишда куйидаги 2.2-чизмада ҳам кузатиш мумкин. Унга кўра 2007-2017 йилларда транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибидаги улуши 14,7


ЯИМ таркибида транспорт хизматлари кўрсатиш (логистика хизматларини қўшган ҳолда)нинг ҳажми ва улушининг ўзгариш динамикаси³⁰

Йиллар	ЯИМ жорий нархларда, млрд. сўм	Таккослама нархларда ўсиш суръати, %	Транспорт хизматлари кўрсатиш, млрд. сўм	Ш.ж. ЯИМдаги улуши, %
2007	28186,2	109,5	4618,2	16,4
2008	36839,4	109,0	6691,3	18,2
2009	48097,0	108,1	8373,4	17,4
2010	61831,2	108,5	10031,3	16,2
2011	77750,6	108,3	12350,3	15,9
2012	96589,8	108,2	15253,3	15,8
2013	118986,9	108,0	18127,2	15,2
2014	144867,9	108,1	22163,3	15,3
2015	171369,0	108,0	23816,2	13,9
2016	199325,1	107,8	26465,7	13,3
2017	246925,4	108,6	36217,2	14,7
2017 й. 2007й.га нисбатан, марта	8,8 матага яқин	X	7,8 мартадан ошиқрок	X

ва 18,2 фоиз диапазонини эгаллаган бўлиб, энг кам улуш (13,3 %) 2016 йил ҳисобига, максимал даражадаги улуш (18,2 %) 2008 йилга тўғри келади.

Республика даражасида транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш, инновацион ишланма ва маҳсулотлар асосида модернизациялаш ва соҳа корхоналари фаолиятини диверсификация қилиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар натижалари (самараси) бевосита Самарқанд вилоятимисолида ўз исботини топмоқда. Масалан, 2.5-жадвалда вилоятдаги мазкур тармоқ фаолияти кўрсаткичларининг 2007-2017 йиллардаги динамикаси келтирилган бўлиб, унга кўра жами хизматлар ҳажми 2007 йилда 750,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 6298,6 млрд. сўмга тенг бўлган ёки 11 йилда қарийиб 8,4 марта кўпайган. Шу

жумладан, вилоятда транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича 2007 йилда 153,7 млрд. сўмлик даражага эришилган бўлса, у 2017 йилда 1360,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 8,9 мартакўпайтириш таъминланган.



2.2-чизма. Республикада транспорт хизматлари(логистика хизматларини кўшган ҳолда) кўрсатишнинг ЯИМдаги улуши ўзгариш динамикаси (2007-2017 йилларда, % ҳисобида)

Транспорт корхоналари фаолиятининг самарадорлигига баҳо беришда кўрсатилган хизматлар ҳажми, уларга қилинган сарф-харажатлар ва фойда кўрсаткичлари муҳим рол ўйнайди. Ҳар қандай корхона оладиган фойда нафақат ўзининг хизматини анча юқори нархларда сотишга, балки хизмат кўрсатиш учун қиладиган харажатларни камайтиришга ҳам бевосита боғлиқ. Хизматларни сотиш нархлари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, хизмат кўрсатиш харажатлари корxonанинг хизматни яратиш ва уни кўрсатиш жараёнларини ташкил қилиш тажриба ва маҳоратига боғлиқ. Аммо ҳар қандай хизматни яратиш ва уни кўрсатиш учун маълум сарф харажатлар талаб этилади.

Транспорт хизматлари кўрсатиш харажатларини камайтиришда икки хил ёндашув мавжуд: бевосита транспорт хизматлари кўрсатиш харажатларини ва билвосита транспорт харажатларини камайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш. Уларнинг ҳар бири у ёки бу даражада хизмат кўр-


сатиш таннархига, яъни кўрсатилган бир бирлик хизмат учун сарфланган харажатлар ҳажмига таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай хўжалик юритиш субъекти, шу жумладан транспорт хизмати кўрсатувчи корхона ўз фаолитини ташкил қилиш учун биринчи навбатда ўзида мавжуд бўлмаган тегишли ресурсларни бошқа ишлаб чиқарувчилардан сотиб олишга мажбур. Яъни, у ўзининг ички хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида ташқаридан ресурслар сотиб олади ва пуллик хизматлардан фойдаланади.

Бундан ташқари илгари қурилган ёки сотиб олинган ишлаб чиқариш воситаларини - бинолар, машина, станок, асбоб-ускуналарни ҳам ишла-тади ва зарур муддатлар ва вазиятларда уларни таъмирлашга ҳам харажатлар қилиб турмасдан иложи йўқ. Шунингдек, ижара ҳақи, банклардан олинган қарз учун фоиз ва шунга ўхшаш туловлар ҳам харажатлар талаб қилади.

Шу боисдан харажатлар ташқи ва ички харажатларга бўлинади. Ташқи харажатларга иш кучи, хомашё, ёқилғи, энергия сотиб олиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизматлар учун, шунингдек, солиқ учун тўланган пул киради. Бинолар, асбоб-ускуналар, ижара ҳақи ва бошқа сарфларнинг ҳаммаси ички харажатлар ҳисобланади. Харажатларга, булардан ташқари, тадбиркорнинг меъёрдаги фойдаси ҳам киради. Шундай қилиб харажатлар ўзининг келиб чиқиш манбаларига қараб ҳар хил сарфлардан иборат бўлади. Жумладан, транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилиш ёки қилмаслигига қараб харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади(2.3-чизма).

Умуман олганда хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилмайдиган харажатлар доимий харажатлар, таъсир қиладиган харажатлар эса ўзгарувчи харажатлар тоифаларига киради. Уларнинг суммаси умумий харажатларни ташкил қилади.



2.3-чизма. Транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажмининг ўзгариш таъсирига кўра харажатларнинг туркумлиниши

Иқтисодиётда хўжалик юритиш, маълумки, харажатларни олдинда белгиланган режасиз амалга оширилишини истисно этади, зотан асосий мақсад мавжуд барча асосий воситалар ва айланма маблағлардан тежамкорлик асосида оқилона фойдаланиш орқали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашда муҳим ҳисобланган ички манбани, яъни фойда массасини кўпайтиришни назарда тутати. Бу ҳолатда агар харажатларга нисбатан хизматлар ҳажми тезроқ ўсса ва улар ўзаро манфаатли нархларда амалга оширилса корхона фаолият самарали деб баҳоланади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир харажат турининг меъёрий кўрсаткичларига амал қилиш ҳам тежамкорлик асосида иш юритиш самарадорлигини оширишга хизмат

қилади. Республика миқёсида асосий фаолият турлари бўйича транспорт харажатлари таркиби 2.4-жадвалда акс этирилган.

2.4-жадвал.

Транспорт корхона ва ташкилотларининг харажатлари таркиби (асосий фаолият тури бўйича, млрд. сўм)³¹

№	Кўрсаткичлар номи	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.
1.	Харажатлар жами шу жумладан:	7947,8	8928,4	9259,1	10151,2
2.	моддий харажатлар	2937,0	3556,0	4355,5	4422,6
3.	улардан ёқилги ва энергияга	765,8	935,8	953,3	1131,3
4.	меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	660,6	876,1	996,6	1169,8
5.	ижтимоий суғурта ажратмалари	164,2	237,2	258,7	301,7
6.	асосий воситалар амортизацияси	977,1	1191,6	1378,0	1740,9
7.	бошқа харажатлар	3209,0	3067,4	2270,2	2516,2

Ўзбекистонда транспорт хизматлари харажатларини камайтиришнинг асосий йўналишлари ичида а) транспорт корхоналарида ресурстежамкор альтернатив ёнилғи (электр энергияси) турида ишлайдиган транспорт воситаларини жорий этиш; б) транспорт воситаларини муддатида техник кўриқдан ўтказиш, йўл қурилиши тизимини яхшилаш орқали транспорт воситалари учун сарфланадиган амортизация харажатлари улушини камайтириш; в) ма-лакали ҳайдовчиларни ишга жалб қилиш ва тегишли бошқа йўналишлар.

Таъкидланган йўналишлардан оқилона фойдаланиш асосида Самарқанд вилояти иқтисодиётининг ушбу муҳим соҳасининг асосий кўрсаткичлари ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда (2.5-жадвал).

³¹Ўзбекистонда транспорт ва алоқа. Статистик тўшам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси. Тошкент 2015 й.

**Самарқанд вилоятида иқтисодий фаолият бўйича кўрсатилган хизматлардаги
транспорт хизматлари кўрсатишнинг улуши тўғрисида маълумот³²**

№	Хизмат турлари	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
		йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил	йил
		Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм	Ҳажми млрд. сўм
1.	Хизматлар жами	750,2	1017,8	1338,1	1739,9	2290,5	2995,0	4032,0	4273,1	4847,4	6060,0	6298,6
2.	Транспорт хизматларикўрсати ш жами	153,7	214,2	284,1	346,4	414,5	528,7	695,3	899,2	1018,2	1228,6	1360,5
3.	Транспорт хизматларининг жами хизматлардаги улуши (% да)	18,1	21,0	21,2	19,9	18,1	17,6	17,2	21,0	21,0	20,3	21,6

³²Самарқанд вилояти Статистика Бошқармаси маълумоти асосида, муаллиф ишланмаси.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида йўловчиларга транспорт хизматларини кўрсатиш улуши тобора ошиб бормоқда ва бунда йўловчиларга автомобилда транспорт хизматлари кўрсатиш асосий улушни ташкил қилмоқда (2.6-жадвал).

2.6-жадвал.

Умумфойдаланадиган транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш айланмаси (миллиард йўловчи-километр)³³

№	Кўрсаткичлар	Йиллар							
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1.	Автомобиль	56,7	61,5	66,2	71,0	88,9	95,0	114,9	117,7
2.	Автобус	3,9	3,6	3,7	4,0				
3.	Шаҳар электр транспорти	0,6	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,4	0,5
4.	Темир йўли	2,9	3,0	3,4	3,7	3,7	3,8	4,0	4,3
5.	Ҳаво йўли	5,8	6,3	7,0	7,1	7,0	6,8	6,7	7,5
	Транспорт – жами	66,0	71,3	77,1	82,3	101,1	106,0	126,0	130,0

Масалан, транспорт хизматларини кўрсатишнинг 2010-2017 йиллардаги динамикаси бўйича 2010 йилда бу кўрсаткич автомобиль транспортида 56,7 млрд. йўловчи-километрга тенг бўлган бўлса, 2017 йилга келиб у 117,7 млрд. йўловчи-километрни ташкил этиб, 2010 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда 107,6% га ўсиш бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Лекин, тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, вилоят миқёсида транспорт хизматлари кўрсатиш тизими нисбатан ривожланаётган бўлсада, истиқболда асосий эътиборни асосан вилоят ҳудудлари кесимида аҳоли яшайдиган узок қишлоқлардаги транспорт масаласидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, нархларни дифференциациялаш механизмларидан фойдаланиш транспорт хизматлари кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишига хизмат қилади ва улар қуйидагиларда ўз аксини топган:

³³ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2017 йил.

- транспорт хизматларини кўрсатишда қўшимча имтиёзлар бериш асосида нарх белгилаш.
- транспорт хизматлари кўрсатиш нархларини солиқ имтиёзлари асосида белгилаш.
- транспорт хизматлари чипта нархларини хизмат турининг аҳамиятига қараб ўзгартириш.
- транспорт хизматларига вазият ва шароитлардан келиб чиқиб нарх ўрнатиш.
- транспорт хизматларини кўрсатишда чегирмалар тизими асосида нарх белгилаш.
- транспорт хизматлари кўрсатиш нархларини транспорт тури, даражаси ва қулайликларига қараб табақалаштириш.
- транспорт хизматлари кўрсатиш нархларини хизмат сифати даражаси ва ўз вақтида бажарилишига қараб рағбатлантирувчи тизимни белгилаш.

2.3. Транспорт хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва диверсификациялаш муаммолари ва ечимлари

Ўзбекистонда транспорт хизматлари бозорини шакллантириш Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим таркибий қисми сифатида иқтисодиётни инновацион модернизациялаш самардорлигини ошириш ва барқарор тараққий эттириш борасида устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Стратегия – бу янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир”³⁴. Шундай экан, республикамизда транспорт хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ўзига хос стратегик йўналишлари борки, уларни амалга оширишда хизмат кўрсатишнинг янгиланишлари

³⁴ Ш.Мирзиёев “БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи”, манба: <http://www.sof.uz>

ниш жараёнларини, замонавий техника-технологиялар, инновацион ғоя ва ишланмаларни эътиборга олиш муҳим талаблардан бўлиб ҳисобланади.

Айниқса, транспорт хизматлари бозорини минтақа даражасида, жумладан, Марказий Осиё давлатлари ўртасида ривожланиши янги имкониятларни яратади. Бу борада, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 10 ноябр 2017 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган Халқаро конференцияда таъкидлаганидек, “Давлатларимиз айнан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида ... транспорт-коммуникация ... масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади ... БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги самарали кооперация алоқалари 10 йил мобайнида минтақавий ялпи ички маҳсулотни камида икки баробар ошириш имконини берган бўлар эди.”³⁵ Шундай экан, транспорт хизматлари бозори минтақаларо ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб ва кенгайтириб, янги бизнес муҳитини ривожлантириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Таъкидлаш жоизки, транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспорти хизматларини чуқур таҳлил этиш хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича бир қатор муаммоларнинг ечимини топишга имкон беради. Чунки, бу хизмат ҳаётий зарурият бўлиб, ундан мамлакатимиз аҳолисининг деярли ҳаммаси фойдаланади. Шу туфайли ушбу масалани тартибга солиш ва аҳолига ташиш хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш борасида мамлакатимизда (ишнинг 2.1-бандида келтирилган) бир қанча қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган ва улар маълум бир маънода истиқболда республикамизда транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ҳам муҳим рол ўйнайди деб ҳисоблаймиз. Транспорт хизматлари бозорида истеъмолчиларнинг ўз эҳтиёжларини қондириши ва юқори нафлилиқка эришишида транспорт хизматлари кўрсатувчи корхо-

³⁵Ш.Мирзиёев “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. Манба: uza.uz

налар ўртасидаги рақобат муҳитини кенгайтириш, хизмат турларини диверсификациялаш ва модернизациялашни тақозо этади.

Транспорт хизматлари бозорининг шаклланишини илмий жиҳатдан батафсил ўрганиш учун унинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларига эътибор қаратиш зарур бўлади. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда транспорт хизматлари бозорини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларига кўра, энг асосий тушунчалар сифатида “транспорт хизматлари кўрсатиш”, “хизматлар бозори”, “транспорт хизматлари бозори”га муаллифлик таърифи берилди. Жумладан, транспорт хизмати кўрсатиш, бизнинг фикримизча ҳам, “инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият”³⁶ сифатида характерланади. Муаллиф таърифига кўра, *хизматлар бозори - бу хизмат кўрсатувчилар ва хизматнинг истеъмолчилари ўртасида талаб ва таклиф муносабати асосида сервис хизматини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган бозор муносабатлари мажмуидир. Шунингдек, транспорт хизматлари бозори – бу транспорт хизматлари кўрсатувчи субъектлар ва транспорт хизмати истеъмолчилари ўртасида талаб ва таклиф муносабати нархларида транспорт хизматлари кўрсатиш жараёнида вужудга келадиган бозор муносабатлари мажмуидир.*

Республикаимиз транспорт хизмати бозорида бозор мувозанатини таъминлаш³⁷ энг аввало транспорт хизматларига бўлган талабдан келиб чиқиб шакллантирилади ва қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1. Транспорт хизматини амалга оширувчилар таклифидан келиб чиққан талаб. Бундай талаб транспорт хизматлари бозорида энг муҳим ҳисобланиб, таклиф қилувчилар ва транспорт хизматларини амалга оширувчилар ўрта-

³⁶ Қ.Мирзаев “Агросервис иқтисодиёти”, Тошкент, “Иқтисод-молия”, 2013 йил, 13-бет.

³⁷ Ш.Қобилов “Иқтисодиёт назарияси”, Дарслик, “Ўзбекистон ИИБ Академияси”, Тошкент 2013 й, 402-бет.

сидаги муносабатлар асосида бозор элементлари ва транспорт хизматлари бозор баҳоси шакллантирилади.

2. Транспорт хизматида манфий талаб.³⁸ Агар истеъмолчининг кўпчилик қисми транспорт хизматидан кочадиган бўлса, бунда транспорт хизмат кўрсатиш бозори манфий талаб ҳолатида бўлади. Бундай ҳолатларда транспорт корхоналарининг вазифаси бозорнинг нима сабабдан шу турдаги транспорт хизматини ёқтирмаётганлигини таҳлил қилиб, тегишли ечимлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни ўз фаолиятларига татбиқ этишни тақозо этади.

3. Транспорт хизматида мавжуд бўлмаган талаб. Кўпгина истеъмолчиларда транспорт бозорида мавжуд бўлган хизматлар ёрдамида қондириб бўлмайдиган эҳтиёжлар бўлиши мумкин. Транспорт корхоналарининг вазифаси бундай хизматга хос бўлган хусусиятларни инсоннинг табиий эҳтиёжлари ва истаклари билан боғлаш йўларини топишдир. Агар бозорда талаб бўлмаса уни шакллантириш зарур бўлади.

4. Транспорт хизматида яширин талаб. Кўпгина транспорт соҳасида истеъмолчиларда хизматга эҳтиёж бор-у, лекин унга қизиқмаслиги мумкин. Транспорт корхоналарининг вазифаси бозор сизимида тўғри баҳо бериш ва талабни қондира оладиган самарали транспорт хизматларига қизиқиш ўйғотиш зарур бўлади.

5. Транспорт хизматида камайиб борадиган талаб. Корхонанинг хизмати маълум бир вақт ўтгандан сўнг транспорт хизмати кўрсатиш бозорида ўтмай қолади. Бундай ҳолларда транспорт корхоналарининг асосий вазифаси талабни камайиш тенденциясидан орқага қайтаришдан иборат.

6. Транспорт хизматида номунтазам талаб. Кўпгина транспорт корхоналарида хизматларга талаб нотекис ўзгариб боради. Бу эса корхона ишчиларининг гоҳ бўш қолишига, гоҳ иш кўпайишига олиб келади. Бундай вазиятларда транспорт корхоналарининг вазифаси баҳоларни ўзгартириш, рағбатлан-

³⁸Р.Иброҳимов “Маркетинг”, Дарслик, “Шарқ”, Тошкент 2002 йил, 134-бет.

тириш чораларини кўриш йўли билан талабнинг кескин ўзгаришини таъминлашдан иборат.

7. Транспорт хизматларига тўла қимматли талаб. Транспорт корхоналар ўзларининг юк айланмаси ва йўловчи айланмасидан қониқадиган бўлишса, ана шу тўла қимматли талаб дейилади. Транспорт корхоналарининг мақсади истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига мос келадиган, рақобат кучайиб боришига қарамай, тўла қимматли талаб даражасини сақлаб туришдан иборат.

8. Транспорт хизматида ҳаддан ортиқ талаб. Бунда талаб даражаси транспорт хизматлари бозорида таклиф этилаётган хизматлар билан қондирилмайдиган бўлади. Транспорт корхоналарининг вазифаси талабни вақтинча камайтириш усулини қидириб топиш ва бозор мувозанатини тиклашга эришишдан иборат бўлади.

Республикамизда транспорт хизматлари бозорини алоҳида олинган минтақавий бозор сифатида шаклланишида хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги рақобат муҳити муҳим роль ўйнайди ва бу транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантиришга кучли таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Транспорт ҳар қандай ижтимоий тузумнинг зарур воситаси сифатида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзгариши билан транспорт воситалари ҳам ўзгаради, ривожланади. Транспорт воситаларининг ўсиши умумий ривожланишдан орқада қолганда жамият ривожига тўсиқ бўлади ва бу нарса транспорт воситалари тараққиёти суръатларини жадаллаштириш заруриятини вужудга келтиради.

Умуман олганда барча давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам транспорт хизматлар бозори таркиби шаклланган бўлиб, у қуйидаги чизмада ўз аксини топган(2.4-чизма).



Транспорт хизматлари бозори

2.4-чизма. Транспорт хизматлари бозори таркиби.

Хизматлар бозорини ривожлантиришда ва уни муҳим жиҳатларини ўрганишда турли усуллардан, жумладан, анъанавий таҳлил усулидан фойдаланиш асосида зарурий қиёсий таққослаш амалга оширилади. Шу боисдан ҳам, Самарқанд вилояти транспорт хизматлари бозорининг бугунги кундаги ҳолатини қиёсий таққослаш учун SWOT³⁹ таҳлили усулидан фойдаланилди (2.7-жадвал).

2.7-жадвал.

Самарқанд вилояти транспорт хизматлари бозорини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили⁴⁰

КУЧЛИ ТОМОНЛАР	ЗАИФ ТОМОНЛАР
-Транспорт хизматларини ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар-	- Транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар сонининг талаб даражасида эмас-

³⁹SWOT – стратегик режалаштиришдаги таҳлил усули бўлиб, омил ва ҳодисаларни 4 та гуруҳга ажратишни назарда тутаяди: Strength (Кучли томонлари), Weakness (заиф томонлари), Opportunities (Имкониятлари) ва Threats (Таҳдидлар). SWOT акроними илк бор 1963 йилда АҚШнинг Гарвард университетида бизнес-сиёсати бўйича анжуманда профессор К.Эндрюс томонидан киритилган.

⁴⁰ Муаллиф ишланмаси.

<p>нинг яратилганлиги ва молия-кредит имтиёзларининг мавжудлиги;</p> <ul style="list-style-type: none"> - Республикада транспорт хизматларининг мижозга ўз вақтида кўрсатилиши учун барча қулайликларнинг яратилганлиги; - Ўзбекистонда транспорт хизматлари кўрсатишнинг модернизациялашуви ва диверсификациялашуви асосидаги Ҳаракатлар Стратегиясининг шакллантирилганлиги; - Транспорт хизмати кўрсатиш бозорида турли рақобатчиларнинг мавжудлиги ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қулай имкониятларнинг яратилганлиги; - Транспорт хизмати кўрсатиш бозорида корхоналарнинг ўз хизмат кўрсатиш талаби ва таклифига эга бўлиши. 	<p>лиги;</p> <ul style="list-style-type: none"> - Транспорт хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг экология талабларига етарли даражада жавоб бермаслиги ва зарарсизлантирувчи ускуналарнинг етишмаслиги; - Транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган хизматлар нархларининг мижозлар эҳтиёжини қондирмаслиги ва ўзгарувчанлиги; - Транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг доимий тарзда транспорт воситаларини янгилаб туриш мажбуриятини етарли даражада бажара олмаслиги; - Транспорт хизматларини кўрсатишда хавфсизлик талабларининг етарли даражада қондирилмаслиги ҳамда суғурталашнинг зарурлиги; - Транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарни лицензиялашдаги муаммолар.
ИМКОНИАТЛАР	ТАҲДИДЛАР
<ul style="list-style-type: none"> - Ҳукумат томонидан транспорт хизматларини амалга оширишнинг қонуний асослари мавжудлиги ва уларга устуворлик берилганлиги; - Транспорт хизмат кўрсатувчи техникаларнинг янгиланиш даражасининг юқорилиги; - Транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг ҳамда стратегиясининг ишлаб чиқилганлиги; - Транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналарга имтиёзли солиқ ва банк кредитлари асосида молиялаштиришнинг юқори имкониятларини яратилганлиги; - Транспорт инфратузилмасини ривожлантирилиши шаҳар ва қишлоқ жойлари тараққиётини белгиловчи муҳим тенденция сифатида шакллантирилганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - Транспорт хизмати кўрсатиш нархларининг ўзгаришидаги номутаносибликлар; - Транспорт хизматлари бозорида сифатсиз хизматдан кўриладиган зарар хавфининг юқорилиги; - Ташқи омиллар таъсирида транспорт хизматларини ўз вақтида бажаришнинг кафолатланмаганлиги; - Транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликдаги ўзгаришлардан келадиган хавфларнинг мавжудлиги; - Транспорт хизмати кўрсатишда йўл-транспорт хавфларининг юқорилиги.

Автомобиль транспорти хизматлари бозоридаги талабни аниқлашда, ялпи бозор талабини ҳисоблаш муҳим аҳамият касб этади ва бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади.

$$Q = n \times g \times p, \quad (2.1)$$

бу ерда Q – ялпи бозор талаби, n – бозордаги мижозлар сони, g – транспорт хизматларига бир нафар мижознинг ўртача йиллик талаби, p – бир birlik хизматнинг ўртача нархи.

Таъкидлаш жоизки, транспорт хизматлар бозорида рақобатчилик муҳити шаклланган ҳолатдагина юқори транспорт хизматлари самарадорлигига эришиш мумкин. Шунинг учун бугунги кунда рақобатчилик омилини кучайтириш учун хизмат кўрсатувчи транспорт корхоналари сонини ошириш, хизматлар сифатини яхшилаб бориш, қулай бозор муҳитини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари кўрсатишда транспорт воситаларини модернизациялаш бўйича Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Самарқанд вилоят бўлими маълумотларига кўра, 2011 йилдан 2016 йилгача бўлган вақтда Самарқанд вилоятидаги транспорт корхоналари томонидан 2011 йилда 93 дона автобус ва микроавтобус, 2013 йилда 88 дона автобус ва микроавтобус, 2014 йилда 106 дона автобус ва микроавтобус, 2015 йилда 47 автобус ва микроавтобус харид қилинган ҳамда 63 та иш ўрни яратилган, 2016 йилда эса 4 дона автобус ва микроавтобус харид қилинган ҳамда 4 та иш ўрни яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Самарқанд вилоятида янги автобусларни харид қилиш бўйича 2017 йил 8 сентябр ҳолатига 24 дона замонавий автобус ва микроавтобуслар харид қилинган.

Умуман олганда, мамлакатимизда транспорт хизматлари бозорини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқадиган асосий концептуал йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Транспорт хизматлари кўрсатишнинг миллий иқтисодий ривожлантириш барқарорлигини таъминлашдаги ўрнини ошириб бориш.

2. Транспорт хизматлари кўрсатиш ижтимоий инфратузилмасининг ривожланиши учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш.
3. Транспорт хизматлари турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш мақсадида диверсификация қилиш тадбирларини кучайтириш.
4. Транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва монополияни бартараф этиш учун тизимли ишларни амалга ошириш.
5. Транспорт хизматларини кўрсатишда меҳнат унумдорлигини оширувчи замонавий технология ва ускуналардан фойдаланишни кучайтириш.
6. Транспорт хизмати кўрсатишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштиришга устуворлик бериш.
7. Транспорт хизмати кўрсатишда энергия тежайдиган ва ресурсте-жамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда, хизмат кўрсатишни юқори сифат даражасига кўтаришга эришиш.
8. Республикада транспорт хизматлари экспортини кучайтиришга устуворлик бериш.

Бинобарин, республикада транспорт хизматлари бозорининг келгу-сидаги изчил тараққиёти Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилганидек, хизмат кўрсатувчилар ўртасида бозор талаб ва таклифи, рақобатчилик муҳи-ти асосида шаклланадиган иқтисодий муносабатлар даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда, ижтимоий инфратузилманинг муҳим бўғинларидан бири, транспорт хизматлари инфратузил-маси алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада давлатимиз Президенти таъкид-лаганидек, “Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда...йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини куриш ва реконструкция қилиш ишлари

юқори суръатлар билан олиб борилди”⁴¹. Республикамизда транспорт хизматлари кўрсатишни замонавий асосда ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири кластер ёндашуви ҳисобланади ва унинг асосий бўғинлари бўлиб, транспорт хизмати истеъмолчилари, транспорт хизмати субъектлари ва транспорт хизматини таъминловчилар ҳисобланишади (2.5-чизма).



2.5-чизма. Самарқанд ҳудудий транспорт хизматлари кластери.

Ҳудудий транспорт хизматлари кластерининг марказий бўғини бўлиб транспортда юк ва йўловчи ташишни амалга оширувчи субъектлар ҳисобланади ва улар қуйидаги асосий функцияларни бажаришга масъулдирлар:

- истеъмолчи ва назорат қилувчи кластер бўғинларининг талаб ва таклифидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларини замонавийлаштириш;

⁴¹И.А.Каримов “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”, Халқ сўзи, 18 январь 2014 йил.

- йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш, транспорт хизматлари сервисини кенгайтириш;

- техника ва технологияларни жорий этишда ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш, таъмирлаш базасини ривожлантириш, ҳаракат воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича инвестиция дастурларини шакллантириш;

- йўловчилар ва юкларни шаҳарларда, шаҳарлараро, вилоятлараро ташишни таъминлашда транспорт корхоналари фаолиятини кластер асосида мувофиқлаштириш.

Бундан ташқари, транспорт кластери ядроси тизимида логистика марказлари ҳам транспорт хизмати субъектлари бўлиб ҳисобланади. Улар юкларни ташиш, қабул қилиш, сақлаш, жўнатиш ва етказиб бериш каби логистик хизматларни амалга оширишни назорат қилади. Ҳозирги пайтда кенг тарқалган хизматлардан бири бу телефон орқали буюртма олиш хизматларидир. Бу транспорт хизматлари ҳам транспорт хизмати субъектлари томонидан амалга оширилиб, турли хилдаги йўловчи ёки юк ташиш хизматларини тезкор, арзон ҳамда сифатли бажариш имкониятини яратади. Транспорт хизматлари ҳудудий кластерида транспорт хизматлари кўрсатишни таъминловчиларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Бунда асосий буюртмачи сифатида Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги республикамиздаги барча йўловчи ва юк ташиш транспорти хизматларини амалга ошириш жараёнидаги муносабатларни тартибга солиб туради. Ўз ваколатлари доирасида транспорт кластерида Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилган:

- транспорт воситаларида йўловчилар ва юк ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

- йўловчилар ва юк ташиш йўналишларини тендер асосида амалга ошириш механизмини жорий этиш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун фаолият кўрсатишнинг тенг шарт – шароитларини яратиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида транспортда йўловчиларни ташишнинг халқаро ва вилоятлараро йўналишларини тасдиқлаш;

- транспортда ташувчилар фаолиятини лицензияланишни ташкил этиш ҳамда транспорт соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш;

- транспорт соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда транспортнинг халқаро ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклидаги транспорт корхоналари фаолияти натижаси уларнинг мижозларга сифатли ва арзон транспорт харажатлари билан хизмат кўрсатишларига боғлиқдир. Шу билан бирга бу соҳада тадбиркорлик фаолияти ошқоралиги давлат томонидан тегишли воситалар билан тартибга солиб турилмаса, ҳудудий кластернинг ишлашига ҳалақит беради ва иқтисодий самарадорлигини пасайтиради. Шу боисдан, хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳудудий транспорт кластери самарадорлигини таъминлаш, жамият ва аҳоли манфаатларига мос ҳолда ривожлантириш давлат қонунлари, ҳуқуқий ҳамда тариф – солиқ, аввало лицензиялаш механизмлари билан тартибга солинади. Жумладан, автомобиль транспортида лицензиялаш ташиш, транспорт – экспедицион ва бошқа транспорт жараёни билан боғлиқ фаолиятларни давлат томонидан тартибга солиш механизмларидан бири бўлиб, унинг мақсади ҳудудий транспорт хизмати кластерида истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда ташиш, транспорт хизматлари бозорини меъёрлар асосида йўлга қўйиш, монополияга қарши қонунлар бажарилишини назорат қилиш, ҳаракат

хавфсизлиги ва автомобил транспортини ишлатишдаги экология талаблари бажарилиши устидан давлат назоратини таъминлашдир.

Республикамизда ҳудудий транспорт кластерининг кейинги тараққиёти транспорт хизматини амалга оширувчининг талаби ўзгаришига бевосита боғлиқ бўлади. Аҳоли, хусусий корхоналар, давлат корхоналари ҳамда чет эл корхоналари транспорт хизмати истеъмолчилари ҳисобланади. Ҳудудий транспорт хизмати кластеридаги муҳим жиҳатлардан бири бу – истеъмолчилар ҳамда транспорт хизмати субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳисобланади. Ўз навбатида, бу транспорт хизмати субъектлари ҳамда транспорт хизмати таъминловчиларнинг ўзаро муносабатларининг алоқадорликда бўлишини тақозо этади.

Умуман олганда, транспорт хизмати кўрсатишда кластерли ёндашиш натижасида мазкур соҳа тизимли равишда иқтисодий-ижтимоий самарадорликка, хизматларнинг хилма-хиллигига - диверсификациялашга эришилади. Энг муҳими, ҳудудий транспорт кластер тизими субъектлар ўртасидаги алоқаларни уйғунлаштишга ҳамда ягона транспорт хизмати тизимининг яратилишига олиб келади. Зотан, тадқиқотларимизнинг гувоҳлик беришича, ҳудудий транспорт хизматлари кластери транспорт хизматларини ривожлантиришда қуйидаги имкониятларни яратади ва кенгайтиради:

биринчидан, республика транспорт хизматлари бозорига соҳадаги барча ресурслар(иқтисодий, молиявий, интеллектуал ва б.лар)ни жалб қилиш ва барча транспорт хизмати кўрсатишга таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш учун замин яратади;

иккинчидан, транспорт хизмати кўрсатувчи субъектлар ва хизматлар истеъмолчилари, назорат қилувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни тизимлаштириш, улар даромадларини ошириш йўлларини кўрсатиб беради;

учинчидан, давлат томонидан транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича аниқ механизмларни яратиш беради;

тўртинчидан, транспорт хизматлари кўрсатиш субъектларининг хизмат кўрсатиш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш ҳамда уларни яхлит бир тизим шаклида узлуксиз ва самарали ривожлантириш имкониятларини белгилаб беради.

II - БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Транспорт хизматлари кўрсатишнинг умумий ҳажмида йўловчиларга транспорт хизматлари кўрсатишнинг улуши ошиб, бу жараёнда автомобилда хизматлар кўрсатишнинг улуши юқориликка қолмоқда. Транспорт хизматларини кўрсатишнинг 2010-2017 йиллардаги динамикасига кўра 2010 йилда бу кўрсаткич 56,7 млрд. йўловчи-километрга тенг бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 117,7 млрд. йўловчи-километрни ташкил этиб, 2010 йилдан 2017 йилгача бўлган давр ичида 107,6% га ўсган.

2. Транспорт соҳасини ислоҳ қилиш, уни инновацион ривожлантириш, транспорт хизматлари истеъмолчиларининг эҳтиёжларини кам харажат эвазига сифатли қондириш каби истиқболли вазифаларни амалга оширишда ихтисослашган кластерлар муҳим рол ўйнайди. Транспорт хизматлари ҳудудий кластерида транспорт хизмати кўрсатишни таъминловчиларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Бунда асосий буюртмачи сифатида Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги республикамиздаги барча йўловчи ва юк ташиш транспорти хизматини амалга ошириш жараёнидаги муносабатларни тартибга солиб, тизимдаги барча иштирокчиларнинг манфаатларини мувофиқлаштириб туради.

3. Хизматлар бозорини ривожлантириш ва унинг муҳим жиҳатларини ўрганишда турли усуллардан, жумладан, анъанавий таҳлил усулидан фойдаланиш асосида зарурий қиёсий таққослаш амалга оширилади. Шу талабдан келиб чиққан ҳолда Самарқанд вилояти транспорт хизматлари бозорининг бугунги кундаги устунлик ва афзалликлари, заиф жиҳатлари, имкониятлари

ҳамда унга нисбатан таҳдидларни қиёсий таққослаш учун SWOT таҳлили усулидан фойдаланилди. SWOT усули натижалариистикболда транспорт хизматлари бозорини ривожлантиришнинг кучли томонлари, имкониятлари, заиф томонлари ва таҳдидларини комплекс таҳлил қилишга асосида транспорт тизимидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоратадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

4. Республикамиздаги транспорт хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш пировардида ушбу хизматлар кўрсатишнинг самарадорлиги билан баҳоланади ва бунда унинг муҳим асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳисобланади. Шу жумладан, республикамизда транспорт хизматларини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг концептуал асослари қуйидагилар ҳисобланади: биринчидан, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш асосида транспорт хизматларининг ўрнини ошириш; иккинчидан, таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш жараёнида арзон ва сифатли транспорт хизматларини шакллантириш; учинчидан, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштиришда транспорт соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва, тўртинчидан, вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишни йўлга қўйиш масалаларида транспорт хизматларини ривожлантириш.

III-БОБ. ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш стратегиясининг ташкилий – иқтисодий асослари ва моделлари

Мамлакат иқтисодиётини юксак даражада тараққий эттиришни транспорт соҳаси ва транспорт хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш муаммолари ҳал этмасдан амалга ошириш мураккаб эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки, транспорт мамлакат иқтисодиётини олдинга етакловчи муҳим таркибий тузилма ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, транспорт тизимини ривожлантириш стратегиясини, унинг асосий йўналишларини, ташкилий-иқтисодий ва концептуал асосларини ишлаб чиқишда республикамизнинг истиқболли тараққиётини белгиловчи муҳим соҳалардан бири сифатида транспорт хизматларини тўғри ташкил этиш ва уни ривожлантириш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, транспорт хизмати кўрсатиш жараёни алоҳида олинган соҳа сифатида бир қатор олим-мутахассислар томонидан назарий жиҳатдан ўрганилган ва уларнинг ушбу жараёнга ўз қарашлари баён этилган. Жумладан, “...транспорт жараёнини ташкил қилиш дейилганда, корхоналар ишлаётган (фаолият кўрсатаётган) регион иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда юк ва йўловчилар оқимини ўрганиш, мижозлар билан шартнома тузиш, ҳамма шароитларни ҳисобга олиб, юк ва йўловчиларни ташиш, юк ортиш, тушириш, йўловчиларни чиқариш, туширишни ташкил қилишга қаратилган фаолият тушунилади” деган фикрлар мавжуд⁴².

Шу боисдан, бизнинг фикримизча ҳам, бугунги кунда республикамизда транспорт хизмати кўрсатиш тизимини иккита катта гуруҳга ажратган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Мутахассисларнинг фикрига кўра, биринчи

⁴² Р. Аҳмедов “Автотранспортда менежмент”. Ўқув қўлланма, Наманган – 2001 й., 8-9 бетлар.

гуруҳ транспорт хизматлари бу йўловчи ташиш хизмати кўрсатиш соҳаси бўлиб, республикамизда бу борада кейинги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг барча минтақаларига йўловчи ташиш бўйича хизмат кўрсатиш жараёни йўлга қўйилганлиги ҳамда бирорта бундай хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмаган аҳоли ҳудуди мавжуд эмаслиги, шунингдек бу борада бир қатор ривожланаётган давлатлардан илгарилаб кетганлиги халқаро экспертлар томонидан эътироф этилган. Иккинчи гуруҳ транспорт хизмати кўрсатиш – бу юк ташиш хизмати бўлиб, бу жараён мамлакатимизда икки тизимда – ички юк ташиш транспорти хизмати ҳамда ташқи юк ташиш (халқаро ва транзит) транспорт хизмати шаклида ривожлантирилмоқда. Аммо, бу борада республикамизда амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор стратегик аҳамиятга молик вазифалар мавжудлиги таъкидлаш жоиздир.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда бу тармоқдаги мавжуд ички имкониятларни очиб беришда хизмат кўрсатишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни бир тизимга келтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Уларни бевосита ва билвосита таъсир кўрстувчи омилларга ажратган ҳолда, лекин, уларнинг ўзаро уйғунликдаги ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, бевосита таъсир этувчи омилларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин. Булар иқтисодий, ташкилий – ҳуқуқий ҳамда техник – технологик омиллардир.

Транспорт хизмати кўрсатишга таъсир этувчи иқтисодий омиллар бу – транспорт хизмати самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлангандир. Бундай омиллар кўрсатилаётган йўловчилар ва юкташиш хизматлари нархларининг ўзгариши, транспорт хизматини кўрсатишга ажратиладиган молиявий маблағлар (қисқа ва узоқ муддатли кредитлар) миқдори, бир бирлик юк ташиш ва йўловчи ташиш хизмат турининг таннархи ва бошқа шу кабилар ҳисобланади.

Транспорт хизматини кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгиловчи омилларни таҳлил қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, улар бугунги кунда транспорт хизмати кўрсатувчи субъектлар ташкилий шакллари (уюшма, ассоциация, фирма) иқтисодий асосланганлигини аниқлаш, ҳукумат томонидан транспорт хизмати кўрсатиш тизими таркибий субъектларининг манфаатларини ҳисобга олувчи ва ҳимоя қилувчи ҳуқуқий-меъёрий асосларини иқтисодий жиҳатдан асослаш, хизматларни лицензиялаш тизимини соддалаштириш ва суғурталаш тизимини ривожлантириш каби йўналишларни киритиш мумкин.

Шу билан бирга, республикада транспорт хизматини кўрсатиш ва унинг самарадорлигини оширишда техник – технологик омилларнинг алоҳида ўрни мавжуд. Айниқса, бундай омиллар хизмат кўрсатувчи техник воситаларни истеъмолчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо этади. Техник – технологик омилларнинг шаклланишида транспорт хизмати кўрсатишда янги техника русумларини жалб этиш, айниқса бунда йўловчи ташиш транспорти хизматига ривожланган давлатларда жорий этилган янги русумли йўловчи ташиш техникаларини олиб келиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, юк ташишда замонавий юк ташувчи, истеъмолчига қулай ҳамда хавфсизлигига кафолат берувчи, ортиқча сарф харажатларни (ёқилғи сарфи бўйича) талаб қилмайдиган техник воситаларини жалб этиш, техникаларни бутловчи қисмларини келтирувчи ҳамда тегишли манзилда уларга хизмат кўрсатувчи автосервис инфратузилмасини ривожлантириш ва кемпинг тизимларини йўлга қўйиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миллий транспорт хизматларининг ривожланиш истиқболини белгиловчи прогноз кўрсаткичларини ватранспорт хизматлари кўрсатишга бўлган истиқболли талабни аниқлаш учун ишлаб чиқиладиган моделнинг статистик танланмасига 2007-2017 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишни акс эттирувчи тегишли макроиқтисодий кўрсаткичлар асос қилиб олинди(3.1-жадвал).

3.1-жадвал

Эконометрик таҳлилда фойдаланилган кўрсаткичлар тизими

Кўрсаткичлар		2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
1	Транспортдаги йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км.	56,5	64,6	71,2	77,2	82,4	89,7	94,6	100,1	106,0	126,0	130,0
2	Транспорт хизматлари кўрсатиш жами, млрд. сўм	4618,2	6691,3	8373,4	10031,3	12350,3	15253,3	18127,2	22163,3	23816,2	26465,7	36217,2
3	Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	28186,2	36839,4	48097,0	61831,2	77750,6	96589,8	118986,9	144867,9	171369,0	199325,1	246925,4
1	Транспортда ташилган пассажирларнинг умумий сони (млн. киши)	4631,6	5260,0	5697,3	6045,3	6341,8	6744,3	6988,0	7335,3	7598,2	5560,4	5679,0
2	Хизматлар кўрсатиш жами, млрд. сўм	14058,8	19292,0	25472,7	32749,8	40951,5	51121,1	65524,2	81901,0	89326,3	90991,7	116795,7
3	Транспорт хизматлари асосий капиталига киритилган инвестициялар, млрд. сўм	920,10	1758,10	3470,10	3529,60	2851,00	3385,10	4351,80	4196,40	4416,37	4647,86	6369,00
4	Транспорт хизматларидаги пуллик хизматлар ҳажми, млрд. сўм	893,80	1167,40	1525,90	2090,30	2687,30	3475,70	4733,10	5686,70	7406,48	9646,36	
5	Транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг ўртача йиллик сони, минг киши	168,5	172,4	165,3	164,0	163,7	159,1	162,5	174,4	176,3	175,2	198,3
6	Транспорт воситаларини ишлаб чиқариш, дона	191662	199207	207050	220313	224483	239906	251345	250709	190510	92738	145226

Бунда натижавий кўрсаткичлар ҳисобланган “транспортдаги йўловчи айланмаси”, “транспорт хизматлари кўрсатиш жами” ва “ялпи ички маҳсулот”ларга танланмага киритилган омилларнинг таъсир этиш даражаси аниқланди (статистик танланмада кузатувлар сони $n=99$, омиллар сони $k=9$). Бу борада ҳудудий транспорт хизматлари кўрсатиш бозорининг реал ривожланиш ҳолатини таҳлил қилишнинг энг самарали услуби, омилларнинг корреляция-регрессия таҳлили усуллари ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан бири транспорт хизматлари кўрсатишда талабнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш асосида ҳудудий транспорт хизматлари кўрсатиш бозорида истиқболли талабни аниқлашдир. Шу мақсадда, Т.Д.Бурменко, М.А.Вахрушина, В.П.Бычков, Д.А.Дубровский, В.Е.Рыбалкин, И.И.Жуманов, М.К.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев каби хорижий ва мамлакатимиз олимларининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, бунда математик-статистик моделлар, корреляция-регрессия усуллари кўллаш ишланмаларига асосланган.

Натижавий кўрсаткичларларга таъсир этувчи аҳамиятли омилларни аниқлашда кўп омилли чизиқли регрессия тенгламаси асосида кўп ўлчовли регрессия назариясида кўлланиладиган куйидаги моделдан фойдаланилди:

$$y = \hat{y}(x) + \varepsilon, \quad \hat{y}(x) = a_0 + \sum_{i=1}^k a_i x_i \quad (3.1)$$

бунда: $\hat{y}(x) - x_1, x_2, \dots, x_k$ омилларга боғлиқ бўлган ўзгарувчи; ε эса $M\varepsilon = 0$, $D\varepsilon = \sigma^2$ бўлган тасодиқий миқдор; $a_0, a_1, a_2, \dots, a_k$ номаълум регрессия коэффицентлари бўлиб, $y_j, x_{1j}, x_{2j}, \dots, x_{kj}, j = 1, \dots, n, n > k + 1$ танланма асосида баҳоланади; k – натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар сони; n – кузатувлар сони.

Таҳлилда регрессия тенгламасининг номаълум параметрлари a_0, a_1, a_2, a_k ни аниқлашда немис олими К.Ф.Гаусс (1794-1795й.) ва француз математиги

А.Лежандр (1805-1806й.) томонларидан таклиф этилган “энг кичик квадратлар” усулидан фойдаланилди. Кўп ўлчовли регрессияни ўрганиш бир ўлчовли регрессия каби олиб борилади, яъни энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилади, яъни:

$$Q^2 = \sum_{j=1}^n (y_j - a_0 - \sum_{i=1}^k a_i x_{ji})^2 \rightarrow \min, \quad (3.2)$$

Олдин критик нуқталарни топамиз:

$$\frac{\partial Q^2}{\partial a_0} = -2 \sum_{j=1}^n (y_j - a_0 - \sum_{i=1}^k a_i x_{ji}) = 0, \quad (3.3)$$

$$\frac{\partial Q^2}{\partial a_\ell} = -2 \sum_{j=1}^n (y_j - a_0 - \sum_{i=1}^k a_i x_{ji}) x_{j\ell} = 0, \quad \ell = 1, 2, \dots, k \quad (3.4)$$

Шундай қилиб, регрессиянинг $k+1$ та параметри баҳоларини топиш учун $k+1$ нормал тенглама тузилади:

$$n \tilde{a}_0 + \sum_{i=1}^k \left(\sum_{j=1}^n x_{ji} \right) \tilde{a}_i = \sum_{j=1}^n y_j, \quad (3.5)$$

$$\left(\sum_{j=1}^n x_{ji} \right) \tilde{a}_0 + \sum_{i=1}^k \left(\sum_{j=1}^n x_{ji} x_{j\ell} \right) \tilde{a}_i = \sum_{j=1}^n y_j x_{j\ell}, \quad \ell = 1, 2, \dots, k, \quad (3.6)$$

Агар \tilde{a}_0 ни биринчи тенгламадан топиб $\tilde{a}_0 = \bar{y} - \sum_{i=1}^k \tilde{a}_i \bar{x}_i$ қолган тенгла-

маларга қуйсак, k та параметрлар учун қуйидаги k та тенгламалардан иборат системага келамиз:

$$\sum_{i=1}^k \left(\sum_{j=1}^n (x_{ji} - \bar{x}_i)(x_{j\ell} - \bar{x}_\ell) \right) \tilde{a}_i = \sum_{j=1}^n y_j (x_{j\ell} - \bar{x}_\ell), \quad \ell = 1, 2, \dots, k, \quad (3.7)$$

Бу тенгламалар системасини ечиб, $\tilde{a}_1, \tilde{a}_2, \dots, \tilde{a}_k$ ларни топамиз ва

$\bar{y}(x) = \tilde{a}_0 + \sum_{i=1}^k \tilde{a}_i x_i$ ни ҳосил қиламиз. Топилган $\tilde{a}_0, \tilde{a}_1, \tilde{a}_2, \dots, \tilde{a}_k$ баҳолар

$a_0, a_1, a_2, \dots, a_k$ регрессия коэффицентлари учун асосли баҳолар бўлади.

Шундай қилиб, “у” натижавий кўрсаткичнинг x_1, x_2, \dots, x_k омилларига боғлиқлигини кўрсатувчи эконометрик ифодани “энг кичик квадратлар” усули ёрдамида аниқлаш масаласини олдимизга мақсад қилиб қўямиз.

Кўп омилли корреляцион боғланишнинг хусусияти шундаки, унинг регрессия тенгламасида бир неча муҳим омиллар иштирок этади. Улардан энг аҳамиятлисини тўғри танлаш ва уларни регрессия тенгламасига киритиш муҳим ҳисобланади. Омилларни танлаш сифат жиҳатдан назарий таҳлил қилишга асосланади ва уч босқичда ўтказилади: биринчи босқичда (дастлабки таҳлилда), омиллар ҳеч қандай шарт қўйилмасдан танланади; иккинчи босқичда, улар жуфт корреляция коэффицентларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинади. Бунинг учун x_1, x_2, \dots, x_k белгилар ўртасидаги жуфт корреляция коэффицентларининг матрицаси тузилади; учинчи босқичда, регрессия тенгламаси аниқланади ва ундаги параметрларнинг аҳамиятли бўлиши ёки бўлмаслиги махсус мезонлар билан баҳоланади. Қайси омилларни регрессия тенгламасига киритиш лозимлигини аниқлаш учун омиллар ўртасидаги жуфткорреляцион коэффицентлар матрицасини тузамиз (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Омилларнинг ўзаро жуфт корреляцион коэффицентлар матрицаси

	X6	X3	X5	X4	X2	X1	Y1
X6	1,000	-0,096	-0,741	-0,407	-0,108	-0,776	-0,044
X3	-0,096	1,000	-0,093	-0,271	-0,272	0,089	0,162
X5	-0,741	-0,093	1,000	0,405	0,059	0,538	0,127
X4	-0,407	-0,271	0,405	1,000	0,608	0,715	-0,739
X2	-0,108	-0,272	0,059	0,608	1,000	0,479	-0,929
X1	-0,776	0,089	0,538	0,715	0,479	1,000	-0,485
Y1	-0,044	0,162	0,127	-0,739	-0,929	-0,485	1,000

Омиллар ўртасидаги жуфткорреляцион коэффицентларни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$r_{ij} = \frac{(\sum x_i x_j - \sum x_i \times \sum x_j / n)}{\sqrt{(\sum x_i^2 - (\sum x_i)^2 / n)(\sum x_j^2 - (\sum x_j)^2 / n)}} , i, j = \overline{1, k} \quad (3.8)$$

Барча $i = j = \overline{1, k}$ лар учун $r_{ii} = 1$ эканлигини кўриш мумкин.

Бунда $r_{ij} x_i$ ва x_j омиллар ўртасидаги жуфт корреляция коэффициентидир. Агар иккита омилнинг жуфт корреляция коэффициентининг (r_{ij}) мутлақ қиймати бўйича унинг критик қийматидан (r_{kp}) катта бўлса ($r_{ij} > r_{kp}$), у ҳолда ушбу омиллар ўртасидаги чизикли корреляцион боғланиш кучли ҳисобланади. Одатда, кучли корреляцион боғланиш сифатида унинг критик қиймати $r_{kp} = 0,7$ олинади.

Маълумки, кўп омилли регрессия тенгламасида ўзаро кучли чизикли корреляцион боғланган омиллар бир вақтда иштироқ этмаслиги керак. Чунки улар бир-бирини маълум даражада такрорлаб, регрессия тенгламаси параметрларини нотўғри ҳисоблашга сабаб бўлади. Критик қийматдан (r_{kr}) катта бўлган ўзаро кучли боғланган y_1, x_4, x_2 ҳамда x_1, x_6, x_5 омилларнинг мавжудлиги сабабли биз x_1, x_6 ва y_1 омилларни регрессия тенгламасидан чиқаришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Корреляция-регрессия усули ёрдамида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таҳлил қилишнинг энг муҳим босқичи натижавий кўрсаткичнинг танлаб олинган омилларга боғлиқлигини тавсифловчи эконометрик ифодани танлашдан иборатдир. Тузилган эконометрик ифоданинг сифати, аҳамиятлиги ва ишончлилиги асосан қуйидаги учта мезонлар асосида баҳоланади:

1) эконометрик моделнинг умумий сифати кўп омилли корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳоланади;

2) эконометрик моделларнинг аҳамияти Фишер мезони ва аппроксимация хатолиги ёрдамида баҳоланади;

3) эконометрик модел параметрларининг аҳамияти Стьюдент мезони ёрдамида баҳоланади.

Аниқланган регрессия тенгламасининг умумий сифатини аниқлашда детерминация коэффицентидан (R^2) фойдаланилиб, мазкур кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$R^2 = 1 - \frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \hat{y}_i)^2}{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}, \quad (3.9)$$

бунда:

y_i - натижавий кўрсаткичнинг кузатилган миқдорлари;

\bar{y} - натижавий кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати;

\hat{y} - натижавий кўрсаткичнинг аниқланган, прогнозлаштирилган, текисланган миқдорлари; n – кузатувлар сони.

Детерминация коэффицентини аниқлаш модели кўрилаётган омилларнинг таъсирида олинган натижада ўзгарувчи дисперсиясининг улушини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу кўрсаткич “0” ва “1” оралигидаги қийматларда акс эттирилади. Унинг миқдори “1” қийматига қанчалик яқин бўлса, регрессия тенгламасига киритилган омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсир даражасининг юқорилигини асослаб беради.

Аниқланган модель аҳамиятлилигининг таҳлили “нолга тенг гипотеза”ни текшириш орқали амалга оширилади. “Нолга тенг гипотеза” $H_0: \beta_1' = \beta_2' = \dots = \beta_k' = 0$ тарзида акс эттирилиб, регрессия коэффицентининг умумий аҳамиятини ифодалайди. Агар таҳлил натижалари “нолга тенг гипотеза”ни рад этмаса, у ҳолда: “ x_1, x_2, \dots, x_k омилларнинг натижавий кўрсаткич “у”га таъсири аҳамиятсиз, регрессия тенгламасининг умумий сифати паст”, деб хулоса қилинади. “Нолга тенг гипотеза”ни текшириш дисперсион таҳлил ёрдамида амалга оширилади ҳамда “нолга тенг гипотеза” $H_0: D_{\text{факт}} = D_{\text{колд}}$ га қарши альтернатив гипотеза $H_1: D_{\text{факт}} > D_{\text{колд}}$ тарзида ифодаланади. Ушбу гипотезаларни текшириш учун F - Фишер мезонидан фойдаланилади.

Бу мезоннинг ҳақиқий қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$F = \frac{\sum_{i=1}^n (\hat{y}_i - \bar{y})^2 / k}{\sum_{i=1}^n (y_i - \hat{y}_i)^2 / (n-k-1)} = \frac{R^2}{1-R^2} \times \frac{(n-k-1)}{k}, \quad (3.10)$$

бунда:

$\sum_{i=1}^n (\hat{y}_i - \bar{y})^2 / k$ – битта эркинлик даражасига тўғри келувчи омилли дисперсия (эркинлик даражалари сони $\gamma_1=k$);

$\sum_{i=1}^n (y_i - \hat{y}_i)^2 / (n-k-1)$ – битта эркинлик даражасига тўғри келувчи қолдиқ дисперсия (эркинлик даражалари сони $\gamma_2=n-k-1$);

n – кузатувлар сони;

k - кўп омилли регрессия тенгламасидаги омиллар(параметрлар) сони.

F - Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати ($F_{\text{ҳақиқий}}$) мезоннинг критик ($F_{\text{жадвал}}(\alpha; k; n-k-1)$) қиймати билан таққосланади. Агар $F_{\text{ҳақиқий}} > F_{\text{жадвал}}$ бўлса, у ҳолда аниқланган модел аҳамиятли ҳисобланади.

“Нолга тенг гипотеза”ни текширишда фойдаланиладиган мезонларлан яна биттаси “ P -қиймат” ҳисобланади. “ P -қиймат”нинг миқдори белгиланган “0,05” қийматидан кам бўлса: “Нолга тенг гипотезани рад этиш мумкин”, – деб хулоса қилинади ҳамда аниқланган модель аҳамиятли ҳисобланади. Бизнинг мисолимизда “ P -қиймат”= $2,1 \times 10^{-53}$ бўлиб, моделга киритилган омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсири аҳамиятли ҳисобланади.

Таҳлилда кўп омилли регрессия алоҳида параметрларининг аҳамияти Стьюдент мезони (t -статистика) ёрдамида баҳоланади. Бунда мезоннинг ҳақиқий қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$t_{b_j} = \frac{b_j}{m_{b_j}} \left(\text{ёки } t_a = \frac{a}{m_a} \right), \quad (3.11)$$

бунда: $b_j(a)$ – регрессиянинг коэффицентлари (параметрлари);

$m_{b_j}(m_{a_j})$ – бу $b_j(a)$ параметрнинг стандарт хатоси.

3.11-ифода орқали регрессия тенгламасининг тегишли параметрлари учун аниқланган t -статистика Стьюдент тақсимооти критик нуқтаси $t(\alpha; n-k-1)$ билан таққосланади. Агар $|t| > t(\alpha; n-p-1)$ бўлса, тегишли параметр аҳамиятли ҳамда $H_0: b_j = 0$ ёки $H_0: a = 0$ тарзида ифодаланадиган “нолга тенг гипотеза” рад этилади.

Бундан ташқари регрессия тенгламасининг параметрларининг аҳамият-личилигини қуйидаги оддий таққослама таҳлил орқали баҳолаш мумкин:

– агар $|t| \leq 1$ бўлса, регрессия коэффициенти статистик жиҳатдан аҳамиятсиз;

– агар $1 < |t| \leq 2$ бўлса, регрессия коэффициенти статистик жиҳатдан нисбатан аҳамиятли;

– агар $2 < |t| \leq 3$ бўлса, регрессия коэффициенти статистик жиҳатдан аҳамиятли;

– агар $|t| > 3$ бўлса, регрессия коэффициенти статистик жиҳатдан юқори аҳамиятли ҳисобланади.

Ушбу фикр $(n-p-1) > 20$ ва $\alpha \geq 0,05$ ҳолатларда амал қилади. Демак, регрессия тенгламасига киритилган омиллар юқори аҳамиятли, аҳамиятли, нисбатан аҳамиятли ва аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, моделimizга киритилган юқори аҳамиятли ва аҳамиятли омилларни алоҳида ажратиб кўрсатдик (3.3-, 3.5-, 3.7-жадваллар).

Моделнинг сифати ва адекватлиги таҳлилига кўра, 1-моделда F -Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати $F_{\text{ҳақиқий}} = 2365,025$, шунингдек эркинлик даражалари сони сурат бўйича $\gamma_1 = 7$ ва махраж бўйича $\gamma_2 = 10$ га тенг бўлганда, Фишер мезонининг жадвал қиймати (моҳиятлик даражаси $p = 0,95$ да) учун $F_{\text{жадвал}} = 3,14$. Демак, ҳосил қилинган кўп омилли регрессия тенгламамиз аҳамиятли ҳисобланади (3.4-жадвал).

1-Моделнинг тузилмавий таркиби

Нативавий кўрсаткич (Y1) – Транспортдаги йўловчи айланмаси, (млрд.йўловчи-км)						
Аҳамиятли омиллар		Стандартиштирилмаган коэффициентлар		Стандартиштирилган коэффициентлар	t-статистика	p-қиймат
		B	Стандарт хато			
	Константа	-24,509	12,552		-1,953	0,123
1	Транспортида ташиланган пассажирларнинг умумий сони (млн. киши)	0,013	0,001	0,781	19,577	0,00004
2	Хизматлар кўрсатиш жами, млрд. сўм	0,00012	0,00036	0,194	3,357	0,028
3	Транспорт хизматлари асосий капиталига киритилган инвестициялар, млрд. сўм	-0,001	0,001	-0,021	-1,012	0,369
4	Транспорт хизматларидаги пуллик хизматлар ҳажми, млрд. сўм	0,001	0,000	0,104	2,601	0,060
5	Транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг ўртача йиллик сони, минг киши	0,107	0,070	0,055	1,528	0,201
Y1 = -24,509 + 0,013 X1 + 0,151 + 0,00012 X2 - 0,001 X3 + 0,001 X4 + 0,107 X5						

1-Моделнинг сифати ва аҳамиятини текшириш мезонлари

Кўпомилли корреляция коэффициентлари R	Кўпомилли детерминация коэффициентлари R-квадрат	Корректиланган R-квадрат	Баҳолашнинг стандарт хатоси	F-ҳақиқий	P-қиймат
1,000 ^a	1,000	0,999	0,49607	2365,025	5,0008E-7

“Нолга тенг гипотеза”ни текширишда фойдаланиладиган мезонлардан яна биттаси “P-қиймат” ҳисобланади. “P-қиймат”нинг миқдори белгиланган “0,05” қийматидан кам бўлса: “Нолга тенг гипотезани рад этиш мумкин”, – деб хулоса қилинади ҳамда аниқланган модель аҳамиятли ҳисобланади. Бизнинг мисолимизда “P-қиймат” = $5,0008 \times 10^{-7}$ бўлиб, танланган омилларнинг нативавий кўрсаткичга таъсири аҳамиятли ҳисобланади (3.5-жадвал).

2-Моделнинг тузилмавий таркиби

Натижавий кўрсаткич (Y2) – Транспорт хизматлари кўрсатиш жами, млрд. сўм						
Аҳамиятли омиллар		Стандартлаштирилмаган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t-статистика	p-киймат
		B	Стандарт хато			
	Константа	-1951,561	9614,843		-0,203	0,849
1	Транспортда ташилган пассажирларнинг умумий сони (млн. киши)	1,519	0,523	0,209	2,903	0,044
2	Хизматлар кўрсатиш жами, млрд. сўм	0,151	0,027	0,579	5,536	0,005
3	Транспорт хизматлари асосий капиталига киритилган инвестициялар, млрд. сўм	-0,150	0,468	-0,012	-0,321	0,764
4	Транспорт хизматларидаги пуллик хизматлар ҳажми, млрд. сўм	0,564	0,190	0,216	2,972	0,041
5	Транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг ўртача йиллик сони, минг киши	-15,278	53,878	-0,018	-0,284	0,791
Y2=-1951,561+1,519X1+0,151 X2-0,150 X3+0,564 X4-15,278X5						

2-моделда F-Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати $F_{\text{ҳақиқий}}=722,666$, шунингдек эркинлик даражалари сони сурат бўйича $\gamma_1=7$ ва махраж бўйича $\gamma_2=10$ га тенг бўлганда, Фишер мезонининг жадвал қиймати (моҳиятлик даражаси $p=0,95$ да) учун $F_{\text{жадвал}}=3,14$. Демак, ҳосил қилинган кўп омилли регрессия тенгламамиз аҳамиятли ҳисобланади(3.6-жадвал).

3.6-жадвал

2-Моделнинг сифати ва аҳамиятини текшириш мезонлари

Кўпомилли корреляция коэффициентлари R	Кўпомилли детерминация коэффициентлари R-квадрат	Корректлаштирилган R-квадрат	Баҳолашнинг стандарт хатоси	F-ҳақиқий	P-киймат
0,999 ^a	0,999	0,998	379,99756	722,666	5,3E-6

2-моделимизда “Р-қиймат”=5,3E-6бўлиб, моделга киритилган омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсири аҳамиятли ҳисобланади.

3-моделимизда фиктив омилларининг натижавий кўрсаткичга нисбий таъсирини ҳисоблаш услубига кўра, таҳлил давомида фиктив омилларидан исталган биттаси моделга киритилмайди (бизнинг мисолимизда бу “Транспортда ташилган пассажирларнинг умумий сони”) ҳамда бошқа омилларининг натижавий кўрсаткич(Ү3) – Ялпи ички маҳсулотга таъсири ушбу қолдирилган омилга нисбатан баҳоланади (3.7-жадвал).

3.7-жадвал

3-Моделнинг тузилмавий таркиби

Натижавий кўрсаткич (Ү3) – Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм						
Аҳамиятли омиллар		Стандартлаштирилмаган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t-статистика	p-қиймат
		B	Стандарт хато			
	Константа	35339,932	41629,047		0,849	0,435
X2	Хизматлар кўрсатиш жами, млрд. сўм	0,940	0,084	0,467	11,197	9.911E-5
X3	Транспорт хизматлари асосий капиталига киритилган инвестициялар, млрд. сўм	-4,249	2,074	-0,045	-2,049	0,096
X4	Транспорт хизматларидаги пуллик хизматлар ҳажми, млрд. сўм	11,487	0,875	0,569	13,136	4.561E-5
X5	Транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг ўртача йиллик сони, минг киши	-89,886	247,891	-0,014	-0,363	0,732
$Y_3 = 35339,932 + 0,940X_2 - 4,249X_3 + 11,487X_4 - 89,886X_5$						

3-моделда F-Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати $F_{\text{ҳақиқий}} = 2536,196$, шунингдек эркинлик даражалари сони сураг бўйича $\gamma_1 = 7$ ва махраж бўйича $\gamma_2 = 10$ га тенг бўлганда, Фишер мезонининг жадвал қиймати (моҳиятлик даражаси $p = 0,95$ да) учун $F_{\text{жадвал}} = 3,14$. Демак, ҳосил қилинган кўп омилли регрессия тенгламамиз аҳамиятли ҳисобланади(3.8-жадвал).

3-Моделнинг сифати ва аҳамиятини текшириш мезонлари

Кўпомилли корреляция коэффициенти R	Кўномилли детерминация коэффициенти R-квадрат	Корректлаштирилган R-квадрат	Баҳолашнинг стандарт хатоси	F-ҳақиқий	P-қиймат
1,000 ^a	1,000	0,999	1750,75283	2536,196	1,88E-8

3-моделимизда “P-қиймат”=5,3E-6 бўлиб, моделга киритилган омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсири аҳамиятли ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқоридаги жадваллар кўрсаткичларининг эконометрик таҳлил натижаларига кўра транспорт хизматлари кўрсатишга бўлган потенциал талабнинг қуйидаги сифат параметрлари аниқланди:

1. Транспорт хизматлари кўрсатишга ташқи талабни шакллантиришда ЯИМ ҳажмида жами хизматлар кўрсатишнинг улуши сезиларли ва хизматлар кўрсатишнинг бир бирликка кўпайиши ЯИМнинг 0,94 бирликка кўпайишига олиб келади.

2. Транспорт хизматлари асосий капиталига киритилган инвестицияларнинг йиллар кесимида номутаносиб тақсимланганлиги туфайли барча натижавий кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатганлиги кузатилмоқда.

3. Транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг ўртача йиллик сони “Транспортда йўловчи айланмаси” натижавий кўрсаткичига ижобий, “Жами транспорт хизматлар кўрсатиш” ҳамда “Ялпи ички маҳсулот” натижавий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатган.

4. Транспортда ташилган пассажирларнинг умумий сони “Жами транспорт хизматлари кўрсатиш” натижавий кўрсаткичга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг бир бирликка ошиши транспорт хизматлари кўрсатишни 1,5 мартага ошишига олиб келмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари кўрсатишга ташқи талабнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили натижаларига кўра, қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириш мумкин:

– республикамизда транспорт хизматлари кўрсатишни диверсификациялаш орқали унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини орттириш лозим;

– транспорт хизматлари кўрсатишга инвестицияларнинг ҳудудлар кесимида ҳамда йиллар мобайнида мутаносиб ўзлаштирилиши, ушбу соҳанинг ривожланиш ҳолатидан келиб чиқадиган чуқур таҳлилий натижаларга асосланиши лозим;

– транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг ўртача йиллик сони йиллар кесимида камайиш тенденциясида бўлиб, бу соҳада бошқарув ҳамда ходимлар фаолиятининг автоматлашганлиги ва унинг унумдорлиги ортиши билан изоҳланади;

– давлат томонидан тартибга солиш тадбирларининг республикамиз транспорт хизматлари кўрсатишга талабнинг таркибий ва тузилмавий ўзгаришларига мувофиқ тарзда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши транспорт хизматлари кўрсатиш бозорининг самарали ривожланишини таъминлайди;

- республикамиз транспорт хизматлари кўрсатиш бозорида фаолият олиб боровчи субъектлар ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларда транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришга эътиборни қаратиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда транспорт хизматлари кўрсатишни истиқболли ривожлантириш бўйича қуйидаги асосий башоратлаш (прогноз) билан боғлиқ ҳулосаларга келинди. Транспорт хизматлари кўрсатиш бозорининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда транспорт тармоғини ривожлантиришнинг энг самарали режаларини ишлаб чиқиш ва улар асосида мақбул стратегияни танлаш, энг аввало, ушбу соҳанинг келажакдаги ривожланишини прогнозлаш жараёни билан бевосита боғлиқ.

Транспорт хизматлари кўрсатиш бозори ривожланишининг асосий ижтимоий-иқтисодий йўналишларини олдиндан кўра билиш транспорт хизматлари кўрсатиш фаолиятини ифодаловчи алоҳида кўрсаткичларнинг ўзаро

алоқаси ва ўзаро боғлиқлигидаги регрессион функциясини аниқлаш имконини берадиган махсус ҳисоблаш ҳамда мантикий усуллардан фойдаланишни назарда тутди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар тараққиётини прогноз қилиш усуллари шартли тарзда уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга қонуниятларни экстрополяция қилувчи ва моделлашга, ўрганилаётган объект ўзгаришига асосланувчи; иккинчи гуруҳга таҳлил қилинаётган ҳодиса экспертизасига асосланувчи; учинчи гуруҳга комбинация қилинган усуллар киради.

Биринчи гуруҳга бевосита экстрополяция усуллари, эгилувчи эгри чизик бўйича экстрополяция усули, корреляцион ва регрессион усуллар, муқобил прогноз қилиш усуллари ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ усулларига индивидуал ва жамоавий экспертиза усуллари турли модификациялари киритилади.

Учинчи гуруҳ бевосита экстрополяция усуллари прогноз қилинаётган даврдаги иқтисодий ҳодисаларнинг ўзгаришини ўрганиш ва топилган қонуниятни келажакда амалга оширишга асосланади.

Экстрополяция усулининг афзаллиги, ҳисоблаш схемасининг кенг универсаллиги, ҳисоб алгоритмининг кўп меҳнат талаб қилмаслиги, бошланғич ахборотга ишлов беришни автоматлаштиришга имкон берадиган дастурнинг мавжудлигидир. Унинг камчилиги узоқ вақт бирлиги учун база маълумотларидан фойдаланиш зарурлиги; келажакни олдиндан айтишда инерциялилик (одатдаги ҳаракатини сақлаган тарзда) тамойилини қўллаш мумкин эмаслиги; узоқ муддатга прогноз қилинганда унинг аниқлигининг камайиши билан изоҳланади.

Динамик қаторларни таҳлил қилган ҳолда, кўпгина тадқиқотчилар ўтмишда бўлиб ўтган ҳодисаларнинг моҳиятини тадқиқ этиш асосида уларнинг келажакдаги ҳолатини башорат қилиш, қаторларни экстрополяция (қаторларни узайтириш) қилиш орқали турли хил прогнозларни қилишга ҳаракат қилишган. Демак, динамик қаторларни экстрополяция қилишнинг турли хил

Усулларида фойдаланиш мумкин. Аммо, унинг ҳар бир усули ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг ўтмишдаги ривожланиш қонуниятлари (тенденциялари) келажакда ҳам сақланиб қолади деган тахминга асосланади. Шу сабабли қаторларнинг экстрополяциясига асосланган прогноз жараёнлари келтирилган динамик қаторларни таҳлил қилишдан бошланиши лозим. Башорат қилишнинг бундай экстраполяция усулларида фойдаланишнинг муҳим шартларидан бири, тадқиқ қилинаётган жараённинг моҳиятини билиш ҳамда иқтисодий ўсишда барқарорликнинг мавжудлигидир. Фақат шундагина ўрганилаётган ҳодиса тараққиётида талаб қилинган даражадаги узлуксизлик таъминланиши мумкин. Ҳақиқатда ривожланиш тенденциялари турли хил ташқи ва ички муҳит омиллари таъсирида ўзгариб туради. Шу сабабли қаторларни экстрополяция қилиш орқали аниқланган маълумотлар эҳтимолий ҳисобланади.

Динамик қаторларни экстрополяция қилиш усулларида бири уларни аналитик формулалар ёрдамида текислаш ҳисобланади. Бунда келтирилган динамик қаторнинг амалдаги ҳар бир даражаси $y_t = f(t) + \varepsilon_t$ қаралиб, бунда $f(t)$ – трендни намоён этувчи таркиб, ε_t – эса $M\varepsilon = 0$, $D\varepsilon = \sigma^2$ бўлган тасодифий миқдор. Динамик қаторларни текислашдан мақсад, эмпирик маълумотларга таяниб аниқланган формула асосида $\hat{y}_t = f(t)$ унинг “назарий” даражаларини аниқлашдир. Ривожланиш тенденцияларини намоёиш этувчи энг қулай аналитик формулалар қуйида келтирилган (3.9-жадвал).

Аниқланган модель аҳамиятлилигининг таҳлили “нолга тенг гипотеза”ни текшириш орқали амалга оширилади. “Нолга тенг гипотеза”ни текшириш дисперсион таҳлил ёрдамида амалга оширилади ҳамда “нолга тенг гипотеза” $H_0: D_{\text{факт}} = D_{\text{колд}}$ га қарши альтернатив гипотеза $H_1: D_{\text{факт}} > D_{\text{колд}}$ тарзида

ифодаланади. Ушбу гипотезаларни текшириш учун F-Фишер мезонидан фойдаланилади⁴³.

3.9-жадвал

Прогнозлаштириш моделлари

№	Аналитик шакли	Функция
1	$y = b_0 + b_1 x^t$	Чизикли
2	$y = b_0 + b_1 \ln(t)$	Логарифмик
3	$y = b_0 + b_1/t$	Тескари
4	$y = b_0 + b_1 t + b_2 t^2$	Квадратик
5	$y = b_0 + b_1 t + b_2 t^2 + b_3 t^3$	Кубли
6	$y = b_0^x b_1^t$	Таркибли
7	$y = b_0^x t^{b_1}$	Даражали
8	$y = e^{(b_0 + b_1/t)}$	S-функция
9	$y = e^{(b_0 + b_1 x^t)}$	Роста
10	$y = b_0^x e^{b_1 x^t}$	Экспоненциал

Бунда мезоннинг ҳақиқий қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$F = \frac{\sum_{i=1}^n (\hat{y}_i - \bar{y})^2 / k}{\sum_{i=1}^n (y_i - \hat{y}_i)^2 / (n-k-1)} = \frac{R^2}{1-R^2} * \frac{(n-k-1)}{k}, \quad (3.11)$$

бунда:

- $\sum_{i=1}^n (\hat{y}_i - \bar{y})^2 / k$ - битта эркинлик даражасига тўғри келувчи омилли

дисперсия (эркинлик даражалари сони $\gamma_1 = k$);

- $\sum_{i=1}^n (y_i - \hat{y}_i)^2 / (n-k-1)$ - битта эркинлик даражасига тўғри келувчи

қолдиқ дисперсия (эркинлик даражалари сони $\gamma_2 = n-k-1$);

- n - кузатувлар сони;

⁴³Конспект лекций по курсу «Эконометрика» для студентов III курса дневного отделения всех специальностей. Автор: доцент Костромин Андрей Владиленович. Казанский государственный финансово-экономический институт Кафедра статистики и эконометрики. - Казань 2004. - с.17.

- k - кўп омилли регрессия тенгламасидаги омиллар(параметрлар) сони.

F- Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати ($F_{\text{ҳақиқий}}$) мезоннинг критик ($F_{\text{жадвал}}(\alpha; k; n-k-1)$) қиймати билан таққосланади. Агар $F_{\text{ҳақиқий}} > F_{\text{жадвал}}$ бўлса, у ҳолда аниқланган модел аҳамиятли ҳисобланади. Келтирилган динамик қаторларнинг таҳлили орқали ишлаб чиқилган моделда F- Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати унинг эркинлик даражалари сони сурат бўйича $\gamma_1=1$ ва махраж бўйича $\gamma_2=8$ га тенг бўлган жадвал қийматидан (моҳиятлик даражаси $p=0,95$ да), яъни $F_{\text{жадвал}} = 5,32$ дан катта бўлса аниқланган модел аҳамиятли бўлади.

SPSS 19дастурий пакет имкониятлари ҳамда динамик қаторларни экстрополяция қилиш усулларида фойдаланиб, транспорт хизматлари кўрсатиш соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичларини прогнозлашнинг аналитик тенгламаларини ишлаб чиқдик (3.10, 3.11-жадваллар).

3.10-жадвал

Транспортдаги йўловчи айланмаси қийматини иқтисодий-статистик прогнозлаш функциялари

№	Функциялар	R-квадрат	Фишер коэффициент
1	$y = 52,647 + 5,930t$	0,997	2293,980
2	$y = 49,437 + 23,717 \ln(t)$	0,934	114,105
3	$y = 101,189 - 54,385/t$	0,703	18,937
4	$y = 49,955 + 7,276t + 0,122t^2$	0,999	4601,288
5	$y = 49,077 + 8,055t - 0,291t^2 + 0,010t^3$	0,999	3080,240
6	$y = 53,302 \times 0,297^t$	0,977	343,261
7	$y = 40,697 \times t^{0,412}$	0,973	287,177
8	$y = e^{(4,630 - 0,703/t)}$	0,780	28,443
9	$y = e^{(4,028 - 0,072t)}$	0,977	343,261
10	$y = 56,160 \times e^{0,072t}$	0,977	343,261

Транспортдаги йўловчи айланмаси қийматини прогнозлаш учун F- Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати $F_{\text{ҳақиқий}} > 4,96$ бўлган барча функциялардан энг каттаси $F_{\text{ҳақ}} = 4601,288$ бўлиб ($4601,288 > 4,96$), унга тўртинчи

Функция $y = 49,955 + 7,276t + 0,122t^2$ мос келиб, башорат қилиш учунаҳамиятли ҳисобланди (3.11-жадвал).

3.11-жадвал.

Транспортда ташилган пассажирлар умумий сонини иқтисодий-статистик прогнозлаш функциялари

№	Функциялар	R-квадрат	Фишер коэффициенти
1	$y = 4554,500 + 344,527t$	0,986	575,497
2	$y = 4327,733 + 1404,667\ln(t)$	0,961	197,190
3	$y = 7415,209 - 3297,437/t$	0,758	25,015
4	$y = 4244,125 + 499,715t - 14,108t^2$	0,999	1627,299
5	$y = 4032,167 + 687,710t - 54,869t^2 + 2,470t^3$	0,997	1116,120
6	$y = 4703,164 \times 1,057^t$	0,963	206,312
7	$y = 4497,353 \times t^{0,230}$	0,985	540,161
8	$y = e^{(8,922 - 0,555/t)}$	0,819	36,220
9	$y = e^{(8,456 + 0,055t)}$	0,963	206,312
10	$y = 4703,164 \times e^{0,055t}$	0,963	206,312

Хизматлар ҳажмини башорат қилиш ва ушбу жадвалдан прогноз учун F -Фишер мезоннинг ҳақиқий қиймати $F_{\text{ҳақиқий}} > 4,96$ бўлган барча функциялардан энг каттаси $F_{\text{ҳақиқий}} = 1627,299$ бўлиб ($1627,299 > 4,96$), унга тўртинчи функция $y = 4244,125 + 499,715t - 14,108t^2$ мос келиб башорат қилиш учун аҳамиятли ҳисобланди. Натижада 2019-2022 йилларда мамлакатимиз ва транспорт хизматлари бозори ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш учун энг қулай функциялар рўйхати келтирилди (3.12-жадвал).

3.12-жадвалдан кўришиб турибдики, 2021 башорат йилига бориб, транспортдаги йўловчилар айланмаси 186,5 млрд. йўловчи-км.ни ва транспорт воситаси билан ташилган пассажирларнинг умумий сони 8565,6 млн. кишини, транспорт хизматлари кўрсатиш жами 68157 млрд. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар базис - 2017 йилга нисбатан мос равишда 43,5%, 50,8% ва 88,2%га ўсади. Ва, бу тенденция ўз навбатида, республикамиз ва унинг

худудий кесимларида транспорт тармоқларини ривожлантириш, хизматлар кўрсатиш тизимини модернизациялаш ва диверсификация қилишасосида

3.12-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йиллар даврида транспорт хизматлари соҳаси ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари⁴⁴

№	Кўрсаткич номи	Прогноз учун энгулай функциялар	F _{ҳақиқий}	Йиллар			
				2018	2019	2020	2021
1.	Транспортдагйўловчи айланмаси (млрд. йўловчи-км)	$y = 49,955 + 7,276t + 0,122t^2$	4601,3	154,8	165,2	175,7	186,5
2.	Транспортда ташилган пассажирларнинг умумий сони (млн. киши)	$y = 4244,125 + 499,715t - 14,108t^2$	1627,3	8209,2	8356,2	8475,0	8565,6
3	Транспорт хизматлари кўрсатиш жами, (млрд. сўм)	$y = 1715,3 + 2893,8t - 267,7t^2 + 25,18t^3$	166,1	41403,1	47966,3	57163,1	68157

Манба: 2007-2017 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

корхона, ташкилотлар ва аҳоли талабларига мос хизмат кўрсатишнинг янги турларини яратиш, энг муҳими уларга, шу жумладан, давлатлараро йўналишларда хорижий инвестор ҳамкорларимизга арзон ва сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш эвазига мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган стратегик аҳамият касб этувчи “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга самарали татбиқ этишни тақозо қилади.

3.2. Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини модернизациялаш ва диверсификациялаш самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ҳал этишнинг устувор йўналишлари

⁴⁴Муаллиф томонидан ҳисобланган ва ишлаб чиқилган.

Иқтисодийнинг барча бўғинларини, хусусан, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришда, айниқса, иқтисодий механизм ва муносабатларни такомиллаштириш муаммоларини ҳал этиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Жумладан, иқтисодий муносабатлар ҳар бир инсоннинг ўз моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзга инсонлар билан турли муносабатларга киришувидир. Шунингдек, хизмат кўрсатишдаги иқтисодий муносабатлар нафақат алоҳида индивидлар, балки инсонлар гуруҳи, корхоналар ва давлатнинг ўз моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар билан турли муносабатлар жараёнида иштирок этишларини ҳам англатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаларининг турлари кўпайиб бориши хизматлар самарадорлигига эришишда улардаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни тақозо этади. Хизмат кўрсатиш соҳаларидаги иқтисодий муносабатлар кишиларнинг ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва кўрсатиладиган хизматларни истеъмол қилиш жараёнидаги иқтисодий фаолияти билан боғлиқ бўлган жами муносабатларни қамраб олади. Шу боисдан айтиш мумкинки, хизмат кўрсатишда иқтисодий муносабатлар пироваварад натижада иқтисодий манфаатларни амалга ошириш борасида такрор хизмат кўрсатувчи субъектлар ва истеъмолчилар ўртасида юзага келадиган муносабатларни ифодалайди. Хизмат кўрсатиш жараёнининг ҳар бир иштирокчиси биринчи навбатда, ўзининг хизмат кўрсатишдаги иқтисодий манфаатини қондиришга интилади ва шунга мувофиқ равишда бошқа иштирокчилар билан ўз муносабатларини аниқ воситалар, дастаклар, усуллар ёрдамида амалга оширади. Хизмат кўрсатишда иқтисодий манфаатлар анланган объектив эҳтиёжлар тарзида иқтисодий муносабатларнинг ўзагини ташкил этади. Мазкур муносабатларнинг мазмуни ва характери қандай шаклда ва кимнинг манфаатини ифодалашига боғлиқ бўлади. Бу яқка бир кишининг, кишилар гуруҳи, жамоа ва бутун жамиятнинг иқтисодий

манфаатлари бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатиш тузилмаси даражасига қараб алоҳида корхона, тармоқлар, минтақалар, мамлакатлар гуруҳи манфаатларига бўлинади.

Хизмат кўрсатишда иқтисодий манфаатларнинг бундай мураккаб тузилмаси иқтисодий муносабатларни амалий жиҳатдан ташкил этишда, уларни рўёбгачиқаришнинг аниқ шакллари ва усулларида ўз ифодасини топади. Хизмат кўрсатувчилар билан жамоа ўртасида, аниқ бир корхона билан тармоқ ўртасида, айрим бир ҳудудлар ўртасида бир хил хизмат кўрсатиш бўйича иқтисодий муносабатларни юзага келтириб бўлмайди. Чунки, бунда ҳар бир хизмат кўрсатувчи ўз иқтисодий манфаатларига эга ва бу манфаатлар ҳамиша ҳам мос келавермайди, баъзан ҳатто бир-бирига зид келиши ҳам мумкин. Масалан, хизмат кўрсатишда аниқ бир кишининг иқтисодий манфаатлари ўз фаолияти ҳисобидан катта даромад олиши ва унга сифатли товар ва хизматларни арзонроқ нархларда кўпроқ сотиб олиш мақсадидан иборат дейлик. Аммо, ушбу хизматдаги манфаат ҳамиша ҳам ходим ишлайдиган жамоага ёки корхонага фойдали бўлавермайди. Зотан, хизмат кўрсатувчи корхона ўз хизматини қимматроқ сотишдан манфаатдор бўлса, истеъмолчи корхона эса аксинча, уни хизматини арзонроқ сотиб олишга ҳаракат қилади. Бошқача қилиб айтганда, бозорда моҳиятига кўра ўзаро мос келмайдиган икки иқти-содий манфаатнинг тўқнашуви юз беради.

Кўп ҳолатларда хизмат кўрсатиш бўйича айрим йирик субъектлар ва давлат манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келади. Хизмат кўрсатишда аксарият фаолият юритувчи субъектлар давлатга солиқлар ва бошқа молиявий тўловларни камроқ тўлашдан манфаатдор, давлат эса кўпроқ ундиришдан. Шу боисдан ҳам, хизмат кўрсатишдаги иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим вазифаси ва амалий фаолияти ҳам бундай хилма-хил ва зиддиятли иқтисодий манфаатларни бирлаштириш ва уларни барча вазифаларни ҳал этишга, хизматларни такрор яратишжараёнидаги ҳар бир иштирокчининг

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яратувчилик, конструктив оқимга йўналтиришдан иборат.

Шу сабабли, хизмат кўрсатишда ушбу муносабатлар умумий характерга эга, яъни жами иқтисодиётнинг, унинг айрим тармоқлари ва бўғинларининг самарали фаолият кўрсатиши каби муносабатларни уйғун равишда амалга оширишни тақозо этади. Улар такрор хизмат кўрсатиш жараёнларининг тезлатгичи, иқтисодий ривожланиш ва ўсишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун эса, хизмат кўрсатиш барча иштирокчиларнинг иқтисодий манфаатлари тўғри ҳисобга олинган ва ифодаланган бўлиши шарт. Аксинча, хизмат кўрсатишда агар бирон-бир иштирокчи ёки серқирра иқтисодий фаолиятининг бирон бўғини манфаатлари тўғри ва объектив тарзда ҳисобга олинмаган бўлса, ушбу хизмат кўрсатишдаги муносабатлар иқтисодий ривожланишда катта тўсиққа айланиши мумкин.

Шу жиҳатдан ҳам, республикамизнинг хизматлар кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш зарурияти бугунги кунда қўйидагилар билан изоҳланади, яъни:

- хизмат кўрсатиш тармоқлари мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда иштирок этиши ва улушининг доимий равишда ошиб бориши;

- нақд пул тушумини кўпайтиришдаги ҳиссасининг кенгайиб бориши;

- хизматларга бўлган истеъмолчи эҳтиёжларини қондириш орқали хизматлар бозорини доимий равишда тўйинтириб бориши;

- бандлик масаласини ҳал қилиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириб бориши;

- хизмат соҳасининг ривожланиши ишсизликни камайтириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга имкон бериши;

- давлат бюджетини хизмат фаолияти натижасидан тўланадиган солиқлар эвазига бойитиб бориши;

- аҳолининг реал даромадларини кўпайтиришдаги ҳиссасининг ортиб бориши кабилар билан характерланади.

Республикамизда хизматлар соҳасини ривожлантиришда иқтисодий муносабат ва механизмларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда иқтисодий муносабатларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солиш, иқтисодий муносабатларни молия –ғазначилик механизмлари орқали такомиллаштириш, солиқ – банк механизмларининг давлат ва корхоналар муносабатларини такомиллаштиришдаги ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солишда қуйидагиларни ўзгартириш зарур ҳисобланади, жумладан:

- хизмат кўрсатувчи субъектларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишни кучайтириш;
- шартномавий муносабатларни такомиллаштириш;
- иқтисодий муносабатларда назоратни кучайтириш;
- иқтисодий муносабатларда жамият назоратини ўрнатиш;
- иқтисодий муносабатларда давлат аралашувини чеклаш ва камайтириш ва бошқалардан иборат.

Замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишда модернизация жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришининг инновацион ривожлантириш талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда истеъмолчилар ҳам фойда кўради.

Илмий адабиётлар ва энциклопедия манбаларидан маълумки, *модернизация қилиш* – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш жараёни ҳисобланади. Шунга мувофиқ, *ишлаб чиқаришни модернизация қилиш*– уни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маъ-

навий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора – тадбирларни ўз ичига олувчи жараёндр.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, транспорт хизматлари кўрсатишни модернизация қилишнинг муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик. Яъни, *транспорт хизматлари кўрсатишни модернизация қилиш* – бу транспорт хизматлари кўрсатишга янги ва замонавий техникаларни жалб этиш, уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, кўрсатиладиган хизмат турларини маънавий жиҳатдан янгилаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш, такомил-лаштириш, уларни янги талаблар ва меъёрларга мувофиқлаштириш каби чора – тадбирларни ўз ичига олувчи жараён ҳисобланади.

Транспорт тизимини ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай чора-тадбирларнинг самараси иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши табиийдир. Хусусан, бу каби самарани янги ҳудудларни ўзлаштириш ёки тармоқларни барпо этишда кузатиш мумкин. Шунингдек, юкларни контейнерларда ташишни ривожлантириш, транспорт иши ишончлилиги ва хавфсизлигини ошириш, юкларни ташишда йўқотишларнинг олдини олиш ва уларни етказиш тезлигини ошириш, йўловчилар ташишни ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ривожлантириш мамлакат миқёсида самара келтиради.

Диверсификация – бу ишлаб чиқариш маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш ва уларни сотиш бозорларига қайта йўналтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг янги турларини ўзлаштириш ва бунинг натижасида иқтисодий манфаат олиш туширилади.⁴⁵ Шунга асосланган ҳолда, транспорт хизматлари кўрсатишни диверсификациялаш, бизнинг таъримизга кўра, транспорт хизматлари кўрсатиш турларини кенгайтириш ва уларни истеъмолчиларига қайта йўналтириш,

⁴⁵<https://ru.m.wikipedia.org>

хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида транспорт хизматлари кўрсатишнинг янги турларини ўзлаштириш ва бунинг натижасида иқтисодий манфаат олиш каби чора – тадбирларни ўз ичига олувчи жараён ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Самарқанд вилоятида транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини модернизациялаш ва диверсификациялаштиришлари натижаларини таҳлил қилиш мақсадида транспорт корхоналари томонидан 2015-2017 йилларда вилоятдаги Самарқанд автомобил заводидан харид қилинган ИСУЗУ русумли янги автобуслар сони бўйича маълумотлар 3.13-жадвалда келтирилган.

3.13-жадвал.

Вилоятдаги айрим транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан 2015-2017 йиллада харид қилинган автобуслар сони

Т/р	Транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар	Харид қилинган автобус ва микроавтобуслар сони	Транспорт хизмати курсатилётган йўналиш номи	Яратилган иш ўринлари сони
1.	«Дилшод транс сервис» МЧЖ	5	86-ракамли «СамДМКИ-Кимёгарлар курғони»	10
2.	«Акмал транс сервис» МЧЖ	3	73-ракамли «Сиёб АББ-Темирйул АББ»	5
3.	“Азим Логистик Тех сервис” МЧЖ	5	87-ракамли “Саттепо маскани-Шахар шифохонаси”	10
4.	“Иштихон Митан Оил” МЧЖ	1	ШАЙ-381-ракамли “Иштихон-Халқобод-Уйғони”	2
5.	«Пангат йўловчи транс» МЧЖ	1	ВХ-547-ракамли «Зармитан-Самарқанд АББ»	1
6.	«Октепа Нур транс» МЧЖ	3	«Хужа-Навоий»	6
7.	«Азиз Хилола	20	51-ракамли «Саттепо-	20

	авто транс» МЧЖ		Самарканд АББ», 52- ракамли «Сугдиёна маскани- Самарканд АББ»	
8.	«Жоникул Юсупов транс» МЧЖ	1	358-ракамли «Жума АББ- Корасув кишлоги»	1
9.	«Сарбон тур» МЧЖ	1	Туристларга хизмат курсатиш (Буюртма)	1
10.	«Шахрезада Сам Стар Тур» МЧЖ	2	Туристларга хизмат курсатиш (Буюртма)	2
11.	«Булунгур гайратбек транс» МЧЖ	3	297-ракамли «Булунгур АББ- Навой махалласи»	3
12.	«Мингтепа транс» МЧЖ	2	«Булунгур-Усмат»	2
13.	«Бинафша транс сервис» МЧЖ	3	80-ракамли «Хишрав-Темирйул АББ»	5
14.	“Мингтепа транс” МЧЖ	2	ШАЙ-464-ракамли “Мирзаарик махалласи-Ш.Зинда АББ”	2
15.	“Бустон авто транс” МЧЖ	2	ВШ-1146-ракамли “Р.Махмонов-Зиёвуддин- Навой”	3
16.	“Жахон ишонч” МЧЖ	3	10-ракамли “Темирйул АББ- Ипак йули бозори”	5
17.	“Нурбулок локс транс” МЧЖ	2	-	3
18.	«Октош Шахзод транс» МЧЖ	28	-	57
19.	“Темур” МЧЖ	2	-	4
	Жами:	89		142

Транспорт хизматлари кўрсатишни диверсификациялаш жараёнида куйидаги жиҳатларга асосий эътиборни қаратиш лозим ҳисобланади:

- юқори сифатли ва рақобатдош транспорт хизматларини яратиш;
- юқори унумдорлик ва хавфсизликка эга транспорт хизматларини кўрсатиш;
- транспорт хизматларини диверсификациялашнинг ҳуқуқий-меъёрий базани ривожлантириш (хавфсизлик, экологик тозалик, транспорт хизмат-


лари сифатини ошириш каби ишларни давлат томонидан тартибга солиш усулларини такомиллаштириш);

- рақобатдош транспорт хизматлари кўрсатиш учун юқори самарали транспорт-логистик хизматларни ривожлантириш, ташишда илғор техника ва технологияларни қўллаш;

- транспорт қонунчилигининг бошқа қонунлар билан уйғунлигини таъминлаш, уни жаҳон стандартларига мослаштириш;

- халқаро транзит тизимларида юқори технологик онлайн (GPS) режимида масофадан кузатишнинг тизимли транспорт-логистик хизматларни кўрсатиш.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда бу тармоқдаги мавжуд ички имкониятларни очиб беришда хизмат кўрсатишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни бир тизимга келтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан уларни қуйидаги бевосита ва билвосита таъсир этувчи гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш услубий жиҳатдан илмий асосланган ёндашув ҳисобланади. (3.3-чизма).



3.3-чизма. Транспорт хизмати кўрсатишга таъсир этувчи омиллар

Таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш ўринлики, транспорт хизмати кўрсатиш тизими бошқа хизмат турларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади.

1. Транспорт хизмати қўйиладиган маблағнинг тез қопловчи хизматлардан бирикканлиги.

2. Мазкур хизматни доимий равишда модернизациялаш асосида унинг сифати ва сарадорлигини ошириш имкониятларининг кўп қирралиги.

3. Транспорт хизмати кўрсатувчи субъектларнинг турли мулк шакл(уюшма, асоциация, фирма)да ва ўзаро рақобатдош эканлиги.

4. Кўрсатилаётган транспорт хизматининг муддатлилиги, транспорт воқитасининг русуми ва техник қулайлигига алоҳида эътибор бериш зарурлиги.

5. Кўрсатилаётган транспорт хизматларининг техник хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги.

6. Транспорт хизматларини амалга оширишда техник созлигининг доимий назоратда бўлиши ва барча техник меъёрларга амал қилиш зарурлиги.

7. Транспорт хизмати кўрсатувчиларининг доимий равишда тиббий кўрикдан ўтиб туриши зарурлиги.

Умуман, юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки, транспорт хизмат кўрсатишдаги омилларни чуқур таҳлил этган ҳолда ҳар бир омилнинг таъсири доирасига алоҳида эътибор бериш ҳамда ундан транспорт хизматлари самарадорлигини оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3.3. Транспорт соҳасини давлат томонидан қўллаб – қувватлашнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва уларнинг транспорт хизматлари самарадорлигини оширишдаги аҳамияти


Иқтисодиётимизнинг юқори даромад келтирувчи тармоқларидан бири бу транспорт тизимидир. Шу сабабли, уни ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Транспорт соҳаси

ва унда кўрсатиладиган хизматларнинг муҳимлиги, уларни амалга оширишнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, соҳа корхоналари томонидан маҳсулот ва хом ашёни ўз вақтида нобудгарчиликка йўл қўймасдан етказиб бериш муаммоларини ҳал этиш кўп жиҳатдан ушбу тармоқ ривожини таъминлаш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ташкилий–иқтисодий механизмларининг таъсирчанлик даражасига боғлиқлигини эътироф этиш ўринлидир. Зотан, транспорт ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида, унинг устуворлик жиҳати шундаки, у бошқа реал тармоқлар ва ижтимоий соҳада фаолият юритувчи барча хўжалик субъектларининг маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнларини ўзаро боғловчи ва яқунловчи, шунингдек, иқтисодий –ишлаб чиқариш муносабатлар занжирининг ажралмас ва инкор қилиб бўлмайдиган халқаси бўлиб ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликдан кейинги даврда давлат томонидан ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш механизм ва унсурларини ривожлантириш асосида республика транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Аммо, дунё миқёсида содир бўлаётган глобаллашув жараёни, хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида, шу жумладан транспорт хизмати кўрсатиш бозорида рақобатнинг кучайиши ва талабнинг изчил ошиш тенденцияси, тармоқни инновацион ривожлантиришнинг объектив зарурлиги, транспорт корхоналари фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида хизматларнинг кам харажатли ва сифатли инновацион турларини кенгайтириш, энг муҳими соҳанинг иқтисодий самарадорлигини барқарор ошириш ва унда меҳнат қиладиган ишчи-ходимларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш каби стратегик аҳамият касб этувчи муаммоларни давлат томонидан қўллаб-қувватламасдан туриб ҳал этиш мураккаб ва узоқ давр талаб қиладиган дастур эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Истикболда ташкилий-иқтисодий механизмларнинг ҳар бирига тегишли ва мос унсурларини доимий равишда транспорт хизматлари кўрсатиш тизи-

мини модернизациялаш ва диверсификациялаш талаблари асосида такомиллаштириб бориш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга (3.7-чизма).



3.7- чизма. Транспорт хизматлари кўрсатиш тизимининг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари⁴⁶

3.6 ва 3.7-чизмалардан хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг биринчи навбатда ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини муттасил такомиллаштириш ва улардан транспорт хизматлари бозори ва муносабатлари, ҳуқуқий-меъёрий асослари ва таркибий-ташкилий тузилмаларидан соҳани модернизациялаш ва диверсификациялаш талаблари доирасида самарали фойдаланиш йўналишларига асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

⁴⁶ Муаллиф ишланмаси

Бизнинг фикримизча, транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг ташкилий механизмлари таркибига транспорт хизматлари кўрсатишнинг худудий бошқарув тузилмасини, транспорт хизматлари кўрсатишни ресурслар билан таъминлаш, стандартлаш ва лицензиялаш, регламентлаш, шунингдек, транспорт хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ ахборот – маълулаҳат маълумотлари таъминоти субъектларини киритиш мумкин.

Транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари таркибига соҳа фаолияти самарадорлигини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар тизимива улардан фойдаланиш усуллари, транспорт хизматлари кўрсатишда бозор конъюнктураси, кластерлар таъсисчи (таркибий субъект)лари вауларнинг функциялари, ўзаро муносабатларини ҳамда транспорт хизматлари кўрсатишнинг истиқбол прогноз кўрсаткичларини иқтисодий баҳолашнинг услубий-амалий асосларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан юқорида таъкидлаб ўтилган муаммолар ечимларини топиш ва ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини транспорт хизмати кўрсатиш тизимида қўллашнинг илмий-услубий ва амалий асосларини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) транспорт хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга оид концептуал йўналишларга мос тарзда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ, чунки:

Биринчидан, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш асосида транспорт хизматларининг ўрни ва ролини ошириш муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига уларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда транспорт хизматларидан фойдаланиш.

Учинчидан, мамлакат озиқ-овқат хафвсизлигини таъминлаш ва аҳолисининг деҳқончилик ва чорвачилик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини максимал даражада ички ресурслар ҳисобидан қондириш мақсадида қишлоқ хўжалиги тармоғига кўрсатиладиган транспорт хизматлари тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш.

Тўртинчидан, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш жараёнида транспорт хизматларидан фойдаланиш кўламини ошириш ва географиясиникенгайтиришга катта эътибор қаратиш.

Бешинчидан, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масалаларини ҳал этишда транспорт хизматларини ривожлантириш стратегик аҳамият касб этиши ва ўрин эгаллашига алоҳида урғу берилган.

Зотан, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда транспорт соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳамда унинг ижтимоий – иқтисодий соҳалардаги аҳамиятини ошириш муҳим устувор вазифалардан ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегиясида такидланганидек, - “макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”⁴⁷ да иқтисодиётни инновацион омиллар эвазига модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, хизмат кўрсатишни жадал ривожлантиришни тақозо қилади.

⁴⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Бу ўз навбатида транспорт соҳасининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги қирраларини очиб берди. Шунингдек, транспорт хизматлари кўрсатувчи транспорт воситаларини суғурталаш ҳамда уларни лизингга олиш механизмларида имтиёзлар тизимини жорий қилиш ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланиб, молия институтларига “суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини, уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш”⁴⁸ масаласи ҳам долзарб қилиб қўйилган.

Иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланганикинчи устувор йўналишидан келиб чиқиб, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига уларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда бошқа соҳалар билан бир қаторда транспорт хизматларидан оқилона фойдаланишга жиддий эътибор қаратилди.

Жумладан, хизматлар соҳасига жалб этилаётган инвестициянинг асосий мақсади, жумладан транспорт хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки, соҳани модернизация қилмасдан туриб, ҳозирги тез ривожланаётган иқтисодий жараёнлардан орқада қолиб кетиш мумкинлиги ва бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириб бўлмайди.

Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодийда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, хизмат кўрсатиш, жумладан транспорт хизматлари кўрсатишда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш устувор

⁴⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

вазифалардан бири сифатида эътироф этилган. Маълумки, ҳозирдаги мавжуд техника ва технологияларнинг аксарияти ресурстежамкорлик талабларига жавоб бермайди ва бу бевосита транспорт хизматлари кўрсатувчи объект ва субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир этиши табиийдир. Шу боисдан, транспорт хизматлари тизимини ривожлантириш нафақат уни замонавий техника-технологиялар, асбоб ускуна ва жиҳозлар билан тўйинтириш, балки уларни мукамал ва хафвсиз ишлата оладиган мутахассис ва ишчи-ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби хизмат тизимларини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади.

Устувор йўналишлардан бири сифатида Ҳаракатлар стратегиясида “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”⁴⁹ масаласига алоҳида аҳамият берилган. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантирмасдан туриб, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришдаги ўрни ва улушини ошириб бўлмайди. Хизматлар ҳажми, турини кўпайтириш, сарф харажатларини камайтириш ва сифатини ошириш аҳоли турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартириш ва фаровонлигини оширишнингасосий омилларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шу эзгу мақсадга эришиш талабларига мос равишда транспорт хизматларининг замонавий юқори технологик турларини жорий қилиш ҳисобига тубдан ўзгартириш масаласи чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида транспорт хизматларини амалга оширишда бир қатор муаммолар вужудга келди. Жумладан, миллий трасса, шаҳарлараро йўналишлардаги йўллар, шаҳар ва

⁴⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

қишлоқлар ичидаги йўллар турли тоифа ва даражадаги ташкилот, муассалар тасарруфида бўлиб, бу ўз навбатида йўловчилар ташиш хизматларининг яхлит бир тизимга эга эмаслиги ва, демак, бу соҳада тарқоқлик ва такрорланиш ҳолатлари, турли даражадаги бошқарув органлари манфаатлари ўртасида зиддиятлар келиб чиқишига олиб келади. Бунга барҳам бериш мақсадида йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш масаласи бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш зарур ҳисобланади.

*Учинчи устувор йўналиш*да белгилаб берилганидек, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга эришишда транспорт хизматларининг аҳамиятини ошириш масаласи долзарб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишда ҳам транспорт хизматлари кўрсатишнинг ўрни муҳим ҳисобланади

Замон ва халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг транспорт логистикаси хизматлари (сақлаш, ташиш ва сотиш)ни амалга ошириш, замонавий бозор муносабатларига асосланган хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш масаласи ҳам соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда транспорт хизматларида жуда муҳим ҳисобланган, шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури тасдиқланган бўлиб, унга кўра шу давр ичида йўловчилар ташийдиган янги автобус йўналишларини ташкил этиш, уларга янги автобус ва микроавтобуслар билан хизмат кўрсатишни мақсадли ва манзилли параметрлари ишлаб чиқилган. Шу жумладан, 2018 йилдан бошлаб Самарқанд вилояти Ургут туманида 61 та янги русумдаги "ISUZU SAZ NP-40" автобуслари билан 13 йўналишда йўловчилар ташиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

*Туртинчи устувор йўналиши*да белгилаб берилганидек, бошқа тармоқ ва соҳалар билан бир қаторда транспорт хизмати кўрсатиш тизимида ҳам давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттиришга жиддий эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори шулар жумласидандир. Қарорда транспорт соҳасида фаолият юритаётган корхоналар учун қатор имтиёзлар берилган, яъни акциядолик тижорат Халқ банкига, зарурат бўлганда, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган фоиз ставкаси билан келгусида “Ўзавтосаноат – лизинг” масъулияти чекланган жамияти ва бошқа лизинг ташкилотларини молиялаштириш учун йиллик 0,5 фоиздан кўп бўлмаган тижорат банклари маржаси билан умумий миқдори 100 миллиард сўмгача ресурслар ажратиш тавсия этилган.

Бугунги кунда транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этишда аҳолига турли жабҳаларда яқиндан ва ўз вақтида ёрдам бериш тузилмалари ташкил этилган. Масалан, “Халқ қабулхона”ларига келиб тушган аризаларга кўра, жумладан, транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар томонидан йўловчилар ташишни амалга ошириш юзасидан доимий равишда марказлаштирилган мониторинг олиб борилишини таъминлаш, онлайн (GPS) режимида масофадан кузатиш тизимини ҳамда расмий веб-сайт ва “Ишонч телефонлари” орқали аҳоли билан мулоқот механизмларини босқичма-босқич жорий этиш вазифаси бугунги кун тартибига киритилган. Шу мақсадда мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига

хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш дастури тузилди. Жумладан, транспорт хизматлари асосий капиталига киритилган инвестициялар салмоғининг ортиши пировардида ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш билан бир қаторда мазкур хизматларни бажарадиган ва истеъмол қиладиган барча тоифадаги объект ва субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Маълумки, давлатимиз бош ислохотчи сифатида тегишли йўналишларни белгилаб беради ва бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтиришни ҳам кўзда тутди ва иқтисодиётни бошқариш тизимини демократлаштиришни таъминлайди. Бунда асосий вазифа давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш билан бирга, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш бўйича ишларни янада кучайтириб боради. Бу йўналиш, таҳлилларимизнинг кўрсатишича, транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида ҳам бошқариш тизимини ислох қилиш ва демократик характердаги хўжалик юритиш механизм ва усуллари амалиётга кенг жорий этиш учун истиқболли катта имкониятлар яратади.

III - БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Республикамизда транспорт хизматлари кўрсатишни диверсификациялаш орқали унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини орттириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– транспорт хизматлари кўрсатишга инвестицияларни ҳар бир ҳудуднинг йўл-транспорт инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш даражасига қараб тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида хусусий тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш, улар ўртасида рақобат муҳитини яратиш ва давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини кенгайтириш;

– транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг иш унумдорлигини ошириш, мураккаб фаолият турлари билан банд транспорт ишчи-ходимлари ва мутахассисларини моддий рағбатлантириш усулларини такомиллаштириш ва жорий этиш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш тизимини инновацион технология ва ишланмалар асосида диверсификациялаш ва автоматлаштириш орқали меҳнат унумдорлиги ва хизматлар сифатини ошириш;

– давлат томонидан транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини тартибга солишнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, мазкур соҳа хизмат турларига бўлган талаб ва таклиф мувозанатини ҳамда транспорт хизматлари кўрсатиш бозорининг самарали ривожланишини таъминлаш;

- республикамиз транспорт хизматлари кўрсатиш бозорида фаолият олиб боровчи субъектлар томонидан ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларида транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришга эътиборни қаратиш.

2. Транспорт хизмати кўрсатиш тизими бошқа хизмат турларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади, яъни:

- транспорт хизмати га йўналтирилган ресурслардан фойдаланиш харажатларининг қопланиш ва қайтимлик муддатларининг қисқалиги ва улардан такрор фойдаланиш имкониятларининг кўплиги;

- транспорт хизмати кўрсатувчи субъектларнинг турли мулк шакли (уюшма, асоциация, фирма) да ва ўзаро рақобатдош эканлиги;

- кўрсатилаётган транспорт хизматининг муддатлилиги ва тезлиги транспорт воситаларининг замонавийлик хусусиятларига боғлиқлиги;

- кўрсатилаётган транспорт хизматларининг техник хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарурлиги;

- транспорт хизматларини амалга оширишда техник созлигининг доимий назоратда бўлиши ва барча техник меъёрларга амал қилиш зарурлиги;

- транспорт хизмати кўрсатувчиларининг доимий равишда тиббий кўриқдан ўтиб туриши зарурлиги.

3. Мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда бу тармоқдаги мавжуд ички имкониятларни очиб беришда хизмат кўрсатишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни бир тизимга келтириш мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, соҳанинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодиётдаги тутган ўрнига қараб уни риволантиришга таъсир этувчи омилларни ташкилий-таркибий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-меъёрий, техник – технологик ва экологик гуруҳларга ажратган ҳолда уларнинг ҳар бирига хос бўлган унсурлар асосида такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

4. Ўзбекистонда транспорт хизматлари харажатларини камайтиришнинг асосий концептуал йўналишлари бўлиб, транспорт корхонаси хизматлари харажатлари таркибида ёнилғи (бензин, пропан ва метан газини) сарфлари етакчи ўринда бўлганлиги туфайли, улар фаолиятига альтернатив ёнилғи (электр энергияси) турида ишлайдиган транспорт воситаларини жорий этиш; транспорт воситаларини муддатида техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўл қурилиши тизимини яхшилаш орқали транспорт воситалари учун сарфланадиган амортизация харажатлари улушини камайтириш; ҳайдовчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, ҳайдовчи-йўловчи муносабатларини одоб-ахлоқ нормаларига амал қилишини таъминлаш, йўл ҳаракати маданиятини ошириш ва ҳайдовчиларнинг ўзлари орасида ўзаро ҳурматга асосланган йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишларига эриш ва ш.ў. йўналишлар.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тадқиқот жараёнида транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга доир қуйидаги асосий илмий-назарий хулоса ва услубий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Транспорт хизмати умумижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у моддий-техника базасининг таркиби ва ўзига хос хусусиятлари билан бошқа тармоқлардан жиддий фарқ қилади. Шунинг учун муаллифнинг таърифига кўра, **транспорт хизматлари кўрсатиши** бу - уларнинг барча турларини амалга оширувчи субъектлар томонидан фойда олиш мақсадида транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, йўловчиларни ташиш ва манзилига етказиб қўйиш, юк ортиш, ташиш, тушириш ва жойлаштириш каби транспорт сервисини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуидир.

2. Транспорт хизматлари кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ўзига хос тизимга эга бўлиб, у асосан бошқа соҳа самарадорлик кўрсаткичларидан фарқли равишда транспорт хизматлари истеъмолчиларининг ушбу хизматларни кўрсатувчилар томонидан бажарилган транспорт хизматларидан қай даражада қониқишини ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши лозим.

Баҳолаш натижалари транспорт корхоналари томонидан бажарилган иш ва хизматлар натижаси умумиқтисодий самарадорликка қай даражада таъсир этишини ифодалайди.

3. Транспорт хизматлари кўрсатиш жараёнини самарали фаолиятини таъминловчи ташкилий-иқтисодий механизмлар илмий асосланилди. Шунингдек, ишда алоҳида олинган оптимал ҳудудий-ташкилий тузилма, хизмат кўрсатиш нархларини дифференциацияси ҳамда транспорт рақамли иқтисодиёти каби ташкилий ва иқтисодий механизмларунсурларини янги сифат даражасига кўтариш асосида таъсирчанлигини ошириш бўйича илмий таклифлар берилган.

4. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, транспорт фаолиятини ташкил этишнинг асосий тўртта шакли мавжуд бўлиб, уларга жамоат транспортида транспорт хизматлари кўрсатиш ҳуқуқи мавжуд ички (коммунал) ташувчилар институти, маршрутга хизмат кўрсатиш бўйича тендер шартномалари, маршрут тармоғини бошқариш бўйича тендер шартномалари ва эркин бозор талаби асосида тузиладиган уйғунлашган шартнома шартларига мувофиқ фаолият юритадиган транспорт хизматлари кўрсатувчи субъектлардан иборатлиги аниқланди.

5. Республикада транспорт хизматлари кўрсатишнинг умумий ҳажмида йўловчиларга транспорт хизматларини кўрсатишнинг улуши тобора ошиб, бунда автомобилда транспорт хизматлари кўрсатишнинг улуши юқориликча қолмоқда. Масалан, автомобилда транспорт хизматлари 2010 йилда 56,7 млрд. йўловчи-километрга тенг бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 117,7 млрд. йўловчи-километрни ташкил этиб, 2010 йилдан 2017 йилгача бўлган давр ичида 107,6% га ўсганлиги аниқланди.

6. Транспорт соҳасини ислоҳ қилиш, уни инновацион ривожлантириш, транспорт хизматлари истеъмолчиларининг эҳтиёжларини кам харажат эвазига сифатли қондириш каби истиқболли вазифаларни амалга оширишда ихтисослашган кластерлар муҳим рол ўйнайди. Худудий транспорт хизматлари кластерида хизмат кўрсатишни таъминловчиларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Бунда асосий буюртмачи сифатида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги республикамиздаги барча йўловчи ва юк ташиш транспорт хизматлари кўрсатиш тизими ва жараёнидаги муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, худудий транспорт хизматлари кластери соҳага янги техника ва технологияларни жорий этиш асосида тармоқни юқори самарадорликда ривожланиш имкониятини яратади.

7. Хизматлар бозорини ривожлантириш ва унинг муҳим жиҳатларини ўрганишда турли усуллардан, жумладан, анъанавий таҳлил усулидан фойдаланиш асосида зарурий қиёсий таққослаш муҳим аҳамиятга эга. Шу талабдан

келиб чиққан ҳолда Самарқанд вилояти транспорт хизматлари бозорининг бугунги кундаги устунлик ва афзалликлари, заиф жihatлари, имкониятлари ҳамда унга нисбатан таҳдидларни қиёсий таққослаш учун SWOT таҳлили усулидан фойдаланилди. Олинган натижаларга таянган ҳолда истиқболда SWOT таҳлили натижалари транспорт соҳасини модернизациялаш ва диверсификациялаш, хизматлар бозорини ривожлантиришнинг янги йўналишларини амалиётгасамарали татбиқ этиш учун мустаҳкам замин яратади.

8. Республикамиздаги транспорт хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишларининг Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, тадқиқот ишида республикамизда транспорт хизматларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари илмий асосланган.

9. Илмий прогноз натижаларига кўра, 2021 йилга бориб, транспортдаги йўловчилар айланмаси 186,5 млрд. йўловчи-км ва транспорт воситаси билан ташилган пассажирларнинг умумий сони 8565,6 млн. кишини, транспорт хизматлари кўрсатиш жами 68157 млрд. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар базис йили - 2017 йилга нисбатан мос равишда 43,5%, 50,8% ва 88,2%га ўсади.

Юқоридаги асосий ва бошқа хулоса-тавсиялардан амалиётда фойдаланиш республикамизда транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014 йил. - 38 б.

1.1.2. “Автомобиль транспорти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил 29 август.

1.1.3. “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1997 йил 25 апрель.

1.1.4. “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2017 йил 21 апрел.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

1.2.2. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 18 апрель қарори.

1.2.3. “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2007 йил 23 май қарори.

1.2.4. “Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантиришни дастури тўғрисида” 2016 йил 26 феврал қарори.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2017 йил 12 январь №8.

1.2.6. Мирзиёев Ш.М. “2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 3422-сон, 2017 йил 2 декабрь.

1.2.7. Мирзиёев Ш.М. “БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи”, манба: <http://www.sof.uz>.

1.2.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли “Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш қоидалари тўғрисида”ги Қарори.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

1.3.1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь.

1.3.2. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш- барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг расмий сайти.

1.3.3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан курашимиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 декабрь.

1.3.4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январ ойида бўлиб ўтган “Мамлакатимизни 2016 йилдаги 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган мажлисидаги маърузаси// “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 январ.

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Зарафшон”, 2017 йил 23 декабр.

1.3.6. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015 йил.

1.3.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. 7-том. - Т.: Ўзбекистон, 1999 йил. - 412 б.

1.3.8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-том.-Т.: Ўзбекистон, 2000 йил. - 528 б.

1.3.9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том.- Т.: Ўзбекистон, 2003 йил.- 318 б.

1.3.10. Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайдди. 13-том.- Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.-448 б.

1.3.11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-том.- Т.: Ўзбекистон, 2006 йил.-280 б.

1.3.12. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”//“Ўзбекистон овози”. 2010 йил 30 январ.

1.3.13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммитининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа - Т.: 2010. 39 б.

1.3.14. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.- Т.: “Ўзбекистон” -2011.439 б.

1.3.15. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // “Зарафшон”. 2012 йил.,21 январь.

1.3.16. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011.-138 б.

1.3.17. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”, Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь №11.

1.4. Монографиялар, китоблар ва рисоалар

1.4.1. Абдуллаев Ё.А. ва бошқалар. Статистика: – Т., 2011. – 256 б.

1.4.2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт), дарслик. - Т.: Меҳнат. 2009.- 667 б.

1.4.3. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: Фан ва технология. 2008.- 364 б.

1.4.4. Агабабьян Э.М., Пузин И.Н. Производство-потребление. – М.: 2010.- 427 с.

1.4.5. Арупов А.А. Казахстан в системе мировых торговых рынков.- Алматы: Университет, 2000. – 63 с.

1.4.6. Ассэль Г. Маркетинг: принципы и стратегия : учебник для вузов. - М. : ИНФРА-М, 2001.- 337 с.

1.4.7. Алешина И.В. Маркетинг для менеджеров: Учеб. пособие / И.В. Алешина.-М.: ФАИР-ПРЕСС, 2003.-456 с.

1.4.8. Аннаев М.Б. Савдо корхоналарида даромадлар ҳисоби ва аудитининг долзарб масалалари. Монография, Т., Наврўз, 2011.- 112 б.

- 1.4.9. Ахунова Г.Н., Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ., 2008.- 194 б.
- 1.4.10. Аҳмедов Р. “Автотранспортда менежмент”. Ўқув қўлланма, Наманган – 2001 й., 8-9 бетлар.
- 1.4.11. Бабицкий Д.М. ва бошқ. “Общественный транспорт Беларуси: состояние и пути развития” – Минск : ИП«Логвинов», 2010 йил. 82-бет.
- 1.4.12. Бархатов В.И., Журавлёва Г.П. Экономическая теория:учебник. – М., 2007. – 848 с.
- 1.4.13. Базарова Т.Ю., Еремина.Б.Л. Управление персоналом: Учебник для вузов / Под ред. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ, 2007. - 560 с.
- 1.4.14. Болтабаев М.Р., Тухлиев И.С. ва бошқалар Туризм:назария ва амалиёт. Дарслик, Т.: 2018. – 417 б.
- 1.4.15. Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика. Учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н.Даниленко, Т.А.Туренко. – М.: КНОРУС, 2007. – 328 с.
- 1.4.16. Бычков В.П. Предпринимательская деятельность на автомобильном транспорте. – СПб.: Питер, 2004. – 448 с.
- 1.4.17. Вахрушина М.А., Карпова Т.П., Петров А.М. и др. Бухгалтерский учет в сфере услуг. Учебник. - М.: Рид Групп, 2011. – 576 с.
- 1.4.18. Вишнякова С.М.Словарь профессионального образования. – М.: НМЦ СПО, 1999. АПОПАО, 2011.- 538 с.
- 1.4.19. Дубровский Д.А. Прибыльный автосервис. Советы владельцам и управляющим. - СПб.: Питер, 2010. – 256 с.
- 1.4.20. Горелов Н.А. Политика доходов и качество жизни населения: Учеб. пособие. - СПб.: Питер, 2003.- 653 с.
- 1.4.21 Гурев В.И. Основы социальной статистики. Методы. Системы показателей. Анализ.Учеб.пособие.-М.: Финансыистатистика, 1991.-177 с.
- 1.4.22. Добрынин А.И., Журавлева Г.П. Общая экономическая теория. СПб. : - Питер, 2000.-288 с

1.4.23. Дойль П. Маркетинг менеджмент и стратегии / Дойль П., Штерн Ф.-4-е изд. - СПб.: - Питер, 2007.-544 с.

1.4.24. Ерихов М.М. “Российская практика управления и финансирования городского пассажирского транспорта в свете зарубежного опыта.” - Хабаровск : ДВГУПС, 2011 йил. – 22 – 27 бетлар.

1.4.25. Иброхимов Р. “Маркетинг”, Дарслик. - Тошкент, “Шарк”, 2002. – 134бет.

1.4.26. Мирзаев Қ. “Агросервис иқтисодиёти”, Монография.- Тошкент: - “Иқтисод-молия”, 2013 йил, 13-бет.

1.4.27. Жеребин В.М., Романов А.Н. Уровень жизни населения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2002.- 224 с.

1.4.28.Киреев А.П. Международная экономика. Ч.1. - М.: Международные отношения, 2000. - 265 с.

1.4.29. Котлер Ф. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник. – 4-е изд., перераб. Идоп.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.-1071 с.

1.4.30. Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд. / пер. с англ.; под ред. С.Г. Божук.- СПб.: Питер, 2005. - С.301.

1.4.31. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег- [Перевод].– М.: Гелиос АРВ, 2002.- 352 с.

1.4.32. Кузьмин Д.А. Экономический анализ: теория и практика. – М., 2015. – 256 с.

1.4.33.Кушнир И.В. Мировая экономика//<http://www.be5.biz/ekonomika/mo13/tech.htm>

1.4.34. Лапуста М. Г. Малое предпринимательство: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2010. – 567 с

1.4.35.Лавлок К. Маркетинг услуг: Персонал, технологии, стратегии. / пер.с англ. 4-е изд. -М.: Издательский дом Вильямс, 2005 .- 1008 с.

1.4.36. Маршалл А. Принципы экономической науки, [institutions.com / download/ books/ 1229-principy-ekonomichskoj-nauki.html](http://institutions.com/download/books/1229-principy-ekonomichskoj-nauki.html).

- 1.4.37. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: краткий курс: Пер. 10-го англ.изд. ИНФРА, -М., 2015., Т.1.- 400 с.
- 1.4.38. Магнус Я.Р., Катышев П.К., Пересецкий А.А. Начальный курс: Учебник.-7-е изд., испр.-М.: Дело, 2005.-504 с.
- 1.4.39. Маматкулов Х.М. Туризм ва сервисга оид изоҳли луғат. –Самарқанд: СамИСИ, 2010.-362 б.
- 1.4.40. Мирзаев Қ. “Агросервис иқтисодиёти”, Монография, Тошкент, “Иқтисод-молия”, 2013 йил, 13-бет.
- 1.4.41. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти” Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. -384б.
- 1.4.42. Мухаммедов М. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.
- 1.4.43. Мухиддинов Х.С. “Аҳоли турмуш даражасини моделлаштириш” Монография.-Т., 2005.-168 б.
- 1.4.44. Николайчук В.Е.Маркетинг и менеджмент услуг. Деловой сервис.-СПб.: Питер, 2005.- 608 с.
- 1.4.45. Назаров М.Г. Курс социально – экономической статистики. ЮНИТИ-ДАНА, 2005, -57 с.
- 1.4.46. Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики.-М., 2008. – 191 с.
- 1.4.47. Нусратуллин В.К. Неравновесная экономика. 2-е изд., доп. - М., 2016.-.361 с.
- 1.4.48. Панкратьева Н. Система статистических показателей сферы услуг как сектора экономики // Вопросы статистики. 1998. № 4.-17 с.
- 1.4.49. Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.- 285 б.

1.4.50. Пардаев М.Қ., Исроилов Ё.Ж. “Автомобиль транспорти хизматини кўрсатувчи корхоналар таҳлилининг айрим жиҳатлари”, Тошкент “NOSHIRLIK YOG’DUSI” нашриёти, 2011 йил.

1.4.51. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. - Б. 19.

1.4.52. Персианов В.А. ва бошқ. “Экономика пассажирского транспорта” ўқув қўлланма: – М.: КНОРУС, 2012 йил. – 400 бет.

1.4.53. Персианов В.А. “Зарубежный и отечественный опыт управления городским пассажирским транспортом в рыночных условиях”, ўқув қўлланма ГУУ. – М., 2006 йил. – 63 бет.

1.4.54. Попов А.И. Экономическая теория. Учебник для вузов. СПб.: Питер 2003.- 400 с.

1.4.55. Поков Ф.И. Экономическая теория. Учебник для вузов.- СПб.: Питер, 2006. – 296 с.

1.4.56. Райзберга Б.А. Курс экономики: Учебник. Изд. 3, доп. 2001.-716 с.

1.4.57. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Пер.С.англ. Е.М.Майбурда. - М., 1993.-572 с.

1.4.58. Сиденко А.В., Матвеева М.В. Международная статистика. Учебник. М.: Дело Сервис, 2009.-141с.

1.4.59. Салин В.Н., Шпаковская У.П. Социально-экономическая статистика. Учебник - М.: Юрист, 2001.- 461 с.

1.4.60. Супяна. В.Б. Экономика США: учебник для вузов/под ред. Супяна. В.Б. СПб.: Питер, 2003. - 125 с.

1.4.61. Стаханов В.Н., Стаханов Д.В. Маркетинг сферы услуг. - М., 2001.-160с.

1.4.62 Свириденко Ю.П. Сфера услуг: проблемы и перспективы развития. - М., 2001.- 410 с.

1.4.63. Тухлиев И.С. Туризм асослари: Услубий кўлланма. Самарқанд.: СамаИСИ, 2008.-247 б.

1.4.64. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. – Т.: Гос. науч. изд-во Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 424 б.

1.4.65. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2014. – 480 б.

1.4.66. Умаров У. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув кўлланма.Т.:Мерос, 2004.-400 б.

1.4.67. Қобилов Ш. “Иқтисодиёт назарияси”, Дарслик, “Ўзбекистон ИИБ Академияси”, Тошкент 2013 й, 402-бет.

1.4.68. Қодиров Т. “Автомобиль транспортининг иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрнини баҳолашга ёндашув”, “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2013 йил №11, 38-бет.

1.4.69. Қодиров Т. “Транспорт тизимининг ривожланиш ҳолати таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил.

1.4.70. Қудратов Ғ.Ҳ., Тухлиев И.С. Туризм соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш.-Самарқанд.: Зарафшон, 2016.-31 б.

1.4.71. Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. - Т.: Фан, 2005.-146 б.

1.4.72. Хамидов О.Х. “Транспорт сервисини ташкил этиш” фани бўйича таълим технологияси. – Тошкент: “ТДИУ.” – 2006.

1.4.73. Хаксевер К., Рендер Б., Рассел Р., Мердик Р. Управление и организация в сфере услуг.- М., 2002. -752 с.

1.4.74. Хайек Ф. Дорога к рабству / Пер. с англ.- М.: Новое издательство, 2005. – 264 с.

1.4.75. Хоскинг А., Курс предпринимательства, - М.: Международные отношения, 1993 – 352 с.

1.4.76. Хошимов П.З., ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: 2003. – 289 б.

1.4.77. Челенков А.П. Маркетинг услуг. – М.: Центр маркетинговых исследований и менеджмента, 2002.-288 с.

1.4.78. Чурилов А.Г. Организационно-экономические основы формирования конкурентной среды при реализации муниципального заказа на городские пассажирские автобусные перевозки : автореф. дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05 / Чурилов А.Г.; [Место защиты:Моск. гос. автомобил.-дорож. ин-т (техн. ун-т)]. – М., 2004. – 22 с.

1.4.79. Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. – М.: Экономист, 2005.-350 с.

1.4.80. Ширай В.И. Мировая экономика и международные отношения : учебное пособие. -М.: 2003.-. 528 с.

1.4.81. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев т.Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Молия. 2002.- 409 б.

1.4.82. Шарифхўжаев М.Ш. Абдуллаев Ё.А. ва бошқалар. Менежмент. Дарслик.- Т.: Ўқитувчи, 2001.-704 б.

1.4.83. Эгамов Э., Усмонов М. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг ўсиши. – Т.: Мехнат, 2014. – 169 б.

1.4.84.Эндрю Ф. Сигел. Практическая бизнес-статистика.4-е издание.- М.:-Спб, 2008.-1056 б.

1.5. Кўп томли китоблар

1.5.1. Экономика: Толковый словарь: англо-русский. -М.: ИНФРА – М., Весь Мир, 2000. - 661 с.

1.5.2. Новый экономический и юридический словарь // под. ред. А.Н. Азрилияна. - М.: Ин-т новой экономики, 2003.-955 с.

1.5.3. Большой глоссарий и толковый словарь терминов, применяемых в гостиничном менеджменте и туризме. 1 том.- М.: Изд. Во ЗАО Корпорация “Академ сервис”, 2003.-992 с.

1.5.4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти 5 жилдли. 2008.- 4-жилд. - 606 б.

1.6. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари

1.6.3. Махмадиев Б.С. Прогнозирование развития сферы услуг населению в территориальных системах управления (на примере Кашкадарьинской области): дис. канд.экон.наук.-Т., НПО Кибернетика, 1993.- 154 б.

1.6.4. Очиллов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.- Самарқанд., 2010.-24б.

1.6.5. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Автореферат. - Самарқанд., 2017-33б.

1.6.6. Саидов А.М. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш йўллари. Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Самарқанд., 2011.-25 б.

1.6.7. Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Автореферат.- Самарқанд., 2016-33б.

1.6.8.Худайбердиев Н.У. Туристтик-меҳмонхона мажмуалари иқтисодиёти, уларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит масалалари. Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. – Самарқанд., 2011.

1.7. Илмий мақолалар

1.7.1. Абдукаримов Б. ва бошқалар.Хизматлар ва сервис соҳаларини моҳияти, самарадорлигини ошириш ҳамда фаолиятини такомиллаштиришни илмий-назарий ва амалий масалалари // Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Илмий-амалий анжуман материаллари. - Самарқанд, СамИСИ, 2010.6-10 апрел. -.23-31 бб.

1.7.2. Жамолидинова О., Аминов Ф. Замонавий билим ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар – буюк келажагимиз кафолати// “Маърифат”, 2016 й 26 ноябрь.

1.7.3. Саидов.К.С Уровень жизни как социально-экономическая категория // Аҳоли турмуш даражасини кўтариш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш йўллари ва воситалари: Илмий-амалий анжумани – С.: СамДУ, 2002. –116.;

1.7.4. Саидова Г.К. Узбекистан входит в ТОП-5 стран мира демонстрирующих высокие темпы экономического роста

1.7.5. Мухаммедов М.М.Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устувор масала. // Servis. - Самарқанд, 2016, № 1.-. 47-56 бб.

1.7.6. Пастухов А.Л. Ускорение развития сферы услуг как необходимое условие модернизации экономики // Экономика и экономические науки. 2012 г., № 20. – 80-85 с.

1.7.7. Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. // Servis - Самарқанд, 2015, №1. 38-46 бб.

1.7.8. Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. // Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.- Самарқанд, 2017. 11-14 бб.

1.7.9. Курбонов Ж.М. Хизмат, Хизмат кўрсатиш, Сервис // Servis. - Самарқанд, 2015 №1. 56-64 бб.

1.7.10. Қосимова Г.А. Хорижий мамлакатларда ижтимоий ҳимоя харажатларини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари //Иқтисод ва молия.- Тошкент, 2017, №2. 48-5766.

1.7.11. Ғойибназаров Б.К., Муҳитдинова У.С. Аҳоли истеъмоли ва харажатларини статистика баҳолаш // Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2005, № 3. 71-7766.

1.8. Журнал ва конференция ишларига ҳаволалар

I - бўлим

1.8.1. Nasimov Ikrom Khusanovich. Uzbekistan's economic foundations of the future strategy for the development of transport services // Journal of Management Value & Ethics, Vol. 8 No. 3, India, 2018. ISSN-2249-9512. p. 50-61.

1.8.2. Насимов И.Х. Система показателей, отражающая эффективность транспортных услуг // “Экономика и предпринимательство”, - 2016. - №10.(ч.1) – стр. 522-525.

1.8.3. Насимов И.Х. Ғазначилик хизматини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, - 2010. - №7. – Б. 33-34.

1.8.4. Насимов И.Х., Мирзаев Қ.Ж. Транспорт хизмати кўрсатишга таъсир этувчи омиллар // Иқтисодиёт ва таълим, - 2013. - №6. – Б. 65-68.

1.8.5. Насимов И.Х., Транспорт хизматлари кластери ва унинг муҳим хусусиятлари // Сервис, - 2015. - №3. – Б. 30-35.

1.8.6. Насимов И.Х., Мирзаев Қ.Ж. Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси асосида транспорт хизматлари бозорини ривожлантириш имкониятлари // Biznes – Эксперт, - 2017. - №11. – Б. 11-15.

II - бўлим

1.8.7. Насимов И.Х. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий муносабатларидаги айрим муаммолар ва ечимлар // “Барқарор ижтимоий-иқтисодий

ривожланишни таъминлашда туризмнинг роли” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, - Самарқанд, 2010. – Б. 134-136.

1.8.8. Насимов И.Х. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш имкониятлари // “Туризмни ривожлантиришда халқаро илғор тажриба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш муаммолари” мавзусидаги профессор-ўқитувчиларнинг республика илмий – амалий анжумани, - Самарқанд, 2011. – Б. 177-179.

1.8.9. Насимов И.Х. Транспорт соҳасида хизмат кўрсатишнинг муҳим жиҳатлари // “Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (III – қисм), - Самарқанд, 2014. – Б. 69-72.

1.8.10. Насимов И.Х. Транспорт хизматлари кластери ва уни ривожлантириш йўллари // “Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик, услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман, - Самарқанд, 2014. – Б. 293-296.

1.8.11. Насимов И.Х., Мирзаев Қ.Ж. Ўзбекистонда автомобиль транспорти хизматларини баҳолаш хусусиятлари // “Иқтисодий ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (II қисм). -Самарқанд, 2015. – Б. 119-122.

1.8.12. Насимов И.Х., Мирзаев Қ.Ж. Транспорт кластери ва унинг муҳим хусусиятлари // Kangwon National University, Samarkand Agricultural Institute, “Regional innovation systems in Agriculture”, 3-4 June Samarkand, 2015.

1.8.13. Насимов И.Х. Транспорт хизматлари кластерининг муҳим хусусиятлари // “Орол бўйи зонасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий-экологик муаммолари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, - Нукус, 2015. – Б. 45-49.

1.8.14. Насимов И.Х. Транспорт хизматлари самарадорлигини ифода-ловчи кўрсаткичлар тизими // “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси: анъаналар ва инновациялар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани, - Самарқанд, 2015. – Б. 22-25.

1.8.15. Насимов И.Х. Ўзбекистонда транспорт хизмати кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари // “Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожла-ниш тенденцияси ва истиқболлари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари, VI-қисм, - Самарқанд, 2016. – Б. 97-99.

1.8.16. Насимов И.Х. Республикада транспорт хизматларининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари // “Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, IV-қисм, - Самарқанд, 2017. – Б. 83-87.

